

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУНАВВАРА ҚУРБОНОВА**

**ЎЗБЕК БОЛАЛАРИ НУТҚИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК  
АСПЕКТИ**

*Монография*

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти / М.Қурбонова.** – Тошкент. 2018. – 160 б.

Монографияда ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик хусусиятлари, хусусан, болалар томонидан яратиладиган нутқий акт кўринишлари, болалар нутқида пресуппозициянинг ифодаланиши қонуниятлари, болаларга хос нутқий коннотация муаммоси ёритилди.

Монография тилшунос олимлар, тилшунослик илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир: Д. Лутфуллаева,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

**Тақризчилар: М.Қурбонова,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

**Д. Худойберганова,**  
филология фанлари доктори,  
етақчи илмий ходим

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 27.11.2017 йил 4-сонли мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

## СЎЗБОШИ

Тилшунослик фани тараққиётининг сўнгги босқичида тил бирликларини ундан фойдаланувчи шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш тенденцияси марказий ўринга чиқди. Бу ёндашувда лингвистик ҳодисаларни тил эгаларининг борлиқни идрок этиши, олам ҳақидаги тасаввурлари ва уни тилда акс эттириши, лисоний тафаккури, тил кўникмаси, нутқий фаолияти, нутқ объекти ҳақидаги билимлари, руҳияти, воқеликка муносабати, касб-кори, ёши, гендер белгиси каби нолисоний омиллар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратила бошланди. Натижада тилшунослик фанида тил ва ундан фойдаланувчи шахс муносабатини ўрганувчи турли йўналишлар майдонга келди.

Тилшуносликнинг тил тизимини шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи йўналишларидан бири сифатида майдонга чиққан прагмалингвистика ҳозирги кунга келиб ўрганиш объекти, асосий тушунчалари, ўз терминологик тизими, назарий муаммолари, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олди. Бу соҳанинг етакчи мутахассисларидан бири Ш.Сафаров қайд этганидек, “Прагмалингвистика ҳеч қандай гумонсиз «тетапоя» давридан ўтди, ушбу соҳа ўз тадқиқ объектини (нутқий мулоқот тизими) ва таҳлил методларини асосан аниқлаб олди. Прагматик таҳлил тамойилларини белгиловчи асосий методологик ғоя ҳам аниқ: бу – *фаолият назариясидир*. Аммо прагмалингвистика ҳамон «навқиронлик» даврида. Навқиронлик эса – истиқболли режаларга тўлиқликдир, ҳозирча ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан тап тортмасликдир”.<sup>1</sup>

Прагмалингвистиканинг олим назарда тутган истиқболли масалалари қаторига тил бирликларининг шахс омили билан боғлиқ ҳолда амалий-функционал қўлланиши таҳлилига қаратилган бир қатор муаммолар, жумладан, нутқий фаолият ва унинг самарали

---

<sup>1</sup>Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 6.

кечиши, жумланинг мақбуллиги, ўринлилиги шарти; нутқий акт турлари ва ифодаланиши усуллари, коммуникатив мақсад ва унинг нутқда акс этиши, иллокутив мақсаднинг коммуникатив вазиятга тобелилиги, мулоқотни лингвистик жиҳатдан ташкил қилиш, мулоқот кўринишлари ва типларини ажратиш тамойиллари; жумланинг турли контекстларда турлича талқин қилиниши; синтактик қурилмаларнинг вазифавий таснифини яратиш муаммоси<sup>2</sup>, дейксис назарияси, матннинг импликатура бирликлари, коннотация, баҳо муносабати кабилар киради.

Тилда инсон омили муаммосини тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратилаётган бугунги кунда ўзбек тилшунослигида болалар нутқининг прагмалингвистик хусусиятларини ўрганиш муаммоси ҳам долзарбдир. Ш.Сафаровнинг қайд этишича, тил тизими таракқиётининг дастлабки нуқтаси прагматикадан бошланади. Олимнинг фикрига кўра, масалага бу нуқтаи назардан ёндашув филогенетик ва онтогенетик жиҳатдан ҳам асослидир. Чунки тил биринчи галда сўзловчининг шахсий истаги, фойдаси учун хизмат қилади.<sup>3</sup> Дарҳақиқат, болалар нутқи коммуникатив ниятнинг ифодаланиши, мулоқот иштирокчиларининг эътиборини жалб этишига кўра ўзига хослиги ва серқирралиги билан катталар нутқидан ажралиб туради. М.Содиқованинг маълумот беришича, К.И.Чуковский бу ҳақда шундай ёзган эди: “Атрофимда ўйнаб юрган болаларнинг жаранглаган товушлари тинимсиз қулоғимга эшитилиб турарди. Авваллари болаларнинг бундай ширин сўзларидан фақат завқланардим, холос. Кейинчалик эса унинг ширинлиги билан бирга, катта илмий аҳамияти борлигига ҳам ишонч ҳосил қилдим. Чунки болалар нутқи устида илмий-тадқиқот иши олиб борсак, биз уларнинг ажойиб фикрлаш қонуниятларини ҳам очишимиз мумкин, деган хулосага келдим”.<sup>4</sup>

---

<sup>2</sup> Қаранг: Вахтель Н. Прагмалингвистика в таблицах и схемах // Учебное пособие. – Воронеж, 2006. – С. 8.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 37.

<sup>4</sup> Содиқова М. Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам. – Тошкент: Ёш Гвардия, 1972. – Б. 4.

Маълумки, тилшуносликда ўзбек болалар нутқининг лингвистик ҳамда ижтимоий-психолингвистик хусусиятларига оид тадқиқотлар мавжуд. Бу борадаги дастлабки монографик тадқиқотда кки тил шароитида ўзбек болалари нутқида замон муносабатларининг ифодаланиши масаласи ёритилган.<sup>5</sup> Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятларига бағишланган тадқиқотларда улар томонидан фонетик ва грамматик бирликларнинг ўзлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлса,<sup>6</sup> кичик ёшдаги болалар ва ўсмирлар нутқи мисолида социопсихолингвистик нуқтаи назардан амалга оширилган тадқиқотда лексик воситалар таҳлилга тортилган.<sup>7</sup> Ўзбек тилшунослигида кичик ёшдаги болалар нутқининг коммуникатив, гендерологик ва лингвокультурологик жиҳатлари ҳам муайян даражада ўрганилган.<sup>8</sup> Аммо болалар нутқининг прагматингвистик хусусиятлари махсус тадқиқ объекти бўлмаган.

Дунё тилшунослигида бу йўналишда олиб борилган тадқиқот ишларига назар солсак, турли тиллар мисолида болаларга хос нутқ кўринишларининг прагматингвистик аспектда тадқиқ этилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Е.Белоглазова, О.Строгоноваларнинг тадқиқотларида бадиий матн мисолида болалар нутқининг дискурсив-прагматик ҳамда лисоний репрезентатив хусусиятлари ўрганилган.<sup>9</sup> Болалар нутқида хос репрезентатив хусусиятларнинг

---

<sup>5</sup>Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекско-русского раннего двуязычия): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 1988. – 23 с.

<sup>6</sup>Умархўжаева О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 5. – Б. 52-53; Сайидираҳимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.

<sup>7</sup>Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.

<sup>8</sup>Искандарова Г. Болалар мулоқот хулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2015. – № 1/2. – Б. 200-203; Шу муаллиф. Речевое поведение в гендерном аспекте на примере детской речи // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2016. – № 4. – Б. 59-62.

<sup>9</sup>Белоглазова Е.В. Дискурсивная гетерогенность литературы для детей: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2010. – 30 с.; Строгонова О.Л. Особенности репрезентации языковой личности подростка: лингво-прагматический аспект (на материале современных англоязычных учебно-методических комплексов и художественной литературы о подростках). <http://dissers.ru/1/filologiya/osobennosti-reprezentacii-yazikovoy-lichnosti-podrostka->

персонаж образи, ёзувчи томонидан белгиланган бадий вазифаларга боғлиқ ҳолда намоён бўлиши Е.Моисеенко томонидан ҳам илмий асосланган.<sup>10</sup> Болаларда нутқнинг шаклланиши масаласи таҳлил этилган айрим ишларда нутқда прагматик хусусиятларнинг намоён бўлишида нолисоний омилларнинг таъсири ҳам инобатга олинган.<sup>11</sup>

Г.Доброва, В.Королев, С.Красношековаларнинг тадқиқотларида болалар нутқига хос дейктик birlikлар ўрганилган.<sup>12</sup> Мазкур тадқиқотларда тил тизимининг барча сатҳ birlikлари камраб олинмаган. Уларда олмош, равиш туркумига оид birlikлар ҳамда қариндошлик терминларининг дейктик вазифаси таҳлил қилинган холос.

Онтогенез жараёнида қўлланадиган айрим дейктик birlikларнинг дастлабки кўриниши нутқий имитация ва тақлидга асосланади ҳамда лингвопрагматик хусусият касб этади. Шу жиҳатдан жаҳон тилшунослигида болалар нутқига хос прагматик хусусиятлар юзасидан олиб борилган тадқиқотларда имитация масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, А.Н.Корнев имитацияни нутқни ўзлаштиришнинг бош механизми сифатида эътироф этади. Унинг фикрига кўра, бола нутқида яширинган айрим шакллар шу механизм асосида юзага чиқади. Аксарият ҳолларда филогенез ва онтогенез жараёнининг дастлабки босқичида талаффуз оҳангига кўра нутқий имитация кузатилса, кейинги босқичда имитациянинг ўрнини тақлид эгаллайди. Бунда имитация муайян

---

[lingvo-pragmaticeskij-aspekt-na-materiale-sovremennih-angloyazichnih-uchebno-etodicheskikh.php](http://lingvo-pragmaticeskij-aspekt-na-materiale-sovremennih-angloyazichnih-uchebno-etodicheskikh.php)

<sup>10</sup>Моисеенко Е.Ю. Дискурсно-прагматические особенности детской речи (на материале современного английского языка) // <http://avtoreferat.net/content/view/10628/31/>

<sup>11</sup> Детская прагматика или социально-психологический аспект развития речи / <http://matenok.ru/pragmatika.php>

<sup>12</sup>Доброва Г.Р. Онтогенез персонального дейксиса/<http://www.dslib.net/jazykoznanie/ontogenez-personalnogo-dejksisa.html>; Королев В. Стадии освоения детьми средств выражения локативного и темпорального дейксиса // [#ixzz2K6sLGDIP](http://cyberleninka.ru/article/n/stadii-osvoeniya-detmi-sredstv-vyrazheniya-lokativnogo-i-temporalnogo-deyksisa); Краснощекова С.В. Местоименный дейксис в русской детской речи // <https://iling.spb.ru/dissovet/theses/.../thesis.pdf>.

вазиятларда нутқий актнинг ўзига хос шакли сифатида воқеланади<sup>13</sup>. Нутқий акт эса прагмалингвистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Мавжуд манбалар таҳлилидан маълум бўладики, болалар нутқини прагмалингвистик аспектда ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш тенденциясига асосланади.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўзбек тилшунослигида, умуман, прагмалингвистик аспектда амалга оширилган тадқиқот ишларининг ўзи санокли. Бу йўналишдаги ишлар сифатида М.Ҳақимовнинг матннинг прагмалингвистик хусусиятлари тадқиқига оид,<sup>14</sup> У.Раҳимов, З.Бурхонов, А.Пардаевларнинг ёрдамчи сўзлар пресуппозицияси,<sup>15</sup> М.Мамадалиева, З.Мамаражабова, Н.Аҳмедова, А.Ҳайдаров, С.Максумоваларнинг коннотация тадқиқи,<sup>16</sup> З.Тоҳировнинг прагматик сема таҳлили,<sup>17</sup> Ғ.Қамбаровнинг ўзбек тилида баҳо муносабатининг ифодаланиши,<sup>18</sup> энг сўнгги иш сифатида Г.Тоированинг ўзбек мулоқот нутқининг прагмалингвистик

---

<sup>13</sup>Корнев А.Н. Прагматические аспекты речевых имитаций у детей четвертого года жизни. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004.

<sup>14</sup> Ҳақимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 168 б.; Шу муаллиф. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – 283 б.

<sup>15</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 130 б.; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2017. – 262 б.

<sup>16</sup> Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 29 б.; Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 179 б.; Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.; Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 21 б.; Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. – 150 б.

<sup>17</sup> Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 120 б.

<sup>18</sup> Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.

хусусиятларини ўрганишга бағишланган ишларини<sup>19</sup> кўрсатиш мумкин холос.

Ўзбек болалар нутқини прагмалингвистик аспектда ўрганиш бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янги назарий билимлар билан бойитади, ўзбек болалари нутқининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга хизмат қилади. Муаммонинг долзарблиги ва заруратини ҳисобга олган ҳолда ушбу монографияда мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик хусусиятлари тадқиқ этилди. Мактаб ёшидаги болалар нутқининг прагмалингвистик таҳлилида ўсмирлик ва ўспиринлик даврлари ҳам қамраб олинди. Болалар нутқини ёш даври нуқтаи назаридан босқичларга ажратишда Л.Виготский, Д.Эльконин, В.Крутецкий, А.Петровский ва Э.Ғозиевлар томонидан қайд этилган таснифларга асосланилди.<sup>20</sup>

Болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти кенг қамровли муаммоларни ўз ичига олса-да, монографиянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда асосий эътибор болалар томонидан яратилган нутқий акт кўринишларини таҳлил қилиш, болалар нутқида пресуппозициянинг ифодаланиши масаласини ўрганиш, болаларга хос нутқий коннотация муаммосини тадқиқ этишга қаратилди.

Монография ўзбек болалари нутқини прагмалингвистик аспектда ўрганишга қаратилган илк илмий тадқиқот бўлгани боис муаллиф ишга доир барча фикр-мулоҳазалар, танқидий қарашларни самимият билан қабул қилади.

Электрон манзилимиз: [munavvara2013@yandex.ru](mailto:munavvara2013@yandex.ru)

---

<sup>19</sup> Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 49 б.

<sup>20</sup> Қаранг: Ғозиев Э. Психология (ёш даврлари психологияси). – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 37-49.



# I БОБ. БОЛАЛАРГА ХОС НУТҚИЙ АКТ КЎРИНИШЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК ТАВСИФИ

## 1.1. Нутқий акт ҳақидаги назарий қарашлар: таҳлил ва муносабат

Прагмалингвистиканинг марказий масалаларидан бири нутқий акт назариясидир. Нутқий ҳаракатни англатувчи коммуникатив алоқанинг вербал ифодали бирлиги нутқий акт саналади. Нутқий актда хабар, сўроқ, буйруқ, изоҳ бериш, кечирим сўраш, ташаккур билдириш, табрик ифодалаш каби турли нутқий ҳаракатлар амалга оширилади. Нутқий актнинг шаклланишида вербал birlikлар билан бирга иштирок этувчи новербал воситалар мулоқотнинг ёрдамчи воситалари саналади.

Маълумки, ҳар қандай нутқий ҳаракат тил ва унинг эгаси муносабатини тақозо этади. *Инсон – тил, тил – инсон* диадаси тадқиқида, табиийки, коммуникатив мулоқот муаммосига дуч келинади. Коммуникатив мулоқотнинг амалга ошиши, унинг таркибий қисми бўлган нутқий акт ва унда ифода этилган ахборот, бу ахборотнинг тингловчи томонидан тушунилиши, нутқий акт орқали тингловчига таъсир кўрсатиш кабилар прагмалингвистиканинг таҳлил объектлари саналади.

Коммуникатив мулоқот инсон тафаккури фаолиятининг маҳсули бўлиб, бу жараёнда нутқ эгалари томонидан турли мақсадларга йўналтирилган ранг-баранг нутқий тузилмалар ҳосил қилинади. Бу нутқий тузилмаларнинг синтагматик муносабати асосида яхлит мулоқот матни шаклланади.

Коммуникатив мулоқотдан кўзланадиган мақсад муайян ахборотни ифода этиш, ўзаро ахборот алмашилиш ҳамда нутқий таъсир кўрсатишга эришишдан иборатдир. Коммуникатив мулоқотнинг амалга ошиши учун дастлаб воқеликда муайян *сабаб* юзага келади. Айни шу *сабаб* тил эгаларида нутқий мулоқотга йўл очади. Бошқача айтганда, *сабаб* нутқий мулоқот учун *асос*

вазифасини ўтайди. Нутқий мулоқот амалга ошишининг кейинги босқичида мазкур *асос* нутқ эгаларининг муайян мақсади билан уйғунлашади. Нутқ эгалари айни мақсадни намойиш этишлари учун бирор бир нутқий актдан фойдаланадилар. Масалан, сўзловчи томонидан “*Ёмғир ёзганми*” хабар актининг ифода этилиши учун воқеликда ёмғир ёғаётганлиги *сабаб* сифатида юзага чиқади. Бу омил тил эгасини ёмғир ёғаётганлиги ҳақида ахборот беришга ундайди, яъни нутқий тузилма яратиш учун *асос*ни юзага келтиради. Нутқ эгаси ёмғирнинг ёғаётганлиги ҳақида хабар беришни кўзлагани учун у дарак актидан фойдаланади. Демак, энг сўнгги босқичда нутқий мулоқот таркибий қисми – нутқий акт вербал ифодасига эга бўлади.

Англашиладики, коммуникатив мулоқотнинг шаклланишига дастлабки босқичда экстралингвистик омиллар туртки берса, сўнгги босқичда у нутқий ифодасига эга бўлади. Нутқий фаолият ҳақида мулоҳаза юритган Ш.Сафаровнинг қайд этишича, “*сабаб-мотив-мақсад*” занжири нутқий фаолият режасини шакллантиради ва унинг воқеланишини таъминлайди.<sup>21</sup> Назаримизда, бу ўринда “*сабаб-мотив-мақсад*” занжирига *вербал* (баъзан новербал) *ифодани* ҳам киритиш лозим. Бу қисм нутқий фаолиятнинг сўнгги нуқтасини англатади.

Тилшуносликда нутқий акт муаммосининг юзага келиши, ўрганилиши австралиялик философ Л. Витгенштейннинг лисоний фаолият масаласига оид фалсафий қарашлари билан боғлиқ. Нутқий акт назарияси илк бор инглиз философи Ж. Остин томонидан илгари сурилди. У асосий эътиборини нутқий акт назариясини ишлаб чиқишга, хусусан, нутқий актни шакллантирувчи перформатив феъллар таҳлилига ҳамда нутқий акт турларини таснифлаш масаласига қаратди. Ж. Остиннинг ўлимидан сўнг нашр этилган «How to do things with words» китобида олимнинг бу масалага оид қарашлари жамланди.<sup>22</sup>

<sup>21</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 63.

<sup>22</sup> Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 22-129.

Ж.Остиннинг нутқий акт ҳақидаги концепцияси дастлаб З.Вендлер, Ж.Серль томонидан таҳлил этилди, унинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилди ва янги қарашлар билан ривожлантирилди.<sup>23</sup> Кейинчалик бу муаммо В. Хумбольдт, Ш. Балли, С. Карцевский, Л. П. Якубинский, К. Л. Бюллер, Э. Бенвенист, М. М. Бахтин ва бошқаларнинг лингвистик қарашларида ҳам ўз ифодасини топди.

Рус тилшунослигида нутқий фаолият ва нутқий акт масалалари В.Н.Забавников, А.А. Леонтьев, А.Н.Баранов, Г.Е.Крейдлин, И.Н.Горелов, С.А.Сухих ва бошқалар томонидан ўрганилди, бу масаладаги мавжуд қарашлар умумлаштирилди ва тўлдирилди.<sup>24</sup>

Ўзбек тилшунослигида нутқий акт муаммоси М.Ҳакимов томонидан махсус ўрганилди<sup>25</sup>. Унинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” деб номланган докторлик диссертациясининг иккинчи бобида нутқий актнинг шаклланиши, турлари, ўрганилиши масаласи таҳлил этилди. Тадқиқотда нутқий актнинг умумсемиологик белгисига кўра кўплаб тилшунослар томонидан эътироф этилган сўзлаш акти (локутив), коммуникатив (иллокутив), пропозиционал, нутқий таъсир кўрсатиш (перлокутив) актларига муносабат билдирилди. Олим мазкур тадқиқот ишида нутқий актнинг кўринишларини Ж.Р.Серль концепциясига суянган ҳолда таснифлаб, ҳар бир турнинг моҳиятини ўзбек тили матнлари асосида очиб берди. М.Ҳакимов нутқий акт кўринишларини қуйидагича таснифлади: 1.

---

<sup>23</sup> Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – М., 1985. Вып. XVI. – С. 233-250; Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М., 1986. Вып. XVII. – С. 170-194.

<sup>24</sup> Леонтьев А. А. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Политиздат, 1977. – 304 с.; Горелов И.Н. Основы психолингвистики / И. Н. Горелов, К. Ф. Седов. – М.: Лабиринт, 1997. – 224 с.; Сухих С.А. Прагмалингвистическое измерение коммуникативного процесса: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Краснодар, 1998. – 30 с.; Забавников В.Н. К проблеме структурирования речевого акта (речевого действия) // Вопросы языкознания. 1984. – №6. – С. 119-124; Баранов А.Н., Крейдлин Г.Е. Иллокутивное вынуждение в структуре диалога // Вопросы языкознания. 1992. – №2. – С. 84-99.

<sup>25</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 174 б.

Репрезентатив ёки хабар нутқий акти. 2. Мажбурият актлари. 3. Экспрессив актлар. 4. Декларатив акт.<sup>26</sup>

Нутқий акт муаммоси Ш.Сафаровнинг “Прагмалингвистика” китобида ҳам алоҳида бобларда ёритилди. Олим нутқий акт назариясининг прагмалингвистик таълимотда тутган ўрнига баҳо берди, тилшуносларнинг нутқий акт ҳақидаги қарашларини бирма-бир таҳлил қилди ва уларга танқидий муносабат билдирди; нутқий актнинг локутив, иллокутив ва перлокутив турлари ҳақида атрофлича маълумот берди ҳамда билвосита нутқий акт ҳақидаги назарий қарашларни янги билимлар билан бойитди.<sup>27</sup>

Дунё тилшунослигида нутқий акт муаммоси таҳлиliga бағишланган тадқиқот ишлари кўп бўлса-да, уларда *нутқий акт* тушунчаси ҳар хил талқин қилинган, нутқий акт кўринишлари турлича таснифланган. Нутқий акт назарияси асосчилари Ж.Остин, Ж. Серлнинг қарашларига кўра *нутқий акт* муайян мазмунни ифода этувчи, тилнинг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда баён этилган элементар нутқий ҳаракатни англатади.

Ж.Остин нутқий актда қуйидагилар амалга ошишини баён қилган: умумэътироф этган тил кодига мансуб аниқ товушларни талаффуз этиш; ушбу тилга мансуб сўзлардан грамматик қоидалар асосида жумла тузиш; жумлани мазмун, референция ва бошқалар билан таъминлаш; нутқий қўлланишларни ҳосил қилиб, воқелик билан мувофиқлаштириш; нутқий қўлланишларни иллокутив актга айлантирувчи муайян мақсадга йўналтириш; керак бўлган натижага эришиш, адресат онгига ёки хулқига таъсир кўрсатиш, янги нутқий вазиятни яратиш.<sup>28</sup>

Т.В.Жеребилонинг қайд этишича, нутқий акт психофизик жараён бўлиб, сўзловчи (адресант) ва тингловчи (адресат) ўртасидаги нутқий

<sup>26</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 134-151.

<sup>27</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 71-107.

<sup>28</sup> Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 22-129.

алоқани акс эттиради ва қуйидаги компонентлардан ташкил топади:  
1) сўзлаш (ёзиш); 2) идрок этиш; 3) нутқ (матн)ни тушуниш.<sup>29</sup>

Ш.Сафаровнинг фикрича, “нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир”, “нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир”, “нутқий акт – мулоқот учун «қурилиш материали»дир, у коммуникатив жараён мантиқий давомлилигини акс эттирмайди”.<sup>30</sup>

М.Ҳакимов нутқий актга қуйидагича таъриф берган: “Нутқий акт тушунчаси одамлар ўртасидаги алоқа-аралашув жараёнида содир этилувчи ўзаро маъно актлари муносабатининг баёнидир”.<sup>31</sup>

Нутқий актга берилган таъриф ва талқинлардан маълум бўладики, нутқий акт ахборот алмашинув доирасида амал қилади ва коммуникатив мулоқотнинг вербал бирлиги саналади. Мулоқот жараёнида нутқ иштирокчилари турли нутқий актлардан фойдаланган ҳолда нутқий фаолиятни амалга оширадilar. Нутқий акт жамият аъзолари томонидан қабул қилиниб, нутқ хулқи қоидаларига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган, муайян мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат ҳисобланади. Нутқий акт жамият ҳаётида турли ижтимоий ролларни бажарувчи сўзловчи ва тингловчидан иборат мулоқот иштирокчиларини тақозо этади, уларнинг тил билими ва кўникмаларига асосланади. Нутқий актнинг амал қилиши учун шахс омилидан ташқари нутқ вазияти, нутқ объекти (нутқий актга асос бўлган воқелик фрагменти) кабилар ҳам зарурий омил сифатида иштирок этади. Нутқий акт турлари умумий мазмуний гуруҳларга бирлашса-да, турли социал гуруҳларда бир-биридан фарқланади, ҳатто жамият аъзоларининг ҳар бири учун индивидуал хусусиятларга эга бўла олади.

Нутқий актнинг оғзаки шаклида актни талаффуз қилиш ва уни бир вақтда эшитиб идрок этиш жараёнлари амал қилади, ёзма шакли

---

<sup>29</sup>Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. [http:// www.myfilology.ru /media/user\\_uploads/Tutorials/Zherebilo\\_T\\_V\\_slovar\\_lingvisticheskikh\\_terminov.pdf](http://www.myfilology.ru/media/user_uploads/Tutorials/Zherebilo_T_V_slovar_lingvisticheskikh_terminov.pdf)

<sup>30</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 71-72, 211.

<sup>31</sup> Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент. 2011. – Б. 94.

эса актни ёзма баён қилиш ва уни ўқиб идрок этиш жараёнларини қамраб олади. Нутқий актнинг ёзма турида сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив ҳаракати вақт ва маконда фарқланади.

М.Ҳакимов нутқий актда умумий ҳолда қуйидаги компонентлар иштирок этишини қайд этади: сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти – фактик материал ҳамда нутқий вазият.<sup>32</sup> Назаримизда, нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозим. Агар нутқ иштирокчилари умумий тил билимига (ҳатто имо-ишора тилига) эга бўлмасалар, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз, балки унинг амалга ошиши даргумон бўлиб қолади.

Манбаларда нутқий актнинг асосий хусусиятлари сифатида мўлжалланганлик, мақсадга йўналтирилганлик, конвенционаллик қайд этилади.<sup>33</sup> Булардан мақсадга йўналтирилганлик энг муҳим хусусият сифатида талқин этилади. Дарҳақиқат, нутқий акт нутқ эгасининг муайян коммуникатив мақсадини акс эттиради. Айрим тилшунослар нутқий актда кўзланган мақсаднинг икки турини фарқлайдилар: бошланғич мақсад ва натижавий мақсад.<sup>34</sup>

Бошланғич мақсад гапнинг семантик-структур тузилишига мос тарзда воқеланади, натижавий мақсадга синтактик структура билан боғлиқ бўлмаган ҳолда англашилувчи мақсад сифатида қаралади. Ш.Сафаровнинг қайд этишича, «Вокзалга қандай борса бўлади?» нутқий тузилмасининг бошланғич интенция акти сўровдир, «Бугун университетда учрашув бўлди» тузилмасиники – дарак, хабар бериш бўлса, «Китобимни қайтар!» тузилмасида бошланғич интенция сўзсиз, буйруқ, талаб қилишдир. Аммо натижавий мақсад ҳаракатлари биринчидан, сон жиҳатидан кўп, иккинчидан, улар учун гапнинг структур-семантик тузилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Натижавий интенциянинг шаклланиши гапларнинг нафақат маъно

---

<sup>32</sup> Ҳакимов М. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 108.

<sup>33</sup> Лингвистический энциклопедический словарь // <http://tapemark.narod.ru/les/> 412с. html.

<sup>34</sup> Почепцов О. Основы прагматического описания предложения. – Киев: Вища школа, 1986. – С. 75.

хусусиятлари, балки уларнинг фаоллашув муҳити, нутқ контексти билан ҳам боғлиқдир. Бошқача айтганда, натижавий мақсад акти, лисоний ҳаракатлар билан бир қаторда, нолисоний ҳаракатларни ҳам қамраб олади”.<sup>35</sup> Назаримизда, натижавий мақсаднинг муайян нутқий акт орқали англаниши инобатга олинса, уни айна нутқий акт семантик-синтактик структураси билан боғлаш мақсадга мувофиқ.

Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Хусусан, буйруқни ифода этувчи нутқ кўриниши буйруқ нутқий актини, сўроқни ифода этувчи нутқ парчаси сўроқ нутқий актини, истакни ифодаловчи нутқ кўриниши истак нутқий актини ҳосил қилади. Манбаларда нутқий актнинг хабар қилиш, истакни баён этишга қаратилган нутқий акт, мажбурият акти, ижтимоий этикет кўринишлари, эмоционалликни ифодаловчи актлар, маъқулловчи, тақиқловчи, нутқни тўхтатувчи акт каби турлари қайд этилади.

Ж.Остин таснифида нутқий актнинг локутив, иллокутив, перлокутив каби турлари ажратилган.<sup>36</sup> Ж. Серл эса нутқий актнинг қуйидаги турларини фарқлаган: талаффуз акти, референция ва предикацияни юзага чиқарувчи пропозиционал акт, сўзловчи мақсадини намоиш этувчи иллокутив акт. Ж. Серл асосий эътиборини иллокутив актни ўрганишга қаратган.<sup>37</sup>

Нутқий акт назариясида Ж.Остин томонидан киритилган иллокутив акт кучи ва у асосидаги иллокутив акт турларининг таснифи масаласи ҳам марказий ўринни эгаллайди. Ж.Остин перформатив феълларга асосланган ҳолда иллокутив актнинг *вердиктивлар*, *экзерситивлар*, *комиссивлар*, *бехабитивлар*, *экспозитивлар* каби турларини ажратган. Ж. Серл Ж.Остиндан фарқли тарзда иллокутив актни таснифлашда феълларга эмас, актнинг ўзига асосланган ва иллокутив актнинг 12 мезон асосидаги

<sup>35</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 75.

<sup>36</sup> Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М., 1986. Вып. XVII. – С. 83-91.

<sup>37</sup> Серль Дж. Р. Что такое речевой акт // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. – М., 1986. – С. 151-169.

қуйидаги турларини фарқлаган: *репрезентативлар, директивлар, комиссивлар, экспрессивлар, декларативлар*.<sup>38</sup>

Ж.Остин ва Ж. Серл томонидан ажратилган акт турларининг ҳар бири манбаларда етарлича шарҳланган ва уларга муносабат билдирилган.<sup>39</sup> Умуман, тилшуносликда нутқий акт таснифи бўйича турли қарашлар мавжуд. Монографиянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда нутқий акт таснифи масаласига ва у ҳақидаги қарашлар таҳлилига махсус тўхталмаймиз.

Нутқий акт қайси жиҳатдан таснифланмасин ва қандай турларга ажратилмасин, унинг ҳар бир тури ўзига хос синтактик структурага эга бўлади. Нутқий актни ҳосил қилувчи синтактик қурилмалар ҳам семантик, ҳам мантиқан бир-бири билан ўзаро боғланади. Нутқий актнинг синтактик структураси синтаксиснинг таҳлил объекти бўлса, унинг шаклланиш босқичлари, коммуникатив мақсадга бўйсундирилиши, воқеланишида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий муҳит, мулоқот вазияти, нутқ эгаларининг тил кўникмалари кабилар прагмалингвистиканинг муаммоси ҳисобланади.

Тилшуносликда нутқий актни баён этишнинг бевосита ва билвосита турлари ҳам фарқланади. Сўзловчи мулоқот жараёнида ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда нутқий актнинг ё бевосита, ё билвосита туридан фойдаланади. Муайян нутқий акт уни ифодалашга хосланган синтактик структура орқали баён этилганда нутқий актнинг бевосита ифодаланиши амал қилади. Масалан, сўроқ гап шаклидаги синтактик қурилмалар орқали сўроқни ифода этувчи ахборотнинг ёки дарак гап орқали хабарнинг ифода этилиши бевосита ифодаланиш саналади. Муайян нутқий актни уни ифодалашга хосланмаган синтактик структура орқали баён этишда эса билвоситалик содир бўлади. Бунда икки хил ҳолат кузатилади: а) синтактик структуранинг бирламчи маъноси сақланиб қолади, унга

---

<sup>38</sup>Серль Дж. Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М., 1986. Вып. XVII. – С. 170-194.

<sup>39</sup> Қаранг: Гонгало Е.Ф. Теория речевых актов Дж.Остина и Дж.Серля // Материалы V Международной научной конференции «Культура, наука, образование в современном мире». – Гродно, 2011. – С. 45-49.



кўшимча синтактик маъно юкланади. Бошқача айтганда, айна синтактик структура орқали у ифодалашга хосланган ахборот ва кўшимча ахборот баён этилади. Бунда айна синтактик структуранинг семантик кўлами кенгаяди; б) синтактик структуранинг бирламчи маъноси буткул йўқолади, унинг ўрнини ўзга синтактик маъно эгаллайди. Бошқача айтганда, айна синтактик структура орқали сўзловчи мақсади билан боғлиқ тарзда ўзга ахборот баён этилади.

Ш.Сафаров прагматик маънонинг кўчиши ва нутқий акт ҳосил бўлишида бирламчи маъно йўқолмасдан, балки унинг кўшимча, иккиламчи маъно билан битишуви ҳақида фикр юритади. Олимнинг маълумот беришича, Ж.Сёрль ва унинг издошлари билвосита нутқий актда бир пайтнинг ўзида икки иллокутив ҳаракат бажарилади деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, «*Can you pass me salt?*» («*Тузни менга олиб бермайсизми?*») гапида бирламчи иллокуция савол бўлса, иккиламчи ёки билвосита ифодаланаётган иллокуция илтимосдир.<sup>40</sup>

Ш.Сафаров бу хулосани маъқуллар экан, прагматик маъно кўчиши ва шу йўсинда билвосита нутқий акт ҳосил бўлишида бирламчи маъно йўқолмасдан, балки кўшимча, иккиламчи маъно билан битишади, деб ҳисоблайди. У бу турдаги нутқий тузилмаларда бирламчи мазмуннинг сақланишини “*Can you open the door?*” («*Эшикни очиб қўя олмайсизми?*») каби гапларга ҳар қандай ҳолда ҳам «*Ҳа*» ёки «*Йўқ*» деб жавоб бериш имкони борлигида кўриш мумкин, деб ҳисоблайди.<sup>41</sup>

Бизнингча, бу типдаги гапларда ҳар доим ҳам бирламчи синтактик маъно сақланиб қолавермайди. Масалан, “*Ким яхши яшашни хоҳламайди?*” гапида сўроқ мазмуни йўқолади. Буни айна гапга жавоб беришга ҳеч қандай ҳожат йўқлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Юқорида таҳлил этилган “*Эшикни очиб қўя олмайсизми?*” гапида саволга жавоб бериш имконининг мавжудлиги гап кесими таркибида қўлланган *олмоқ* кўмакчи феъли билан боғлиқ. Мазкур

<sup>40</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 92.

<sup>41</sup> Шу жойда.

кўмакчи феъл ҳаракатни бажаришга имконият бор-йўқлиги маъносини ҳосил қилади. Сўзловчи муайян шахснинг эшикни очиб қўйишга имконияти бор ёки йўқлигини аниқлаш ва шу асосда уни ҳаракатни бажаришга ундашни мақсад қилган ҳолларда *олмоқ* кўмакчи феълли курилмаларидан фойдаланади. Агар айни гап “*Эшикни очиб қўймайсизми?*” тарзида тузилса, гапдан ҳаракатни амалга ошириш имкони мавжуд ёки мавжуд эмаслиги маъноси йўқолади ва бунда ўз-ўзидан саволга жавоб беришга ҳожат қолмайди.

Шуниси характерлики, “*Эшикни очиб қўймайсизми?*” гапи орқали сўзловчи илтимос актини ифода этишни мақсад қилган бўлса, саволга “Албатта” ёки баъзи ҳолларда инкорни ифода этувчи жавоб-репликани қайтариш мумкин бўлади. Агар сўзловчи мазкур гап орқали буйруқ актини ифода этишни мақсад қилган бўлса, айни гапга жавоб бериш лозим бўлмай қолади. Демак, бу типдаги риторик сўроқ гапларда бирламчи маънонинг сақланиши ёки йўқолишида гапдан кўзланган мақсад ҳамда шу асосда танланаётган синтактик структура муҳим ўрин тутаяди.

Ш.Сафаров фикрини давом эттирар экан, юқорида баён этган хулосасига зид фикрни илгари суради: “*Can you pass the salt? «Тузни узатиб юбора олмайсизми?»* гапини қўллаш билан ҳеч қачон «*Тузни узатиб юборишга имконингиз (қобилиятингиз) борми?*» мазмунидаги саволни назарда тутмаймиз-ку! Ягона англашиладиган маъно «*Илтимос, тузни узатиб юборинг!*» бўлса керак”. Хўш, унда қандай лисоний ҳодиса кузатиляпти? Гап маъносининг кўчишими ёки нутқий актнинг билвосита ифодаланишими? Агарда барча тил соҳиблари ушбу гап маъносини бир хилда, яъни илтимос ёки ҳеч бўлмаганда, буйруқ мазмунида идрок этсалар, унда қандай билвосита нутқий ҳаракат тўғрисида сўз бўлиши мумкин?! «*Тузни узатиб юбора олмайсизми?*» илтимосни ифода этишнинг умумий қабул қилинган усулидир. Аммо «*Тузни узатиб юборишга имконингиз борми?*» дейиш ғайритабиий туюлади. Демак, келтириляётган ҳолатда билвоситалилик ёки маъно кўчиш ҳодисаси кузатилмайди”.<sup>42</sup>

---

<sup>42</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 95-96.

Кўринадикки, олим тил эгалари томонидан бир хил идрок этиладиган гапларда билвоситалилик ёки маъно кўчиш ҳодисаси амал қилмайди деб тушунади. Назаримизда, сўроқ шаклидаги синтактик структура орқали илтимоснинг ифода этилишининг ўзиёқ *билвоситалик* ҳисобланади. Хуллас, нутқий актнинг бевосита ва билвосита ифодаланиш табиати унинг ўзига хос хусусияти бўлиб, нутқ эгасининг ифодадан кўзлаган мақсадига асосланади.

Шуниси характерлики, мулоқот жараёнида нутқий актнинг қайси туридан фойдаланиш сўзловчининг коммуникатив мақсадига боғлиқ бўлса-да, инсоннинг психологик-эмоционал ҳолати, гендер хусусияти, ёши кабилар ҳам нутқий акт турининг танланишига жиддий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, болалар нутқий фаолиятида яққол кўзга ташланади.

Болаларнинг мулоқот жараёнида қандай нутқий акт турини танлаши уларнинг психологик ҳолати, айниқса, ёш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ сўроқни ифода этувчи нутқий акт шаклларида фойдаланадилар. Бу ҳолат уларнинг ташқи оламни билишга ўта қизиқувчанликлари билан боғлиқ. Хусусан, уч ёшли болаларда нутқий мулоқотнинг асосий қисми сўроқ актларидан ташкил топади.

Болаларнинг мулоқот жараёнида қандай нутқий акт туридан фойдаланиши ва бундан кўзланган коммуникатив мақсад прагматингвистиканинг тадқиқ объекти саналади. Монографиянинг мақсади ва тадқиқ объектини эътиборга олган ҳолда ишнинг ушбу бобида ўзбек болалари томонидан ҳосил қилинган нутқий акт кўринишлари, уларнинг прагматик хусусиятларини ёритамиз.

## **1.2. Болалар коммуникатив мулоқотида нутқий акт турларининг воқеланиши**

**Болалар нутқида локутив актнинг воқеланиши.** Маълумки, Ж.Остин томонидан нутқий акт назариясига киритилган *локутив акт*

тушунчаси прагмалингвистикада сўзлаш актига нисбатан кўлланиб келинади. М.Ҳақимовнинг фикрича, “сўзловчининг объектив оламда рўй бераётган воқеликни идрок қилиши ва уни вербал ҳамда новербал ифодалаш даражаси маълум маънода локуция тушунчасини акс эттиради”.<sup>43</sup> Эътибор берилса, М.Ҳақимов талқинида локуция воқеликнинг новербал ифодасини ҳам қамраб олган. Бироқ олим бошқа ўринда “фонетик, лексик ва синтактик бирликларнинг сўзловчи томонидан меъёрий талаффуз жараёни локутив акт деб қаралиши”ни ҳам қайд этади.<sup>44</sup> Бизнингча, мулоқотнинг новербал ифодаси нутқий актнинг таркибий қисми бўлса-да, локутив акт (сўзлаш) билан бир нуқтада кесишмайди.

Ш.Сафаров ҳам локутив актга хос бу жиҳатни қайд этар экан, қуйидагиларни баён қилади: “Биз мулоқот жараёнида мазмундор лисоний калимани яратамиз ва уни талаффуз қилиш йўли билан нутқий фаолият бажарамиз, худди шу фаолият ижроси локуция ёки локутив актдир (locutionary act). Агарда бирор бир сабаб билан (тилни билмаслик, гунг бўлиш) мазмундор гап тузилмаса ва у талаффуз этилмаса, локутив ҳаракат юзага келмайди.”<sup>45</sup>

И.П.Сусов локутив актнинг фонетик, лексик-грамматик ва семантик структурага эга жумланинг талаффуз этилиши жиҳати эканини, жумла товуш томонининг реаллашуви фонетик актга, лексик-грамматик структурасининг реаллашуви фатик актга, семантик структурасининг реаллашуви эса ретик актга дахлдорлигини қайд этади.<sup>46</sup>

Англашиладики, локутив акт сўзлаш ҳаракати билан боғлиқ мулоқот туридир. М.Ҳақимов “фонетик, лексик, синтактик бирликларнинг сўзловчи томонидан меъёрий талаффуз жараёни локутив акт сифатида қаралиши”, “локутив актнинг моҳияти

---

<sup>43</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент. 2011. – Б. 33.

<sup>44</sup> Шу жойда.

<sup>45</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 75.

<sup>46</sup> Сусов И.П. Лингвистическая прагматика // <http://homepages.tversu.ru/~ips/Pragmg.html>.

жумланинг маълум грамматик қоидалар ёрдамида талаффуз қилиниши билан ойдинлашиши”, “нутқий актнинг локутив аспекти фақат товуш, сўз ва қурилмаларни маълум лексик ва грамматик қоидалар асосида тўғри талаффуз қилиш билан чегараланиши” ҳақида фикр юритади.<sup>47</sup> Бизнингча, локутив акт сўзлаш акти сифатида талаффуз жараёнида кузатилувчи номеъёрий ҳолатларни ҳам қамраб олади.

Болалар нутқида локутив акт баъзан нутқий меъёрлар талаби остида, баъзан унга амал қилинмаган ҳолда шаклланади. Қуйидаги нутқий акт тил меъёрларига риоя қилинган ҳолда талаффуз этилганлигига кўра локутив акт ҳисобланади: ***Ойим қошларини чимириб, қўллари қалтираб, кундаликни варақлашда давом этди:***

– *Бу нима? – сўради ойим.*

– ***Икки.***

– *Буниси-чи?*

– ***Уч.*** (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Бола томонидан жумланинг фонетик меъёрларга мос тарзда талаффуз этилиши фонетик локуция ҳисобланади. Тилнинг лексик-грамматик меъёрларига мос тарзда баён этилган жумла фатик акт бўлиб, унда асосий эътибор лексик birlikларнинг тўғри танланиши масаласига қаратилади. Бола нутқида жумланинг тилнинг семантик меъёрларига мос тарзда ифода этилиши ретик локуция саналади. Бундай актда асосий эътибор жумланинг мазмуний тузилишига қаратилади.

Болалар нутқига оид локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофик шакллари уларнинг мактабгача ёш даврида кўп кузатилади. Бу ҳолат бир қатор ташқи омиллар билан боғлиқ. Булардан бири физиологик омилдир. Қуйидаги мисолни таҳлил қиламиз:

*Лой кўчадан сирганиб бораётсам, бошига қора гуппи чопон ёпиниб келаётган одам кўринди. Эркакми-хотинми билиб бўлмайди.*

---

<sup>47</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 120.

*Бўйи бир қарич, қоп-қора шарпа. Худди тўнтариб қўйилган хумчага ўхшайди. Ўн қадамча қолганда шарпа тўхтади.*

*– Ёбияна! – деди ингичка овозда...*

*– Сенмисан Попук? – дедим яқин бориб. – Ойим сизларникига чиқмадиларми?*

*– Чиқдила, – деди қизалоқ, чопон ёқасидан мўралаб. – Бувимла эттилаки, овсинлайи укалайиникига кетибдила. Укалайи уюшга кетайкан. Бувимла кўтаймага бояйканла.*

*Қизалоқ айтган янгиликни идрок этгунимча хийла вақт ўтди.*  
(Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Кўринадикки, мактабгача ёшдаги бола томонидан ҳосил қилинган локутив актда *p* товушининг талаффузи орфоэпик меъёрга мувофиқ эмас. Бундай ҳолатда коммуникатив-прагматик тўсиқ юзага келиб, тингловчи томонидан нутқий актда акс этган пропозициянинг идрок этилиши қийинлашади.

Табиийки, нутқда сўзловчининг ёш жиҳати билан боғлиқ физиологик омиллар таъсирида локуция ифодаловчи вербал бирлик қанча кўп фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз қилинса, тингловчининг уни идрок этиши шу даражада мураккаб кечади.

Болаларда локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофиқ бўлиши нутқ жараёнида юзага келадиган турли товуш ўзгаришлари билан ҳам боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болалар нутқда метатеза ҳодисаси кўп учрайди. Бу ҳолат уларнинг сўзларни шошиб талаффуз қилиши, айрим ўзлашмаларни талаффуз қилишга қийналиши кабилар билан боғлиқ. Масалан, “*Бизани хошли қўйимиз сузади (шошли қўйимиз демоқчи)*” (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”) нутқий актида бола томонидан беихтиёр содир этилган дистант метатеза нутқнинг бирмунча қийин идрок этилишига сабаб бўлган.

Болалар нутқда контакт метатезага учраган товуш ўзгаришлари ҳам учраб туради. Абдулазиз Абдужабборов (4 ёшу 3 ой) нутқда *диск* сўзининг *диск* тарзида ишлатилиши кузатилди. Мазкур ёшдаги бола ўзлашма сўз таркибида кетма-кет келган ундош товушлардан бирини туширмай талаффуз қила олади. Бироқ ўзбек боласи учун қўш

ундошларнинг талаффузда ноқулайлик келтириб чиқариши унинг нутқида контакт метатеза ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Қуйидаги мисолда эса ассимиляцияга асосланган товуш ўзгариши натижасида локутив актда тил меъёрига зид талаффуз юзага келган:

*Насиба, сен бизни қуйла, биз қочамиз.* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Шуниси характерлики, *қувла* сўзининг *қуйла* тарзида талаффуз қилиниши нафақат мактабгача ёшдаги болалар, балки Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи катта ёшдаги кишилар нутқида ҳам социолект элементи сифатида кўп учрайди. Товуш ўзгаришининг содир бўлишига тил ва лаб ундошларининг кетма-кет талаффузида ноқулайлик сабаб бўлган дейиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида протеза ҳодисаси амал қилган нутқий қўлланишлар ҳам кўп учрайди. Масалан: *Нилуфар катталардек жиддий бош чайқади: Мен ишкалад* емайман. *Тишим тушган.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Болаларда локуция жараёнида кузатилувчи товуш орттирилиши катталар орқали ўзлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Катталар нутқида ҳам учраб турадиган бу ҳодиса Ҳ.Жамолхонов таъкидлаганидек, туркий тилларда сўз ёки бўғин бошидаги ундошларнинг ўзаро бирика олмаслиги, бу қонуният айрим русча ўзлашмалар бошида бир унлининг орттирилишига, яъни шу сўзларнинг туркий тил қонуниятига мослаштирилган шакли ҳосил қилинишига сабаб бўлган.<sup>48</sup>

Худди шундай, *“Дарвоза қоравули бир кўзли амакининг ҳайҳайлашига ҳам қарамай, эшикни шарақлатиб очиб, Ўрис холанинг уйига қараб югурдим”* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”) актида рус сўзининг ўрис тарзида талаффуз этилиши нафақат болалар, балки катталарга ҳам хос. Ўз қатлам сўзларида *р* сонор товушининг сўз бошида қўлланмаслиги, уни бу тарзда қўллаш кўникмаси мавжуд

---

<sup>48</sup> Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2013. – B. 128.

эмаслиги талаффузда ўзлашма сўзлар бошидаги бу товушдан олдин бир унлининг орттирилишига олиб келган.<sup>49</sup>

Болаларга хос локутив актда прагматик тўсиқнинг юзага келиши боланинг лексик бирликлар захираси, тор доирадаги лексикадан фойдаланиши, лексик бирликни қай тарзда ўзлаштирганлиги кабиларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан, Салоҳиддин Асқаров (4 ёшу 2 ой) томонидан айтилган “*Кўчада қор миқлим*” гапида қўлланган *миқлим* сўзи Тошкент шаҳар шевасида сўзлашувчи болалар нутқида кўп ишлатиладиган *лиққим* (кўп) социолектининг орфоэпик ўзгаришга учраган шакли ҳисобланади. Бола муайян ижтимоий гуруҳ нутқида хос бўлган бу бирликни кам эшитгани учун унинг талаффузини хотирасида ёрқин сақлаб қола олмаган. Натижада бола нутқида айни сўз билан боғлиқ фонетик ассоциацияга асосланган бирлик юзага келган. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида хос бундай вербал ассоциациялар баъзан катталар учун кулги кўзғатиш воситаси сифатида хизмат қилиши ҳам мумкин. Масалан:

– *Ойи, ошимга қатиқ солдингизми? Микроб-чи?* (Укроп демоқчи). (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Қуйидаги локутив акт мактабгача ёшдаги боланинг сўзни аввал эшитган бўлса ҳам, уни тушуниб идрок қилиш имконияти нисбатан чекланганлигини кўрсатади:

*Акрам ҳозир яхши бола бўлишни жуда-жуда истар эди. У дадасидан қанчалик хурсанд бўлиб бораётганини айтгиси келарди. Уйга келганда машиналарини онасига кўрсатди-да:*

– *Мен катта бўлсам, – деди, – дадамга ўхшаган кимик бўламан.*

*Мактабда ўқитувчилик қиладиган Муҳаббат она:*

– *“Кимик” эмас, “химик”, – деб унинг хатосини тўғрилади.*

*Бувиси Собира хола Акрамнинг чучук тилидан завқланиб:*

– *Кимик бўладиган неварамдан ўргилай! – деди.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқий фаолиятида табиий равишда содир бўладиган бундай фонетик ўзгаришлар катталарда

---

<sup>49</sup> Ўша ерда.



кулги, бола нутқидан завқланиш каби ҳис-туйғуларни уйғотиши билан фонопрагматик хусусият касб этади.

Бу каби ҳолатлар мактаб ёшидаги болаларда ҳам ўзга тил элементларини, хусусан, ўзлашма сўзларни нутқда талаффуз қилиши жараёнида кузатилади. Режиссёр Р.Муҳаммаджонов сценарийси асосида суратга олинган “Сехрли қалпоқча” кинофильмида акс этган қуйидаги диалогик мулоқотга эътиборимизни қаратамиз:

– *Ассалому алайкум Фотима хола!*

– *Вой, Ҳошимжон, ваалейкум ассалом! Яхши юрибсанми?*

– *Раҳмат. Гиримаркет қалай?*

– *Эй, гиримаркетмас, болам, гипермаркет.*

Мактабгача ёшдаги болалар нутқига хос талаффуз меъёрларидан чекиниш улар нутқининг социопрагматик хусусиятга эга эканлигини ҳам кўрсатади. Чунки инсон дунёга келиши билан муайян ижтимоий муҳит қуршовида тарбия топади. Болани ўраб турган муҳитга хос ижтимоий белгилар, энг аввало, унинг нутқига таъсир кўрсатади. Бу муҳитда боланинг нутқи такомиллаша боради ва ижтимоийлашади.

Хуллас, болаларда локутив актнинг талаффуз меъёрларига мос шакллари билан бир қаторда, тил меъёрларига мос келмайдиган шакллари ҳам учраб туради. Шунга қарамай, бу акт тури мазмунан шаклланади ва референцияга эга бўлади.

**Болалар нутқида пропозиция актнинг воқеланиши.** Нутқий актда ифода этилган нутқ предмети ҳақидаги ахборот пропозиционал акт ҳисобланади. Пропозиционал акт Ж.Серл томонидан алоҳида акт тури сифатида киритилган.<sup>50</sup>

Болалар нутқий фаолиятида бирор бир воқелик ҳақидаги хабарни тасдиқ ёки инкор йўли билан баён этиш асносида пропозиционал акт юзага келади. Масалан:

1. *Ўша бош танобчи идорасида истаканда чой ичаётган экан.*  
(Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

---

<sup>50</sup> Серль Дж. Р. Что такое речевой акт // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. – М., 1986. – С. 151-169.

2. *Йўқ, анқонинг уруги бўлиб кетган экан бу нарсалар, топилмади.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Биринчи мисолда бош танобчининг идорасида стаканда чой ичаётганлиги ҳақидаги хабар тасдиқ йўли билан баён қилинган. Кейинги мисолда эса нарсаларнинг топилмаганлиги хабари инкор характердаги нутқ кўриниши орқали ифода этилган.

Мазкур нутқ кўринишлари нутқ объекти ҳақидаги маълумотни хабар йўли билан ифода этишига кўра пропозиционал акт ҳисобланади. Бироқ пропозиционал акт ифодасида талаффуз акти содир этилганлиги унинг локутив акт билан бир нуктада кесишувини кўрсатади. Худди шундай, пропозиционал акт орқали нутқ эгасининг коммуникатив нияти – воқелик ҳақида хабар бериш нияти амалга ошганлиги ушбу актнинг иллокутив акт ҳам саналишини англатади. Бошқача айтганда, пропозиционал акт мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда бир неча акт турларининг қоришувини кузатиш мумкин бўлади.

Пропозиционал акт нутқ эгасининг субъектив муносабатини ҳам қамраб олади. Масалан:

1. *Тагин сал уришсам, дарров ойимга чақиб беради. “Ака бижи”, – дейди.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

2. *Ростини айтсам, илонбоз Самовар яхши бола экан. Худди қишлоқдаги ўртоғим Маҳмудхонга ўхшаб кетаркан. Жуда раҳмдил, жуда меҳрибон. Бунинг устига ҳамма фанлардан фақат аъло олиб ўқийди денг.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Биринчи нутқий актда боланинг салбий баҳо муносабати акс этган бўлса, кейинги мисолда боланинг воқеликка ижобий баҳоси ўз ифодасини топган.

Шуниси характерлики, болалар нутқ жараёнида ахборотни ошқора баён этувчи пропозиционал актлардан унумли фойдаланишади. Мактаб ёшидаги болалар нутқида мактабгача ёшдаги болалардан фарқли тарзда яширин ахборотларни ташувчи пропозиционал актлар ҳам қўлланади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида хос соддалик уларнинг нутқий мулоқот жараёнида кўпроқ бевосита ахборот ташувчи пропозиционал актлардан фойдаланиши,

яширин мазмунли нутқий актларни кам қўллаши ёки деярли қўлламаслигида намоён бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқий актда яширин ахборотни ифодалаш мақсадида баъзан новербал воситалардан фойдаланишади.

Масалан:

– *Хўп, қани эшитайлик-чи, энанг нималарни ўргатган экан.*

– *Одобли бола ётаётганида ўнг томонини босиб ётади... Кейин яна тураётганида ҳам ўнг томонини босиб туради... Кейин яна уйга кираётганида ўнг оёгини мана бундай қилиб босиб киради... кейин яна уйдан чиқаётганида ҳам ўнг оёгини босиб чиқади.*

*Ҳаммамиз тасир-тусурига олиб қарсак чалиб юбордик. Дилижон кўп айтиб, ёнгоқни кўп олиб қўймасин, деб қарсак чалдик. (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)*

Ушбу матндан англашиладики, қарсак чалиш хатти-ҳаракати нутқ эгасини нутқий ҳаракатдан тўхтатишга қаратилган. Бу хатти-ҳаракат орқали *“Гапингни тўхтат!”* ахбороти яширин ифодаланган. Мазкур ахборотга ишорани матн давомида берилган *“Дилижон кўп айтиб ёнгоқни кўп олиб қўймасин, деб қарсак чалдик”* жумласи орқали ҳам англаш мумкин.

Мактаб ёшидаги болалар нутқида тағмаънога ишора қилувчи нутқий акт кўринишлари ҳам учраб туради. Хусусан, 13-16 ёшдаги болаларда муайян ахборотни ошкора ифодаламаслик нияти шаклланганда, улар пропозиционал акт орқали яширин ахборотни баён этишга ҳаракат қиладилар. Қуйидаги мисол таҳлилига эътиборимизни қаратамиз:

*Суюлтириб олиб келганига қараганда сув қўшса керак-да, лаънати, – деди Аъзам.*

– *Ферма билан Белариқ ўртасида сув йўқ-ку, қандай қилиб қўшади.*

– *Ламаймизминой?*

– *Дайқанлибқи? – деди Аъзам.*

*Кўчқор муаллим бу қанақа тил, дегандай бизларга қаради. Бизлар мактабда шунақа тилда гаплашамиз, майнабозчиликка. Масалан, бир*

сўзни айтмоқчи бўлсак, у сўзнинг охириги бўғинини олдига олиб гапираверамиз. Қизларники бошқача. Улар, масалан, “Уйга кетасанми?” – демоқчи бўлса, “Ултишига келтишасанми?” – деб гапиради. Ҳозир Аъзам бундай гапираётганининг сабаби – майнабозчиликка эмас, Кўчқор муаллимга билдирмай, Карим кўзойнакни пойлаймизми, деяётган эди. У Абдунабининг: “Қандай қилиб?” деган сўроғига жавоб берди:

– **Та тўрт лабо либў лаймизпой. Римизби манингфер даёни, римизби таўр дайўл. Михўп?**

– **Тибўп.**

– **Чонқа мизбошлай?**

– **Рби атдан со нгсў.**

Кўчқор муаллим бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, охири чидаёлмади шекилли, сўради:

– **Ҳой болалар, бу қанақа тил ўзи? Вьетнамчами? Нима деяпсизлар?**

– **Тагин бир соатдан сўнг тўртта бола бўлиб Қорачиққа балиқ тутгани борамиз. Муаллим рухсат берармикан, деяпмиз, – деди Аъзам айёрона кулиб. (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)**

Кўринадикки, бола улғайгани сари унда нутқий инновация асосида ҳосил бўлган “яширин тиллар” ҳам шакллана боради. Бундай яширин ифодалар боланинг прагматик мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилади. Бундай яширин ифодалар баъзан нутқ эгасининг гендер жиҳатига ҳам ишора қилиб туради. О.Сафаровнинг фикрича, “Яширин тил бунёдкорлари асосан 8-15 ёшдаги болалардир. Аксар 8-10 ёшдаги болалар бу тилга хос анъаналарни ўзлаштирувчи ва давом эттирувчилар бўлишса, 12-15 ёшдаги ўспиринлар уни фаол қўлловчиларгина эмас, балки янги-янги кўринишларини ихтиро этишлари билан ажралиб турадилар... Кичик ёшдаги болалар бу тилда, асосан, завқланиш учун сўзлашсалар, катта ёшдаги болалар

завқланиш билан бирга, ўз сирларини яшириб туриб, ўзгалар билан сирдошлик изҳорини амалга оширадилар”.<sup>51</sup>

**Болалар нутқида иллокутив актнинг воқеланиши.** Иллокутив акт нутқ эгасининг муайян мақсадини акс эттирувчи сўзлаш ҳаракати билан боғлиқ мулоқот туридир. Иллокутив актда нутқ эгасининг мақсади ошкора ёки яширин ифодасига эга бўлади. Коммуникатив мақсадни қай тарзда ифода этиш нутқ субъектига боғлиқ. Баъзан нутқ эгаси нутқий актни ҳосил қилишдан кўзланган мақсадини бевосита ифода этса, баъзан унинг мақсади нутқий актда яширинган бўлади.

Болалар томонидан иллокутив актнинг ҳосил қилинишида ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Болалар нутқида ҳам баъзан коммуникатив ниятнинг яширинганлиги, баъзан очик ифодаланганини кузатиш мумкин. Қуйидаги матнни таҳлил қиламиз:

– *Мана бу сиз қуришингиз керак бўлган 71-уйнинг лойиҳаси, – деди деворий газета чиқарадиган қалин қозонни қўлимга бериб, – мана бу эса, азизим, генплан, қурилиш объектингизни мана шуларга қараб белгилаб олаверасиз...*

*Олимжон Олимжонович кетгач, қозонларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига тикилиб анча вақтгача хуноб бўлиб ўтирдим. Ростини айтсам “лойиҳа”, “генплан” деган сўзларга ҳеч тушунмайман. Тўғри, қозонларда майда-чуйда чизиқлар, ҳеч тушуниб бўлмайдиган белгилар тўлиб ётибди. Лекин калламни ҳар қанча ишлатсам-да, ҳеч нарсага тушуна олмаяпман. Шунинг учун ҳам қозонларга тикилганча, уят иш қилиб қўйган ёш боладек, лаллайиб ўтиравердим.*

– *Ўртоқ инженер, ишга қачон тушамиз? – сўради ишчилардан бири.*

– *Ҳозир мен лойиҳаларни бир ўрганиб олай, – дедим сир бой бермай... Шу пайт бошимга ажойиб бир фикр келди-ю, севинганимдан қарсак чалиб юбораёздим.*

---

<sup>51</sup> Сафаров О. Болаларнинг яширин тиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 12.

– **Илгарилари қурилишида ишлаганлар борми?** – деб сўрадим. Ўн бештаси тенгдан қўл кўтарди. Севинчимга севинч қўшилди. – **Иш бошлашдан аввал сизлардан имтиҳон олмоқчиман.**

– **Марҳамат!** – деди етмиш киши бир оғиздан.

– **Қани айтинг-чи, қўлимдаги қозғозларнинг қайси бири лойиҳаю, қайси бири генплан?** – Шундай деб қозғозларни баланд кўтардим. Ёнгинамда ўтирган жингалак сочли йигит.

– **Ўнг қўлингиздаги лойиҳа, чап қўлингиздаги генплан,** - деб жавоб берди.

– **Молодец!** **Қани ким айтади, қурилишнинг биринчи иши нимадан бошланади?**

– **Фундаментнинг ўрнини қазишдан,** – деган овозлар эшитилди ҳар томондан.

– **Фундаментнинг чуқурлиги қанча бўлиши керак?**

– **Лойиҳада кўрсатилганидек.**

Шунга ўхшаш саволларни кетма-кет беравердим, шунга ўхшаш жавобларни ҳам кетма-кет олавердим. Бир маҳал бундай қарасам, анча-мунча нарсадан хабардор бўлиб, ақлим тўлишиб қолибди. “**Қани энди ишга ўртоқлар!**” – деб юбордим. (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Ушбу матнда Хошимжон Рўзиев томонидан ҳосил қилинган сўроқ гап шаклидаги нутқий актларда нутқ эгасининг асл коммуникатив мақсади яширинган. Нутқ эгасининг мақсади адресатларни ўзи айтганидек, “имтиҳон қилиш” эмас, балки ўзи учун воқелик ҳақидаги номаълум бўлган маълумотларни билиб олиш. Албатта, бу турдаги нутқий актларда иллокуциянинг кучи юқори даражада бўлади.

Иллокутив акт нутқий актнинг барча турларида бирдек иштирок этади. Чунки нутқ эгаси бирор бир нутқий актни беихтиёр, ҳеч қандай мақсадсиз ҳосил қилмайди. Жумладан, илтимос ёки буйруқ актини ифода этиш учун нутқ эгаси ўз олдига айна шу коммуникатив ниятни қўяди. Бу ният муайян нутқ кўринишлари орқали юзага чиқади. Бу ҳолат болалар нутқий фаолиятига ҳам хос. Ҳатто

мактабгача ёшдаги болалар ҳам илтимос ёки буйруқ актини ҳосил қилишда ўз коммуникатив ниятларига асосланадилар.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, болалар коммуникатив фаолиятида иллокутив актнинг тасдиқ, сўроқ, илтимос, буйруқ, кечирим, истак, талаб каби турлари ҳосил қилинади. Катталардан фарқли тарзда болалар нутқида маслаҳат, киноявий тасдиқ, огоҳлантириш, ваъда актлари кам учрайди. Рози-ризолик акти болаларга деярли хос эмас. Нутқий актнинг бу каби мазмуний турлари баъзан синтактик структурага мувофиқ тарзда шаклланса, баъзида пресуппозиция орқали яширин ифодасига эга бўлади. Болалар коммуникатив фаолиятида кўп учрайдиган нутқий акт кўринишларини семантик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

**1. Хабар акти:** *Дадаси ишдан қайтганида Мўътабар ойисининг учуги ҳақида гапириб берди: Дада биласизми, ойимларнинг бурунларига пучуқ чиқибди.* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

**2. Сўроқ акти:**

– *Ойи, одамга уйқу қаердан келади, уйғонганда уйқу қайёққа кетади?* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Шунингдек, болалар сўроқ шаклидаги синтактик қурилмалар орқали яширин хабар, буйруқ актларини ҳам ифода этадилар. Масалан:

– *Барибир, дейди ойим ўйчан оҳангда. – Қонқусниям яхши кўргин.*

– *Нега?*

– *Нега деганда, Қонқус ўзимизнинг анҳор. Ундан ўзимиз сув ичамиз.*

– *Ўшанақа қилсам, бошқа дарёларниям яхши кўриб қоламан-а?* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”) (*Бошқа дарёларни ҳам яхши кўриб қоламан* – хабар акти )

– *Нега куласан? Ундан кўра, тезроқ кетайлик бу ердан.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”) (*Кулма.* – буйруқ акти )

**3. Илтимос акти:**

*Акрам бирдан хурсанд бўлиб кетди:*

– *Дадажон, бўлмаса магазинга борайлик! Менга янги ўйинчоқ машиналардан олиб беринг!* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

#### **4. Буйруқ акти:**

*Ойиси ишга кетаётганида Салимжон доим тайинлаб юборади:*

– *Ойи, менга катта машина, каттакон конфет ва каттакон туфли олиб келинг.* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

#### **5. Ундаш акти:**

*... Шу пайт Акрамнинг ўртоғи Шавкат дарвозадан бошини суқиб:*

– *Чиқ, ўйнаймиз! – деди. – Машиналарингни опчиқ!* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

#### **6. Кечирим акти:**

– *Хаёлинг қаёқда эди, а? Нега дарсга қулоқ солмайсан?*

– *Мени кечиринг, ойи...* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

**7. Ваъда акти:** *Талабимизни амалга оширсангиз, ҳамма фанлардан беш олиб ўқишга сўз берамиз, шўхлик қилмаймиз.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

#### **8. Истак акти:**

– *Ҳи-и... Битта кўғирчоқ бўлса,*

*Калити бузилмаса,*

*Кўзини юмганида*

*Мени ҳам кўриб турса...* (Ғ.Ғулом. “Ўйлашни ўрганамиз”)

#### **9. Талаб акти:**

*Эртасига чойдан кейин ойимнинг маҳси кияётганини кўриб, меҳмонга отланаётганини сездим-у, дарров эргашидим.*

– *Менам, менам бораман!*

– *Меҳмонга кетаётганим йўқ, – деди ойим бош чайқаб. – Ишим бор.*

– *Бораман, оборасиз!* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)



**10. Таклиф акти:** ... *Уларнинг ўрни бўш қолмасин десангиз, футбол ҳақида фан бўлса, ўшани киритса ҳам бўлади.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

**11. Рад этиш акти:**

– *Бизнинг ойимиз зўр, – деди Олимжон, – доктор! Бунинг бошини бизнинг ойимиз тузатган. Укол қилган. Шунақами, Баҳодир? Ана, кўрдиз!*

– *Ҳо! – деди Каримжон, – бизнинг ойимиз зўр.* (М.Муродов. “Кимнинг ойиси зўр”)

**12. Орзу-хавас акти:**

– *Пароходга тушиб нима қиласан?*

*Денгизчи бўламан.*

*Аввал химик бўламан дер эдинг-ку.*

*Акрам хиёл ўйланиб турди-да, жавоб топди:*

– *Дадажон, Тошкентга борсак, мен яна химик бўламан.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

**13. Миннатдорчилик акти:**

– *Бобонгга нима дейшинг керак? – сўради Санжар ака ундан.*

– *Раҳмат, бобожон.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

**14. Огоҳлантириш акти:**

– *Сеними, шошмай тур, – деди Маҳфуза акасига еб қўйгудай ўқрайиб...*

– *Қилмишингга яраша...*

– *Ойимдан ўласан ҳали.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

Берилган мисоллардан кузатиладики, болалар мулоқот жараёнида нутқий актнинг бир қатор мазмуний турларини қўллашади. Болалар томонидан ҳосил қилинган нутқий актларнинг ҳар бир мазмуний тури ўзига хос синтактик структурага эга, айрим акт кўринишлари хатто махсус лексик-семантик қатламига эгалиги билан ажралиб туради. Жумладан, кечирим актида *кечиринг, мактаб* ёшидаги болалар мулоқотида *узр, узр сўрайман* каби нутқий этикет ифодалари

учрайди; илтимос актида эса *илтимос* лексемаси, феълнинг 2-шахсадаги буйруқ-истак майли шакллари фаол иштирок этади.

Иллокутив акт таҳлилида *иллокуция кучи* муаммоси муҳим ўрин тутаети. Нутқ эгасининг иллокутив актда акс этган коммуникатив ниятининг даражаси асосида иллокутив куч белгиланади. М.Ҳакимов иллокутив кучни сўзловчининг талаффуз ва ифодалаш имкониятлари деб номлаш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, “ифодалаш имконияти (иллокутив куч) тушунчаси сўзловчининг идрок қилиш қобилияти ҳамда уни баён қилишдаги иллокуцион имконият даражаларидир”.<sup>52</sup> Англашиладики, иллокуция кучи нутқ эгасининг ахборотни баён қилиш усули, тактикаси билан боғлиқ.

Болаларда ҳам муайян ахборотни баён қилишнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Болалар баъзан коммуникатив ниятни ошкора ифодаламайдилар, улар суҳбатдошига таъсир кўрсатиш мақсадида ифоданинг яширин кўринишларидан фойдаланадилар. Болалар иллокутив акт орқали коммуникатив ниятларини яширин ифодалашда қуйидаги гап турларидан унумли фойдаланадилар:

**1. Хабар актини яширин ифодаловчи сўроқ гаплар.** Баъзан болалар сўроқ гаплар орқали хабар актини содир этадилар. Масалан:

*... Ҳозир у бизларга, яъни мактаб болаларига бригадир: бугдой ўримида ҳам, пахта яганасию чеканкасидаям, хирмондаям... Мана эрта-индин ариқ тозалашга, чаловга чиқсак, унда ҳам бизларга бошқош бўлади. Фронгда кўрган қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб беради. У киши билан бирга ишлаган одам ҳеч ҳам чарчамайди, зерикмайди ҳам. Шундай одамни қандай қилиб “Кўчқор чўлоқ” дейсан? (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)*

Мазкур диалогик мулоқотда бола томонидан айтилган “*Шундай одамни қандай қилиб “Кўчқор чўлоқ” дейсан?*” риторик сўроқ гапи орқали “*Шундай одамни “Кўчқор чўлоқ” деб бўлмайди*”

---

<sup>52</sup> Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент. 2011. – Б. 125.

пресуппозицияси ифодаланган. Бола шундай одамни “Кўчқор чўлок” деб бўлмаслиги ҳақидаги хабарини сўроқ гап шаклида баён этган.

Албатта, сўроқ гап орқали бу тарзда хабар актининг ифодаланишида ахборотнинг таъсир кучини ошириш, субъектив баҳо муносабатини акс эттириш каби коммуникатив-прагматик мақсадлар кўзда тутилади.

**2. Тасдиқ актини яширин ифодаловчи дарак гаплар.** Бундай акт турида болалар дарак гаплар орқали гап синтактик структурасига номувофиқ бўлган яширин хабарни қатъий тасдиқ йўли билан ифода этадилар. Масалан:

– *Хўш, энди навбат кимники? – сўради бобожоним.*

– *Ҳалидан буён мен тикка турибман-ку, – аразлагандай қилиб деди Дилижон.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Берилган матнда бола томонидан ифода этилган “*Ҳалидан буён мен тикка турибман-ку*” дарак гапи орқали яширин характердаги “*Навбат меники*” ахбороти англашилади. Бу ахборот матн асосида юзага келган контекстуал пресуппозиция ҳисобланади.

**3. Буйруқ актини яширин ифодаловчи дарак гаплар.** Бу турда болалар дарак гаплар орқали буйруқ актини содир этадилар. Масалан:

– *Кўйнинг айрони дори-да, – деди Суюн ота.*

*Санжар ака ҳам айрондан ичган сари юзига қизиллик югуриб, чеҳраси очилиб борар эди.*

– *Бу айрон эмас, дада, буни – кўйнинг қимизи дейиш керак.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”) (*Буни кўйнинг қимизи денг*)

Ушбу матнда бола нутқида қўлланган дарак гап орқали буйруқни акс эттирувчи яширин ахборот ифодаланган. Ўзбек маданиятида болаларнинг отасига нисбатан буйруқ актини қўллаши одобсизлик ҳисобланади. Бу вазият боланинг буйруқ шаклидаги талабини дарак гап орқали “юмшоқ” тарзда ифода этишига сабаб бўлган.

**4. Илтимос актини яширин ифодаловчи сўроқ гаплар.** Болалар кўпинча сўроқ гаплар орқали илтимос актини содир

этадилар. Масалан: **“Напайўн шийинакамми?”** (Абдулазиз Абдужабборов, 2 ёшу 6 ой)

Мактабгача ёшдаги бола нутқида қўлланган мазкур сўроқ гап орқали илтимос акти содир этилган. Бола сўроқ шаклидаги нутқий акт орқали **“Наполеонни кесиб беринг”** илтимос характеридаги пропозицияни ифода этишни ният қилган. Боланинг илтимосини бу йўсинда ифода этишига ёш даврига хос ийманиш, уялиш кабилар сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Маълумки, мазкур ёш даврида болаларнинг мантиқий тафаккури тўлиқ шаклланмаган бўлади. Бироқ уларнинг коммуникатив мақсадини яширин ҳолда ифодалаши учун лисоний имкониятлардан зукколик билан фойдаланишга интилиши таҳсинга сазовор.

**5. Илтимос актини яширин ифодаловчи буйруқ гаплар.** Болалар буйруқ гаплар орқали илтимос актини ҳам содир этадилар. Масалан:

*Фахриёр уч ярим яшар.*

– *Адажон, шарим нақиллаганини эшитдингизми?*

– *Эшитдим, ўғлим.*

– *Қаттиқ нақиллади-а?*

– *Ҳа, қаттиқ нақиллади.*

– *Жудаям қаттиқ нақиллади-а?*

– *Жудаям қаттиқ нақиллади.*

– **Энди бошқа шар оберинг!** (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)

Кўринадики, **“Энди бошқа шар оберинг”** буйруқ гапи орқали илтимос акти ҳосил қилинган. Аслида бола сўроқ гап орқали илтимос актини ифодалашга ҳаракат қилади, аммо коммуникатив мақсадига тўла эриша олмагач, у сўроқ гапга юкланган прагматик мазмун, яъни илтимос актини суҳбатдошига буйруқ оҳангида етказди.

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, болалар коммуникатив мақсадни амалга оширишда катталар каби иллокутив актнинг турли кўринишларидан фойдаланадилар. Коммуникатив ният яширин

ифодаланган акт турларида иллокуциянинг кучи юқори даражада бўлади.

**Болалар нутқида перлокутив актнинг воқеланиши.** Маълумки, перлокутив акт сўзловчининг тингловчига нутқий таъсир кўрсатиш акти ҳисобланади. Нутқий таъсир кўрсатиш болалар нутқида хос характерли хусусиятдир. Болалар нутқ жараёнида тенгдошлари ва катталарга нутқий таъсир кўрсатиш актидан унумли фойдаланишади. Улар кўпинча хабар, буйруқ, сўроқ актлари орқали нутқий таъсир кўрсатишни мўлжаллайдилар. П.Қодировнинг “Акрамнинг саргузаштлари” номли асаридан олинган куйидаги матн кўринишида болага хос буйруқ акти ва унинг таъсир кучи ўз ифодасини топган:

*... Шу пайт Акрамнинг ўртоғи Шавкат дарвозадан бошини суқиб: **Чик, ўйнаймиз!** – деди. **Машиналарингни опчиқ!***

Матнда ажратиб кўрсатилган буйруқ актида нутқ эгаси, яъни боланинг суҳбатдошини ҳаракатни бажаришга ундаши акс этган. Бола буйруқ актини ифода этиш орқали суҳбатдошига таъсир кўрсатишни ҳам мақсад қилган. Бу ҳолат матн давомида берилган куйидаги жумлада ўз ифодасини топади: *... Акрам қизил автобусчасини кўчага олиб чиқди.*

Кўринадикки, бола (Шавкат) нутқида қўлланган буйруқ акти таъсир кўрсатиш кучига эга. Тилшуносликда нутқий актнинг бу тури *перлокутив акт* номини олганлиги маълум.

Тилда перлокуция нафақат буйруқ, балки сўроқ, хабар актлари орқали ҳам ифодаланади. Буни куйидаги нутқ парчасида ҳам кузатиш мумкин:

*... Олмалар пишиб, тўкилиб кетаётибди, хўжайиндан рухсатсиз теришга ҳеч ким ботина олмайди. Отларга ем-хашак йўқ. Хизматкорлар оч, лекин бойнинг олдида боришга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди...*

*Бир кун кечқурун хизматкорлар билан ўтириб қандай қилиб бойни ўз жойига чақириб келиш тўғрисида маслаҳатлашдик ҳам, ким боришини ўйлашдик, нима деб чақириб келишни фикрлашдик...*

*Чек менга чиқди.*

*Эрта билан бир отга миниб, бойнинг олдига қараб йўл солдим...*

*Етиб бориб отдан тушдим. Бой шийпонда калла гўшти билан нонушта қилиб ўтирган экан. Салом бериб, секингина пойгакка тушиб ўтирдим.*

*– Хўш?!*

*– Шундай ўзим, сизни соғиниб, бир кўриб келай деб келган эдим.*

*– Яхши, яхши, баракалла, жуда ҳам қуруқ келмагандурсан, бирор ишинг бордур, хўш, нимага келдинг?*

*Шу пайтда бойга хизматкор юришда қўйган шартим эсимга тушиб қолди. “Шарт қилган ёлгонни энди гапирмасанг, қачон гапирасан”, дедим-да, гап бошладим...*

*Менинг энтак-тентак сўзларимдан бой талмовсираб қолди. Гўё шу гапларни эшитгиси келмагандай, секин, кўрқа-писа сўради:*

*– Ким ўлди?*

*– ... Кенжатай ўглингиз Бўрибойвачча. Теракка чиқиб чумчуқ боласини оламан деб, йиқилиб тушиб, бир марта “Дада!” деди-ю, “зиқ” этиб жон берди...*

*Бой ортиқ чидаб туролмади. Хушидан кетиб йиқилди. Мен ҳам қамчи ўримидан ейдиган калтакни насия қилиб жўнаб қолдим. Мендан бирор соатлардан кейин тулпор саман отда барлари осилиб кетган алпанг-талпанг, бир кўзи ерда, бир кўзи осмонда, эгар қошига қамчи дастани тираб, йиғлаб бой келиб қолди. (Ғ.Ғулум. “Шум бола”)*

Берилган нутқ парчасидан маълум бўладики, бола ўз мақсадини амалга ошириш учун тингловчи руҳиятига ҳиссий таъсир кўрсатиш усулидан фойдаланган. Нутқий мулоқот жараёнида бола томонидан ҳосил қилинган перлокутив акт адресатга кучли таъсир ўтказди. Бола нутқига хос перлокутив актнинг таъсир кучини матн давомида берилган бойнинг ҳушидан кетиб йиқилиши эпизоди орқали ҳам англаб олиш мумкин.

Шуниси характерлики, бола томонидан ҳосил қилинган перлокутив акт, унинг ўз тили билан айтганда, “*энтак-тентак сўзлари*” адресат учун баъзи ҳолларда прагматик тўсиқ вазифасини бажарган бўлса-да, китобхон учун комизм (ҳаётга, воқеликка кулги аралаш муносабат, инсон кўнглининг кулги йўли билан покланиши)<sup>53</sup> ҳолатини акс эттиришга хизмат қилган.

Кўринадики, болалар ҳам катталар каби нутқ жараёнида коммуникатив мақсадни амалга оширишда турли нутқий акт кўринишларини ҳосил қиладилар. Муайян синтактик структурадаги нутқий акт орқали унга хос бўлмаган ўзга нутқий актнинг воқеланиши айна синтактик структурада шакл ва мазмун асимметрияси юз беришини кўрсатади. Болалар томонидан коммуникатив актнинг бу каби кўринишларининг ўзига хос тарзда ҳосил қилиниши уларда лисоний қобилиятнинг шаклланганлик даражасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Болалар нутқида перлокутив актнинг бевосита ва билвосита ифодаланувчи турлари учрайди. Нутқий актни билвосита ифода этиш нутқнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади. Фикримизни П.Қодировнинг “Акрамнинг саргузаштлари” асаридан олинган қуйидаги мисоллар таҳлили орқали далиллаймиз:

1. – *Ойи Ғайратга дадаси батарея билан юрадиган чиройли бульдозер олиб берибди.*

– *Ҳа, даданг сенга ҳам бульдозер олиб берсинми?*

– *Дадам эмас, сиз...*

2. – *Дада, шуни ҳам оберинг! – Йўқ, энди бас. – Дадажо-он! – деб эркаланди Акрам.*

Биринчи нутқий парчадаги “*Ойи Ғайратга дадаси батарея билан юрадиган чиройли бульдозер олиб берибди*” жумласида нутқ эгасининг хабар акти бевосита акс этган. Мазкур синтактик структурада у ифодалашга хосланган ахборот билан бирга, “*Менга ҳам батарея билан юрадиган бульдозер олиб беринг*” тарзидаги

---

<sup>53</sup> Тўлабоева Р. Болалар характерини тасвирлашда кулгунинг ўрни // [http:// www.sharqyulduzi.uz/shyu/2011/2011-5/rt.html](http://www.sharqyulduzi.uz/shyu/2011/2011-5/rt.html)

илтимос акти ҳам баён этилган. Бу ахборот матн давомида берилган диалогик нутқ орқали янада ойдинлашган.

Кейинги матнда қўлланган *“Дада, шуни ҳам оберинг”* гапи ҳам боланинг илтимосини бевосита акс эттирган. Аммо матн давомида берилган *“Дадажо-он”* ундалмаси нутқ эгасининг илтимос актини (*“Илтимос, олиб беринг”*) билвосита ифодалашга хизмат қилган. Илтимос актининг бу тарзда баён этилиши, асосан, болаларга хос бўлиб, уни илтимосни ифода этишнинг коннотатив усули сифатида баҳолаш мумкин. Кўринадики, *“Дадажо-он”* нутқий қўлланишида бирламчи маъно ўрнини асосий маъно сифатида ўзга синтактик маъно (илтимос) эгаллаган. Албатта, мазкур қўлланишда ундаш маъносининг ҳам буткул йўқолмаганлиги сезилиб турибди.

Мактабгача ёшдаги болалар мулоқотида риторик сўроқ гап шаклидаги билвосита нутқий акт тури ҳам кўп кузатилади. Болаларга хос аксарият билвосита нутқий актлар уларнинг ёш хусусияти ва когнитив даражаси билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва баъзан катталарда кулги уйғотади. Масалан:

– *Қизим, кел, кийимларингни ечиб ваннага тушгин, чўмилтираман.*

– *Ойи, оғзимдаги конфетим чўмилиб кетмайдими?* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Бола томонидан ҳосил қилинган мазкур риторик сўроқ гапда билвосита нутқий актнинг қуйидаги турлари воқеланади:

1. Дарак-таъкид акти. Бу мазмуний муносабат риторик сўроқ гап шаклидаги нутқий актда *“Оғзимдаги конфетим чўмилиб (ювилиб, сувда эриб, йўқ бўлиб) кетади-ку!”* пресуппозицияси орқали реаллашади.

2. Истак-инкор акти. Бу мазмуний муносабат риторик сўроқ гап шаклидаги нутқий актда *“Оғзимдаги конфетимнинг чўмилиб кетиши (ювилиб, сувда эриб йўқ бўлиб кетиши)ни истамайман”* пресуппозицияси орқали реаллашади.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида қандай олмоши иштирокида тузилган риторик сўроқ гаплар ҳам фаол қўлланади. Бундай сўроқ



гапларда ҳам пресуппозиция орқали билвосита нутқий акт воқеланади. Масалан:

*Кечқурун ётишганда опалари кичкинтой Мунирага: “Ўрганган эртагингни бизга айтиб бер”, – деб илтимос қилишди.*

*Мунира уларга жавобан:*

*– Бўлмаса чироқни ёқинг, қоронгида қандай эшитасиз, – деди.*

Ушбу матн таркибида қўлланган риторик сўроқ гапда пресуппозиция орқали “Қоронгида эшитмайсиз” инкорни англатувчи хабар акти англашилади.

Баъзан мактабгача ёшдаги болалар катталардан фарқли тарзда соф сўроқ гаплар орқали ҳам билвосита нутқий актни ҳосил қиладилар. Бунда боланинг ички нияти нутқ адресатига маълум бўлмаса-да, у боланинг саволида қандайдир истак яширинганини идрок этади. Қуйидаги диалогик нутқда шундай ҳолат кузатилади:

*– Ойи, қачон бизникига меҳмон келади?*

*– Нима қилар эдинг?*

*– Кўпгина конфет еярдик. (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)*

Англашиладики, юқоридаги каби ҳолатларда бола томонидан ифодаланган иллокутив мақсадни фақат унга савол бериш орқали аниқлаш мумкин бўлади. Мактабгача ёшдаги бола нутқида бу каби сўроқ гаплар орқали нафақат истак, балки дарак, илтимос ёки буйруқ актлари ҳам ифодаланиши кўп кузатилади. Демак, болалар нутқининг прагмасемантик талқинида улар томонидан ифодаланадиган сўроқ гаплар муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, болалар томонидан нутқ жараёнида ҳосил қилинган перлокутив акт кўринишлари суҳбатдошига нутқий таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради.

### 1.3. Болалар перцептив фаолиятида прагматик тўсиқнинг юзага келиши

Нутқнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнида катталардан ўзлаштирилган айрим лисоний бирликлар вербал мулоқотнинг ривожланиш босқичида болалар учун феноменологик намуна сифатида хизмат қилади. Чунки улар нутқига хос аксарият специфик хусусиятлар имитация, таклид ҳамда аналогия усули орқали ҳосил қилинган ноузуал нутқий бирликлар таъсирида юзага чиқади. Лисоний ижтимоийлашув жараёнига киришаётган бола тил тизими ва меъёрларидан фойдаланишда нутқий хатога йўл қўйиши ҳам мумкин. Бу ҳолат нутқий мулоқот самарадорлигига муайян даражада салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқотларда *самарасиз мулоқот* тушунчасини ифодалаш мақсадида *коммуникатив хато* ҳамда *коммуникатив муваффақиятсизлик* терминлари қўлланилади. Сўзловчининг мулоқотдан кўзланган мақсадга эришуви ва суҳбатдошларнинг ўзаро келишиб олиши *муваффақиятли диалог* ҳисобланса, *нутқий (коммуникатив) муваффақиятсизлик* деганда мулоқотнинг салбий оқибати, гапираётган одамнинг ўз мақсадига эриша олмаслиги, мулоқот жараёнида вужудга келган режалаштирилмаган негатив эмоционал эффект, конфронтация (қарама-қаршилик, ўзаро ихтилофда бўлиш, тўқнашув)га сабаб бўлувчи муомала стратегияси назарда тутилади. Коммуникатив хато нуқсонли муомала, коммуникатив ноаниқлик демакдир.<sup>54</sup>

Баъзан коммуникатив хато таъсирида катталар томонидан бола нутқининг тушунилиши ниҳоятда мураккаб кечади. Суҳбат жараёнидаги англашилмовчиликни бартараф этиш мулоқот

<sup>54</sup> Қаранг: Паймурзина Т. Г. Коммуникативные промахи и неудачи в детской речи: к проблеме изучения и предупреждения в системе среднего коммуникативного образования // Известия РГПУ им. А.И. Герцена 2009 №112 URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/kommunikativnye-promahi-i-neudachi-v-detskoj-rechi-k-probleme-izucheniya-i-preduprezhdeniya-v-sisteme-srednego-kommunikativnogo>.

иштирокчиларидан муайян вақт давомида коммуникатив вазиятнинг юзага келиш сабабларини атрофлича ўрганишни талаб қилади. Чунки адресант нутқида акс этган номеъерий ифода воситалари прагматик тўсиқ пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Прагматик тўсиқ баён қилиниши лозим бўлган пропозицияга тўсиқ бўлувчи, унинг мазмунини хиралаштирувчи сўзловчининг фикрлаш ва талаффузи билан алоқадор ҳодиса ҳисобланади.<sup>55</sup> Нутқнинг яратилиши ва идрок этилиши билан боғлиқ масалалар талқинида коммуникатив-прагматик тўсиқ ходисаси алоҳида ўрин тутаяди.

Прагмалингвистикада прагматик тўсиқ муаммоси Р.Р.Гелгард, Л.А.Киселева, И.В.Чернигова, Ю.В.Садовская ва бошқа тадқиқотчилар томонидан махсус ўрганилган.<sup>56</sup>

Ўзбек тилшунослигида бу масалага дастлаб М.Ҳақимов муносабат билдирди. У прагматик тўсиқни сўзловчининг коммуникатив мақсадига мувофиқ бўлмаган нопрагматик ахборот сифатида баҳолади.<sup>57</sup>

Нутқда прагматик тўсиқ муайян омиллар таъсирида юзага келади. М.Ҳақимов прагматик тўсиқнинг меъёрсиз талаффуз, номеъерий сўз қўллаш, грамматик шакл ва синтактик қурилмаларнинг меъёрсиз боғланиши, функционал услубнинг меъёрсиз қўлланиши натижасида юзага келишини қайд этади.<sup>58</sup> Л.А.Киселева эса прагматик тўсиқнинг юзага келишига қуйидаги омилларнинг таъсир этишини кўрсатади:

1. Режалаштирилган прагматик эффект белгилари.
2. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ижтимоий муносабатлар.
3. Тезаурус (интеллект имконияти) фонди ва характери.

---

<sup>55</sup> Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 155.

<sup>56</sup> Гелгард Р.Р. Помехи в понимании речевых сообщений // Русский язык в школе. 1968. – №3. – С. 3-9; Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л., 1978. – С. 135-136; Чернигова И.В. Нейтрализация коммуникативно– прагматических помех в тексте издательского предисловия к французским художественным произведениям XVI-XVII веков. <http://cyberleninka.ru/article/n/>; Садовская Ю.В. Коммуникативные помехи в детской речи. <http://cyberleninka.ru/article/n/kommunikativnye-pomehi-v-detskoy-rechi#ixzz4fWslT4Lp>

<sup>57</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган асар. – Б. 121-134.

<sup>58</sup> Ҳақимов М. Шу жойда.

#### 4. Лингвистик материал хусусияти.<sup>59</sup>

Коммуникатив-прагматик тўсиқ болалар нутқида ҳам кузатилади. Катталар нутқида прагматик тўсиқ кўпинча тилнинг орфоэпик меъёрларига амал қилмаслик, лексик бирликларни ноўрин қўллаш кабилар билан боғлиқ ҳолда юзага келиб, нутқ мазмунини хиралаштирса; болаларда лексик бирликлардан маъносини тушунмай нутқда фойдаланиш, талаффуз меъёрларига риоя қилмаслик кабилар прагматик тўсиқнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Албатта, болалар томонидан сўз ижод қилишга қаратилган “лисоний кашфиёт” ҳамда функционал жиҳатдан нотўғри қўлланган тил бирликлари референциал актни ифодалаш мақсадида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бу йўсинда ҳосил қилинган айрим ифода шакллари катталар талқинида лингвопрагматик аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида коммуникатив тўсиққа сабаб бўлади. “Коммуникатив тўсиқлар, ғализликлар, хатолар (баёндаги чалкашлик, изчилликнинг йўқлиги, ортиқча сўзларнинг кўплиги) натижага эришиш жараёнини секинлаштирса-да, унга бутунлай тўсқинлик қилмайди”.<sup>60</sup>

Кузатувларга кўра, фикрнинг ифодаланиши жараёнида экстралингвистик омиллар таъсирида пайдо бўладиган прагматик тўсиқ мактабгача ёш давридаги болалар нутқида аниқ кўзга ташланади. Мазкур ёш даврида болалар луғат захираси жадаллик билан бойиб борса-да, улар кундалик ҳаётда фаол қўлланадиган лисоний воситаларнинг аксариятини тўлиқ ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўлмаслиги табиий. Бу хусусиятни ўзида акс эттирувчи ифода воситалари сўзлашув нутқида кўп учрайди.

Болалар коммуникатив фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган прагматик тўсиқни икки жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1. Болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиши. 2. Болалар томонидан ўзгалар нутқи, унинг бирор бўлагининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилиниши.

<sup>59</sup> Киселева Л.А. Кўрсатилган манба.

<sup>60</sup> Паймурзина Т. Г. Кўрсатилган манба.

## 1. Болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиши.

Болалар нутқида турли омиллар таъсирида тингловчи учун прагматик тўсиқ юзага келади. Булар: 1) болалар томонидан сўзларнинг орфоэпик меъёрга зид ҳолда талаффуз этилиши; 2) болалар томонидан сўзларнинг ноўрин қўлланиши; 3) болалар томонидан ҳосил қилинган индивидуал окказионализмлар; 4) болаларнинг нутқ объекти ҳақида билимга эга бўлмаслиги ва уни нотўғри талқин этиши; 5) бола ва адресат ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, уларнинг худудий хосланиши кабилардир.

Болалар нутқида орфоэпик меъёрнинг бузилиши оқибатида юзага келган прагматик тўсиқ нутқнинг адресат томонидан тушунилишини қийинлаштиради. Аввал айтилганидек, мактабгача ёшдаги болалар айрим товушларни кеч ўзлаштирадилар ёки уни талаффуз қилишга қийналадилар. Бу ҳолат болаларнинг товушларни бузиб талаффуз этишларига ва натижада нутқда прагматик тўсиқнинг юзага келишига сабаб бўлади. Масалан:

*Болакай минг сўмликнинг у ёгини айлантириб кўрди, бу ёгини айлантириб кўрди. Ўнг чўнтагига қўл суққан эди, бир даста минг сўмликлар илашиб чиқди. Чап чўнтагидан беш юз сўмлик, юз сўмликлар олди. Бармогига туфлаб, чаққонлик билан бешта юз сўмликни санаб, қўлимга тутқазди.*

– *Бакалашкани бўшатиб бейинг, – деди дона-дона қилиб. Магазинга топшияман. “Спйит” кеякмасми? Минг сўм.* (Ў.Ҳошимов. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”)

Болалар нутқида талаффузнинг номеъёрий ифодаси сўзнинг товуш ўзгариши ходисасига учраши асосида ҳам намоён бўлади. Масалан, “*Ижроқўм бобо, начайник бобо, милиция амакилар келган эмиш*” (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”) хабар актида русча *начальник* сўзининг бузиб талаффуз этилиши прагматик тўсиқни юзага келтирган. Бироқ боланинг сўз қўллаши жараёнида кузатилган фонетик ўзгариш нутқий хато ҳисобланса-да, асарда катта ёшли адресат эътиборини жалб этиш вазифасини бажаришга хизмат қилганлиги билан прагмастилистик вазифа бажаради.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида сўзни ноўрин қўллаш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган прагматик тўсиқ тури кўп кузатилади. Сўзни ноўрин қўллаш кўпинча сўз маъносини билмаслик оқибатида юз беради. Қуйидаги матнда бола нутқида қўлланган *мурда* сўзи прагматик тўсиқни юзага келтирган:

*Дадамнинг қўштигини кўтариб, ҳовлиқиб чиқиб кетаётган эдим, бувижоним:*

– *Милтиқни нима қиласан? – деб жеркиб берди.*

– *Биз қори поччам билан мурда овлагани кетяпмиз, – дедим аччигим чиқиб. Бувижоним қотиб-қотиб кулди-да:*

*Мурда эмас, мурид дегин, болам, мурид, – деб тушунтирди. Кейин мурда билан муриднинг фарқини ҳам гапириб берди. Шошилиб турганим учун, бари бир, ҳеч нарса англамай, милтиқни ташлаб қори поччамникига қараб югурдим. (Х. Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”)*

Матндан англашиладики, бола *мурид* сўзини қори поччасидан эшитган, аммо унинг маъносини тушунмайди, шу боис нутқида бу сўз ўрнида унга товуш жиҳатдан ўхшаш бўлган *мурда* лексемасидан фойдаланади.

Баъзан болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келишига уларнинг ўзлашма сўзлардан, соҳа терминларидан ноўрин фойдаланиши сабаб бўлади. Жумладан, болалар ўзига нотаниш терминларни эшитиб, унинг маъносини билиб-билмай қўллашлари ёки уни бузиб талаффуз қилишлари, термин ўрнида унга талаффуз жиҳатдан ўхшаш сўздан фойдаланишлари оқибатида ҳам прагматик тўсиқ юзага келади. Масалан:

*Мени кўриши билан бўлим бошлиғи:*

– *Ўртоқ агроном, сиздан бир илтимосим бор, – деб қолди.*

– *Марҳамат, – мотоциклдан аста тушдим.*

– *Агар малол келмаса, мана бу Раҳимжонга, унинг аъзоларига компост тўғрисида бир гапириб берсангиз. Булар ҳалигача ҳеч нарса тушунишмас экан.*

– *Марҳамат, – дедим-да, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, лекция ўқишга тушиб кетдим, – ўртоқлар, компост жуда фойдали ичимлик, уни*

*асосан мевадан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанча кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фаргона томонларда компостни ўрик, шафтоли қоқи ва олчанинг қуруғидан тайёрлашади. Хуллас, компост ичмабсиз, дунёга келмабсиз.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Англашиладики, болалар нутқида сўз қўллаш билан боғлиқ бундай коммуникатив хатолар уларнинг сўзни ўзлаштирмаганликлари натижасида юз беради.

Баъзан болалар томонидан ҳосил қилинган индивидуал окказионализмлар ҳам прагматик тўсиқни ҳосил қилиши мумкин. Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи Ҳожимурод Эркинов (4 ёш 10 ой) ўртоғига: – *Дрш-дрш ўйниймизми?* – деб савол беради.<sup>61</sup> Боладан “Дрш-дрш”нинг қандай ўйин эканлиги сўралганида, у мазкур ўйин бошни бошга уриш орқали амалга оширилишини тушунтиради. Нутқда қўлланган бу каби индивидуал окказионализмлар ҳам катталар учун прагматик тўсиқни юзага келтиради.

Прагматик тўсиққа сабаб бўлган контаминация асосида телескопик усул билан ҳосил қилинган қуйидаги гибрид ясалмани болаларга хос окказионализмнинг ажойиб намунаси сифатида баҳолаш мумкин:

*Юлдуз. Уч яшар.*

– *Нима ейсан, Юлдуз, нокми, шоколадми?*

– ***Ноколад!*** (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)

Бола нутқида қўлланган *ноколад* сўзида нок ва шоколад назарда тутилган бўлиши ёки бу сўз беихтиёр ҳосил қилинган бўлиши мумкин. Биринчи талқинда бола икки турдаги маҳсулотни бир сўз билан аташ мақсадида *нок* ва *шоколад* сўзларининг таркибий қисмларидан фойдаланган ҳолда окказионал сўз ҳосил қилган ва бу ясалма орқали у ҳам нок, ҳам шоколад ейишни кўзда тутган деб тахмин қилиш мумкин. Иккинчи талқинда бола *ноколад* сўзини

---

<sup>61</sup> Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – Б. 101.

ғайритабий равишда ҳосил қилган дейиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам *ноколад* сўзини тушуниш адресатга қийинчилик туғдиради. Ушбу нутқий вазиятда бола томонидан кўзда тутилган иллокутив мақсадга аниқлик киритишнинг ягона йўли унга “*Ноколад нима?*” саволини беришдир. Агар бола томонидан *ноколад* тарзида ифодаланган окказионал нутқий номланиш спонтан нутқ маҳсули сифатида юзага келган бўлса, у сўзнинг маъносини изоҳлашда қийналади.

Маълумки, болалар катталар каби нутқ объекти ҳақида етарли ёки ҳеч қандай билимга эга бўлмасалар, уни нотўғри талқин этадилар. Бу ҳолат ҳам нутқда прагматик тўсиқнинг юзага келишига ва оқибатда нутқнинг қийин тушунилишига олиб келади. Масалан, Р.Муҳаммаджонов сценарийси асосида суратга олинган “Сехрли қалпоқча” кинофильмида акс этган эпизодлардан бирида ўқитувчи дарсга эътиборсиз ўтирган ўқувчидан аввалги машғулотда қайси мавзу ўтилгани ҳақида сўрайди. Ўқувчи саволга жавоб топа олмай ўйланиб турганда синфдошларидан бири унга ёрдам бериш учун “Диффузия ҳодисалари” деб шивирлайди. Шунда синфдошининг ёрдамидан фойдаланган ҳолда мураккаб вазиятдан чиқишни мақсад қилган ўқувчи шошқалоқлик билан “*Диффуза ҳодисалари*” деб юборади. Албатта, бундай кулгили ҳолатга, аввало, боланинг аввалги машғулотда қайси мавзу ўтилгани ҳақида билимга эга бўлмаганлиги сабаб бўлган. Бунинг оқибатида у ўртоғи томонидан паст овозда айтилган мавзу номини тўлиқ эшитмай, унга талаффуз жиҳатдан яқин бўлган қўлланишни ифода этишга мажбур бўлган.

Нафақат нутқ эгаси, балки адресатларнинг ҳам нутқ объекти ҳақида билимга эга эмасликлари натижасида юзага келган прагматик тўсиқнинг ёрқин намунасини қуйидаги матнда ҳам кузатиш мумкин:

*...Сизда қофиядан борми? – деб сўрадим китоб сотиб ўтирган аёлдан. У шапалоқдек ойнага тикилиб, лабига қизил суртиш билан овора эди. Гапимни эшитмади шекилли. Қофия борми? – деб сўрадим яна.*

*– Нима? – Юзимга қарамасдан сўради аёл.*



– Қофия, шеърга ишлатиладиган қофия, – тушунтирдим, – жон она, бўлса юз грамм топиб беринг. Жуда зарур бўлиб қолди.

– Унақа нарса йўқ бизда.

– **Бўмаса беш-ўнта вазн топиб беринг.**

– Вазн ҳам йўқ.

– **Туроқ-чи? Туроқ ҳам бўлмаса керак?** – дедим кесатиб.

– Йўқ дедим-ку. Қанақа эзма боласан ўзинг. **Сен сўраган нарсалар культмагда бўлади.**

**Культмагга борган эдим, хозмагдан сўраб кўринг, дейишиди.**

Ўша куни мен бормаган магазин қолмади. Ҳатто бир оз қимматга бўлса ҳам ола қолай деб чайқов бозорига ҳам бирров тушиб чиқдим. Йўқ, анқонинг уруги бўлиб кетган экан бу нарсалар, топилмади. Аламимдан кечаси қофия, вазн, туроги бўлмаса ҳам, шеърни шунақанги кўп ёздимки, кўрсангиз, юрагингиз ваҳм олади. (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Кўринадикки, нафақат бола, балки китоб дўкони, “культмаг”, “хозмаг” сотувчилари ҳам қофия, туроқ, вазн ҳақида билимга эга эмас. Бу ҳолат ўзаро мулоқотнинг қийинлашувига сабаб бўлган. Бадиий асарда бу каби прагматик тўсиқ ҳосил қилиш орқали персонаж характериға чизги бериш ҳамда юмористик ҳолатни кучайтириш каби прагмастистик вазифалар амалга оширилган.

Баъзан болалар ва адресат ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам нутққа таъсир кўрсатиб, прагматик тўсиқнинг юзага келишига сабаб бўлади. А.Улуғов қайд этганидек, “Болалар борликни жуда-жуда билгиси келади. Уларнинг қалбида дунё сир-синоатларини эгаллаш истаги жўш уриб туради. Шундан болаларнинг бийрон-бийрон саволлари ота-оналарини ҳамиша довдиратиб кўяди. Катталар эса ҳеч қачон ўз ожизлигини тан олгиси келмайди. Улар забунликларини яшириш учун “Ўчир овозингни!”, “Тилингни тий! Жим ўтир!” дея дағдаға яловини кўтариб олишади. Улғаяётган вужуд бу таҳдиддан, албатта, чўчиб тушади. У кўрқув қуршовига қайта дуч келмаслик учун мурғак табиатидаги ғаройиб ҳиссиётлар оқимини мажбурлаб тўхтатишга жон-жаҳди билан уринади. Кўнглини,

фикрини ўстириш учун лозим бўлган қувватларини тилини тийишга, истакларини тўхтатишга сарф этади. Бу эса, албатта, хунук оқибатларга замин ҳозирлайди”.<sup>62</sup> Дарҳақиқат, айрим болаларнинг катталар олдидаги хавотири, кўрқинчи, уялиши кабилар уларнинг нутқига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай вазиятларда болаларнинг сўзларни чала талаффуз қилиши, дудуқланиб қолиши кузатилади. Бу ҳолат ҳам болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келишига сабаб бўлади. Масалан:

– *Мен бу ерда сенинг муаллимангман, шуни унутма!* – деди *Муҳаббат опа Акрамга.*

– *Хўп, энди унутмайман, му...*

*Акрам ойисини “муаллима опа” деса ҳам кулги бўлишини сезди-ю, “му” деганича тили тутилиб, тўхтади.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

– *Бизга нима қилиги ёқмаганини айтдик. Акрам, гапимизга Тушундингми?*

– *Туш... Тушундим.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Бола ва адресатнинг турли шева вакиллари эканлиги ҳам нутқда прагматик тўсиқнинг юзага келишига сабаб бўлади. Прагматик тўсиқ мулоқот иштирокчиларининг худудий хосланиши билан боғлиқ бўлгани учун бу борадаги тафовут болалар нутқини тушунишга ҳалал бериши мумкин. Масалан, Тошкент шаҳар шевасида сўзлашувчи болалар нутқида қўлланадиган *жиз* сўзи иссиқни англатади. Бу сўз бошқа шева вакиллари учун тушунарсиз бўлгани боис, нутқда қўлланганда прагматик тўсиқни юзага келтиради.

**2. Болалар томонидан ўзгалар нутқи, унинг бирор бўлагининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилиниши.** Маълумки, мактабгача ёшдаги болалар дастлаб кундалик ҳаётда фаол қўлланадиган лисоний бирликларни ўзлаштирадилар. Бироқ бола томонидан ҳали ўзлаштирилмаган, аммо нутқий мулоқот жараёнида қўлланган лексик бирлик у учун нотаниш ва тушунарсиз бирлик ҳисобланади. Бола томонидан биринчи марта эшитилган бирлик

---

<sup>62</sup> Улуғов А. Ҳар болада шахс улғаяди // Ҳуррият. – Тошкент, 1998. – Б. 1.

унинг тасавурида прагматик тўсиқ ифодачисига айланади. Бу вақтда боланинг диққати ўзи учун тушунарсиз бўлган бирликка қаратилади. Мазкур ҳолат бола томонидан сўзловчи нутқида акс этган асосий ахборотнинг тўғри англанишига тўсқинлик қилади. Бола сўзловчи нутқини тўлиқ тушуниб етиши учун сўроқ актидан фойдаланишга мажбур бўлади. Масалан:

– *Сен мактабда ўқийсан. Мен боғчадаман.*

– *Боғчада бўлсанг нима? Мен боғчадалигимда ҳам ҳеч нарсадан қўрқмас эдим. Сен пўкроқсан. Гавданг бор-у, юрагинг йўқ.*

– *“Пўк” деганинг нимаси?..*

– *Ичи бўш ошқовоқ бор-ку... (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)*

Матнда нутқ эгаси *пўк* сўзини кўчма маънода қўллаш орқали мулоқотдошининг гавдаси катта бўлса-да, унинг қўрқоқлигига ишора қилган. *Пўк* сўзининг кўчма маъносини билмаслик тингловчи учун нутқий актда прагматик тўсиқни ҳосил қилган.

Болаларнинг сўз кўчма маъносини билмасликлари воқеликни нотўғри талқин қилишларига ҳам сабаб бўлади. Масалан:

*Илгарилари болаларнинг битта-яримтаси Ҳимматни хафа қилгудай бўлса, у югуриб бориб, отаси – Хурсанд амакини етаклаб келарди. Хурсанд амакининг буфети мактабимиз ёнгинасида, катта йўл бўйида. Нима учундир қишлоғимиздагилар у кишини “тулки” дейишади. Аслида эса Хурсанд амаки тулкидан кўра кўпроқ айиққа ўхшайди. Қорни қондай. Лапанглаб юриши ҳам айиқнинг ўзгинаси... (А.Кўчимов. “Қайта туғилган бола ёки Илҳомнинг “Хотира” дафтаридадан”)*

Англашиладики, бола *тулки* лексемасига юкланган кўчма маънони идрок эта олмаган. Катталар томонидан тулкига хос айёрлик сифати асосида ном кўчирилиши натижасида боланинг нутқни идрок этиши жараёнида прагматик тўсиқ пайдо бўлган.

Мактабгача ёшдаги болалар учун суҳбатдоши нутқида қўлланган фразеологик бирликлар ҳам прагматик тўсиқ вазифасини бажаради.

Бу ҳолат уларда фразеологик захиранинг анча чекланганлигини кўрсатади. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз:

– *Буважон! Нима бўлди? Мазез бўмяптими?*

– *Йў, мазам жойида, фақат ўй ўйлаб ўйимга етолмаянман.*

– *Нималарни ўйлаяпсиз?*

– *Ҳе-ей, беш кунлигим борми-йўғми, бажаришим керак бўлган ишларнинг сон-саногини йўқ.*

– *Атиги беш кунми?* (Р.Муҳаммаджонов. “Чол ва набира”)

Кўринадики, бола қолган умрнинг қисқалигига ишора қилувчи фразеологизм маъносини англаб етмагани боис кутилмаган савол орқали ўзига хос коммуникатив актни ҳосил қилган. Қуйидаги мисолда ҳам фразеологик бирлик бола учун прагматик тўсиқни юзага келтирган:

–... *Ассалому алейкум!*

– *Ваалейкум ассалом! Буванг уйдамила?*

– *Нимейди?*

– *Югуриб бориб айт: “Иккита аёл остонамиззи супургани келди”, – дегин, бор!*

– ... *Супурги қани? ... Иккита аёл остонамиззи супургани келишибди.* (Р.Муҳаммаджонов. “Чол ва набира”)

Болалар перцептив фаолиятида прагматик тўсиқнинг юзага келишига сўзларнинг талаффузда ўхшашлиги ҳам сабаб бўлади. Кўпинча бу ҳолат сўзловчининг нутқ жараёнида фақат бир товушига кўра фарқланадиган лексик бирликлардан фойдаланиши натижасида юз беради. Масалан:

*Уруш вақтида мен сендан сал каттароқ бола эдим, – деб гап бошлади Санжар ака. – Биз тоғдаги қишлоғимиздан Бекободга кўчиб келган эдик. Отам Уралга ишчи батальонига кетган. Катта акам қурилишга ишга кирган. Биз унинг қарамогига ўтганмиз, карточка билан нон оламиз.*

*Акрам карточканинг нималигини билмас эди:*

– *Картошка билан нонми? – деб сўради.*

– Э, афанди! Мен қозғоз карточкани айтяпман. У вақтларда нон танқис эди. Ғалланинг кўпи фронтда жанг қилаётган аскарларга юборилар эди. Бизнинг ҳар биримиз карточка билан тўрт юз грамм-беш юз грамдан қора нон олар эдик. (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Кўринадики, матнда қўлланган *карточка* сўзи боланинг эътиборини ўзига жалб қилган. Бола *карточка* сўзини талаффуз жиҳатидан унга яқин бўлган *картошка* сўзи билан адаштирган. Болада бу йўсинда юзага келган прагматик тўсиқ таъсирига жумла таркибидаги *билан* кўмакчиси ҳам учраган. Бу кўмакчи адресат томонидан *ва* боғловчиси вазифасида қабул қилинган. Бола учун прагматик тўсиқнинг юзага келиши ахборотнинг идрок этилишини қийинлаштирган.

Мулоқот жараёнида катталар томонидан болаларга тушунарсиз бўлган турли соҳа терминларининг қўлланиши ҳам улар учун коммуникатив-прагматик тўсиқни юзага келтиради. Масалан:

*Устозининг табригидан Санжар ака жуда хурсанд бўлган эди. Машинани ўт олдираётиб ўғлидан сўради:*

– *Эшитдингми Акрам! Биз топган гербицидимиз учун мукофот оладиган бўлибмиз.*

*Акрам “гербицид” дейишга тили келишмайди:*

– *Трубаси нима, машинами? – деди.*

*Санжар ака кулиб юборди:*

– *Э афанди! Турубаси эмас, гербицид! Ёввойи ўтларни ўлдирадиган дори! Одамлар куннинг иссиғида ўтоқ қилиб юрмайди. Биз топган дорини сепса, ёввойи ўтлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади...* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Юқоридаги каби қўлланишлар нафақат мактабгача ёшдаги болалар, ҳатто катталар учун ҳам нутқнинг тушунилишини мураккаблаштириши мумкин. Бироқ болалар бундай ҳолатларда муаммонинг ечимига тезкорлик билан эришишга интилишади. Уларнинг бу каби терминларни ўз билигича талаффуз қилиши баъзида кулгили вазиятга сабаб бўлади.

Болалар эллипсисга учраган нутқий қўлланишларни ҳар доим ҳам аниқ идрок этавермайдилар. Эллиптик акт кўринишлари мактабгача ёшдаги болалар томонидан нутқ мазмунининг теран идрок этилишига тўсқинлик қилади. Натижада бола катталарга ҳайратомуз саволлар билан мурожаат қилади. Масалан:

– *Кўйвормайсиз-а?*

– *Кўйвормайман.*

– *Шунақами?*

– *Шунақа.*

– *Бўмасам, уйингиздан қочиб кетаман.*

– *Чинданми?*

– *Чиндан.*

– *Унда мани ким кўмади?*

– *...Нима? Кўмади? Ахир сиз ҳали тириксиз-ку!*

(Р.Муҳаммаджонов. “Тангалик болалар”)

Ушбу диалогик мулоқотда қўлланган “*Унда мани ким кўмади?*” гапидан *вафот этганимда* сўз бирикмаси тушириб қолдирилган. Бу ҳолат жумланинг бола томонидан қийин тушунилишига сабаб бўлган.

Хуллас, болалар томонидан ўзгалар нутқи, унинг бирор бўлагининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилинишига бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Булар ўзгалар нутқида болалар учун маъноси тушунарсиз бўлган сўзларнинг қўлланиши, сўзларнинг орфоэпик меъёрга зид ҳолда талаффуз этилиши, сўзларнинг ноўрин қўлланиши, эллиптик жумлаларнинг ишлатилиши кабилардир.

## II БОБ. БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ПРЕСУППОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. Лингвистик пресуппозициянинг умумий тавсифи

Прагмалингвистиканинг тадқиқ объектларидан бири болалар нутқининг пресуппозицион хусусиятлари муаммоси бўлиб, бу йўналишда болалар нутқида пресуппозициянинг ифодаланиши, болалар нутқини тушуниш ва идрок этишда пресуппозициянинг ўрни, пресуппозициянинг билиш билан боғлиқ когнитив асоси каби масалаларни ўрганиш долзарб вазифадир.

Маълумки, *пресуппозиция* термини (лот. *prae* – ‘олдинда, олд’, *suppositio* – ‘тагига қўймоқ, гаров’) немис философи, математик ва мантиқшунос Г.Фрегенинг фалсафий мантиқ ҳақидаги қарашлари асосида илмий муомалага кириб келган. Г.Фреге биринчилардан бўлиб гап семантикасининг мантикий таҳлилига пресуппозиционал ёндашувни олиб кирди. Унинг фикрича, “Кеплер қашшоқликдан оламдан ўтди” гапида Кеплер деган одамнинг яшаб ўтганлиги ҳақидаги яширин фараз мавжуд бўлиб, у пресуппозициядир. Г.Фреге мазкур фаразни гапнинг чинлигини таъминловчи шарт сифатида баҳолайди.<sup>63</sup> Кўринадики, Г.Фреге талқинида пресуппозиция жумланинг чинлигини белгиловчи муҳим омил.

Г.Фрегедан сўнг пресуппозиция ҳақидаги қарашлар П.Стросон томонидан ривожлантирилди. Унинг талқинича, агар Р гапининг чинлик моҳиятига эга бўлиши учун S гапининг чинлиги зарурий шарт бўлса, Р гапи S гапини келтириб чиқаради. Бунда S гапи Р гапининг пресуппозицияси ҳисобланади. Англашиладики, П.Стросон ҳам пресуппозицияни ҳукмнинг семантик компоненти сифатида талқин этган.<sup>64</sup>

Мантиқшуносликдан фарқли тарзда тилшуносликда пресуппозицияга «сўзловчиларнинг умумий билиш фонди, уларнинг

<sup>63</sup> Фреге Г. Смысл и денотат // Семиотика и информатика. – М., 1977. Вып. 8. – С. 185-186.

<sup>64</sup> Strawson P. F. Introduction to logical theory. – L., 1953. – P. 273-276.

олдиндан келишуви»<sup>65</sup>, «у ёки бу даражада эксплицит бўлмаган ҳолатда қатнашувчи гапнинг оддий маъно компоненти»<sup>66</sup>, «олдиндан маълум билимлар жами»<sup>67</sup>, «сўз билан ифодаланмаган мазмун компоненти, матнни бир хил идрок этишга имкон берувчи дастлабки билим»<sup>68</sup> каби тавсифлар берилган. Тилшуносликда ҳанузгача лингвистик пресуппозициянинг ҳамма томонидан эътироф этилган якуний тавсифи мавжуд эмас. Тилшуносликда бу ходиса *пресуппозиция, презумпция, ички маъно, монема, прагматик маъно, сигматик маъно, тағбилим*<sup>69</sup> каби терминлар билан номланиб, турли жиҳатдан ўрганиб келинмоқда.

Дунё тилшунослигида пресуппозиция муаммосига дастлаб О.Дюкро, И.Беллерт, Ч. Филлмор, Г.Лакофф, П.Кипарский ва С. Кипарскийлар муносабат билдиришди. Уларнинг ишларида пресуппозициянинг лингвистик мақоми белгилаб берилди.<sup>70</sup>

Лингвистик пресуппозициянинг моҳияти, ифода воситалари, таснифи ҳақидаги қарашлар Н.Д.Арутюнова, Е.В.Падучева, Ф.Кифер, В.Демьянковлар томонидан ҳам ривожлантирилди.<sup>71</sup> Бугунги кунда ҳам бу муаммо турли тиллар мисолида кенг ўрганиб келинмоқда.

---

<sup>65</sup> Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. – 1973. Т. 32. Вып. №1. – С. 85.

<sup>66</sup> Падучева Е. В. Понятие презумпции в лингвистической семантике // <http://codenlp.ru/wp-content/uploads/201509/presumption-77.pdf>. – С. 3.

<sup>67</sup> Гак В. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – М., 1981. – С. 14.

<sup>68</sup> Валгина Н. С. Теория текста // Учебное пособие. – М.: Логос, 2003. – С. 7.

<sup>69</sup> Арутюнова Н.Д. Кўрсатилган мақола. – Б. 85; Падучева Е.В. Кўрсатилган мақола. – Б. 2–20; Кифер Ф. Кўрсатилган манба. – Б. 367; Демьянков В. Кўрсатилган манба // [http://www.infolex.ru/IZV4\\_81.html](http://www.infolex.ru/IZV4_81.html); Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 28-31; Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, – 1986. – №6. – Б. 42-45; Ҳакимов М. Тағмаъно ва тағбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – № 1. – Б. 30-34; ва бошқалар.

<sup>70</sup> Ducrot O. La description linguistique des enonces franzaais et la notion de presupposition. – « // [www.persee.fr/dok/hom0439-Lcs](http://www.persee.fr/dok/hom0439-Lcs) lois de discours-uts; Bellert I . O pewnym warunku sprujnoъsi textu // <https://books.google.co.uz>; Fillmore Ch. Types of lexical information. In: F. Kiefer (ed.) // «Studies in syntax and semantics». // [www.researchgate.net](http://www.researchgate.net).; Lakoff G. Linguistics and natural logic // «Studies in generative semantics», 1970. – № 1. – P. 151-271; Kiparski P. , Kiparski C. Fact. – In: M. Bierwisch, K. E. Heidolph (eds.) Progress in linguistics. The Hague, 1970. – P. 143-173.

<sup>71</sup> Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. – 1973. Т.32. Вып. №1. – С. 84–90; Падучева Е.В. О понятие презумпции в



Ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 80-йилларига келиб лингвистик пресуппозицияни ўрганишга эътибор қаратилди.<sup>72</sup> Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб бу муаммони ўрганишга қаратилган махсус тадқиқот ишлари юзага келди,<sup>73</sup> бу масала таҳлилига доир турли мақолалар эълон қилинди.<sup>74</sup> Бироқ тилшунослигимизда бу соҳада ўз ечимини топмаган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, тилнинг ҳар бир сатҳида пресуппозицияни воқелантирувчи бирликлар бўлиб, уларнинг тадқиқи прагмалингвистика учун қимматли маълумотлар бера олади.

Мантиқшуносликдан фарқли тарзда тилшуносликда пресуппозиция кенг доирада ўрганиб келинди. Л.А.Наумова бу ҳақда фикр юритар экан, мантиқшунослик ва тилшунослик фанларида қўлланилаётган *пресуппозиция* тушунчасига тавсиф берди. У мантиқшуносликда пресуппозиция сифатида қуйидагилар тушунилишини қайд этди:

1. Пресуппозиция – гапнинг чин (ҳақиқий)лиги моҳиятининг мавжудлиги семантик шарти.

---

лингвистической семантике / Семиотика и информатика. – М., 1977. – Вып. 8. – С. 91-124; Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. – М., 1978. – С. 337-369; Демьянков В. Прагматические основы интерпретации высказывания // Известие АН СССР. Серия лит. и яз., 1981. Т.40. – №4. – С. 368-377/ [http://www.infolex.ru/IZV4\\_81.html](http://www.infolex.ru/IZV4_81.html);

<sup>72</sup> Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 28-31; Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 42-45.

<sup>73</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юктамалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б; Ҳайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 25 б; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.

<sup>74</sup> Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.113-120; Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 1996. – №5. – Б. 46-48; Ҳакимов М. Тағмаёно ва тағбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – № 1. – Б. 30-34; Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция / А.Ғулом ва ўзбек тилшунослиги: Илмий ишлар тўплами. – Тошкент. 2004. – Б. 57-60; Бурханов З. Кўмакчилик курилмалар пресуппозицияси // Педагогик таълим. 2004. – № 3. – Б. 61-62; Раҳимов У. Тағмаёно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 2005. – № 5. – Б. 29-33; Лутфуллаева Д., Жумаев Ф. Ўзбек тили феълларининг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. – № 2. – Б. 74-76.

2. Пресуппозиция – гаплар ўртасидаги мантикий алоқанинг ўзига хос кўриниши.

3. Пресуппозиция – самарадор мулоқот учун зарур бўлган прагматик шарт-шароит.

Олима тилшуносликда пресуппозиция тушунчасининг куйидаги уч аспектда кўлланишини кўрсатди:

1. Объектнинг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги пресуппозиция (семантик экзистенциал пресуппозиция).

2. Пресуппозиция сўзнинг хусусияти сифатида (асосан, предикат вазифасида келувчи отлар)

3. Пресуппозиция коммуникациянинг прагматик (лингвистик бўлмаган) шarti сифатида.<sup>75</sup>

Кўринадики, тилшуносликда *пресуппозиция* тушунчасининг талқини мантикий тасаввурдаги пресуппозициядан тубдан фарқ қилади.

Тилшуносликда пресуппозицияни ўрганишга дастлаб семантик тадқиқотлар натижасида эътибор қаратилган дейиш мумкин. Жумладан, гапда яширин ифодаланган ахборот кўринишларини аниқлаш жараёнида, табиий равишда, пресуппозиция ҳодисасига дуч келинади. Шу боис бу муаммо илк бор семантик-синтактик аспектда амалга оширилган ишларда илмий-назарий жиҳатдан тавсифланган. Бироқ прагмалингвистик таҳлилларда баъзан тил бирликларининг семантик ва прагматик маъноларининг туташуви масаласига ҳам дуч келинади. О.Г.Бутаеванинг қайд этишича, прагмалингвистиканинг ҳал этилмаган масалаларидан бири семантика ва прагматиканинг мувофиқ келиши масаласидир. Олиманинг изоҳ беришича, прагматикада сўз маъноси нутқ эгаси ёки тилдан фойдаланувчи билан боғлиқ, семантикада эса у аниқ нутқий вазиятга, сўзловчи ва тингловчига дахлдор бўлмаган тилнинг ифода хусусияти сифатида

---

<sup>75</sup> Наумова Л.А. Пресуппозиции в логике и лингвистике // Философия: в поисках онтологии: Сборник трудов Самарской гуманитарной академии. – Самара: Издательство СаГА, 1998. – № Вып. 5. – С. 236-255.

баҳоланади.<sup>76</sup> Дарҳақиқат, тил бирлиги, хусусан, лексеманинг семантик моҳияти нутққача шаклланган бўлиб, у тил эгасининг ҳаётий тажрибаси давомида лисоний захирасидан ўрин олади. Бироқ айти тил бирлигининг нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари каби ташқи омиллар таъсирида юзага чиқувчи прагматик маъноси сўз семантик кўламида мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Сўз семантик структурасининг муайян компоненти нутқий қўлланишда бевосита акс этмай, нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари каби ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага чиққан ҳолатларда у прагматик маъно касб этади ёки унинг таъсирида айти сўзда янги прагматик маъно шаклланади. Масалан, “*Уйни тозалади*” гапидаги *тозаламоқ* лексемасининг “*Ўзбек тилининг изоҳли луғати*”да қайд этилган “1. *Кир, чанг, ифлослик ва ш.к.дан холи қилмоқ, тоза қилмоқ.* 2. *Аралашмалардан, кераксиз, ортиқча нарса ёки қисмлардан холи қилмоқ.* 3. *Номақбул киши, нарса ва ш.к.дан холи қилмоқ, уларни йўқ қилмоқ*” маънолари<sup>77</sup> сўз семантик структурасидан ўрин олган бўлиб, нутқ жараёнида сўзловчининг коммуникатив нияти асосида улардан бири юзага чиқади. Бироқ “*Уйни тозалади*” гапида уй тозалангунга қадар ифлос бўлганини акс эттирувчи “*Уй ифлос (ёки чанг) эди*” пресуппозицияси ҳам ифодаланади. Маълумки, уйни тозалаш ҳаракатини амалга ошириш учун уй чанг ёки ифлослик ҳолатида бўлиши лозим. Мана шу мантиқий кетма-кетлик ҳамда *тозаламоқ* лексемаси семантик структурасидан ўрин олган *чанг, ифлослик* компонентлари таъсирида айти гапда пресуппозицияга йўл очилади. Бундай ҳолатда лексема семантикаси ва прагматик маъносининг бир нуқтада туташуви кузатилади. Демак, сўз маъноси ва унинг нутқий қўлланишдаги прагматик хусусияти бир-биридан фарқли жиҳатга эга. Р.Познер ҳам ўз вақтида лингвистик тавсифдаги бу фарқ сўз маъноси ва унинг

<sup>76</sup> Бутаева О.Г. Соотношение прагматического и семантического компонентов в структуре значения слов // <http://study-english.info/article123.php>

<sup>77</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, – 2008. – Б. 133.

нутқий кўлланиши ўртасидаги алоҳидаликка асосланиши лозимлигини қайд этган эди<sup>78</sup>

Пресуппозиция прагматик ҳодиса сифатида тил бирлигининг нафақат контекст, нутқий вазият, балки тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, тил кўникмаси каби ташқи омилларни ҳам қамраб олади. Пресуппозиция қайд этилган ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага чиқса-да, моҳиятан моддий қобиғига эга бўлмаган, контекст орқали имплицит тарзда реаллашувчи ахборот ҳисобланади. Мазкур ахборот ишора сигналига эга бўлганда, у лингвистик пресуппозиция мақомига эга бўлади. Пресуппозиция контекст орқали реаллашса-да, аммо у ифода этган ахборот контекстдан ташқари ҳолатда бўлади. Масалан, “ – Мана шу узумни олдим холос ” (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”) гапида холос юкламаси орқали англашилган “Бошқа узум олмадим” пресуппозицияси берилган гап орқали юзага чиқса-да, бу ахборот айни гапнинг синтактик структурасида ўз моддий қиёфасига эга эмас. Украин олими Н.К.Кравченко пресуппозиция ва импликацияни бир-биридан фарқлар экан, импликациянинг ҳар қандай ҳолатда ҳам контекст, матнга алоқадор бўлиши, пресуппозициянинг эса контекстга боғлиқ эмаслиги, унинг матндан ташқаридаги ахборот ҳисобланишини қайд этади.<sup>79</sup> Бироқ бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, пресуппозиция (бу ўринда прагматик пресуппозиция) муайян контекст орқали воқеланар экан, уни контекст билан бутунлай алоқасиз деб бўлмайди. Контекстда пресуппозицияга у ёки бу даражада дахлдор бўлган бирликлар ҳам иштирок этади.

Пресуппозицияга хос муҳим жиҳатлардан бири тил бирлигининг “ички имконияти”ни намойиш этишдир. Пресуппозиция ҳисобига тил бирлигининг бевосита кузатишда берилмаган семантик хусусияти юзага чиқади. Пресуппозицияда нутқ объекти ҳақидаги кўшимча маълумот яширин ифодасига эга бўлади. Бу маълумот баъзан гапда

---

<sup>78</sup> Бутаева О.Г. Кўрсатилган мақола.

<sup>79</sup> Кравченко Н.К. Пресуппозиция, импликация, имплицатура, эксплицатура: к проблеме разграничения терминов // [Мова і культура. – 2012.](#) – Вип. 15. Т.1. – С. 227.

акс этган пропозицияга зид характерда бўлса, баъзан мазкур пропозицияни семантик жиҳатдан тўлдиради.

М.Ҳакимов бу ҳақда фикр юритар экан, пресуппозиция гап орқали баён қилинган асосий пропозициянинг акс мазмунидан иборат деган хулосага келади. Унинг фикрича, пресуппозициянинг асосий белгиси матн орқали баён қилинган пропозицияга – ҳукмга зид тарзда мазмуний муносабатнинг англанишидир.<sup>80</sup> Бироқ гапда воқеланган пресуппозиция ҳар доим ҳам очик ифодаланган пропозицияга семантик жиҳатдан зид бўлавермайди. Масалан, “*Яна эътироз билдирдим*” гапида ифодаланган «*Олдин ҳам эътироз билдирган эдим*» пресуппозицияси гапнинг пропозитив структурасини семантик жиҳатдан тўлдиради холос. Бундай гапларда пресуппозиция гапда акс этган пропозицияга тўғри пропорционал бўлади.

Синтактик сатҳда пресуппозиция тилдаги тежаш тамойилининг маҳсули ҳисобланади. Бу хусусият, айниқса, гапда ёрқин намоён бўлади. Тежаш тамойили ҳисобига муайян гапни содда шаклда баён этиш имконияти мавжуд бўлади ва бунда, албатта, пресуппозиция ёрдамга келади. Пресуппозиция тежаш ҳисобига гапда бевосита ифодаланмаган ахборотнинг айна синтактик қурилмада яширин тарзда юзага чиқишига йўл очади. Англашиладики, пресуппозиция гапда моддий жиҳатдан акс этмайди. Бироқ бундай гап ташқи сигнали – пресуппозицияга ишора қилувчи бирликка эга бўлади.

Пресуппозиция ҳодисасини ўрганар экан, З.Бурханов лингвистик пресуппозицияга хос қуйидаги энг умумий белгиларни ажратади:

«1. Лингвистик пресуппозиция тил бирлигининг контекст, нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг воқелик ҳақидаги умумий билимлари ҳамда тил кўникмалари билан боғлиқ жиҳатларини акс эттиради.

2. Лингвистик пресуппозиция синтактик структурада яширин ифодасига эга бўлган вазият ифодаси ҳисобланади.

---

<sup>80</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 120.

3. Лингвистик пресуппозиция гап ташки структурасида бевосита акс этмайди, аммо гапнинг семантик структураси орқали яширин ифодасига эга бўлади.

4. Лингвистик пресуппозиция синтактик структурада муайян ташки сигналлари – ишора воситаларига эга бўлади.

5. Лингвистик пресуппозицияда нутқ иштирокчиларига олдиндан маълум воқелик ифодаси ўз аксини топади.

6. Лингвистик пресуппозиция асосий ҳолларда тилда амал қилувчи тежаш тамойили асосида юзага чиқади. Тежаш тамойилига кўра синтактик қурилма таркибидан тушириб қолдирилган гап узвининг вазифасини шу қурилмадаги бошқа бирлик зиммасига юклатиш асосида шаклий ихчамликка эришиш лингвистик пресуппозиция ёрдамида амалга оширилади.

7. Лингвистик пресуппозиция пропозиция билан бир қаторда гапнинг семантик тузилишида иштирок этади ва ҳар қандай гапни мазмунан мураккаблаштиради. Бунинг натижасида гапда шакл ва мазмун бирлиги бузилади.

8. Лингвистик пресуппозиция гапда бевосита ифодаланган пропозицияга семантик жиҳатдан алоқадор бўлган ахборотни акс эттиради ва асосий ҳолларда айти пропозицияга семантик жиҳатдан зидланади».<sup>81</sup>

Албатта, қайд этилган хусусиятлар гапда акс этган пресуппозициянинг умумий моҳиятини очиб беради. Бироқ пресуппозиция гапдан бошқа бирликларда ҳам кузатилади. Хусусан, тилдаги айрим лексемалар матнга боғлиқ бўлмаган ҳолда луғавий маъноси асосида бевосита пресуппозицияга ишора қилиб туради. Масалан, *бева* лексемаси луғавий маъноси асосида “*эри ёки хотини ўлган ва бошқа турмуш қилмаган; тул*”<sup>82</sup>ни ифода этади. Шу билан бирга, айти лексема орқали “*Илгари оила қурган аёл (ёки эркак)*”, “*Балогат ёшидан ўтган аёл (ёки эркак)*” каби прагматик маънолар

<sup>81</sup> Бурханов З. Кўмакчили қурилмалар пресуппозицияси // Педагогик таълим. 2004. – № 3. – Б. 61-62; Шу муаллиф. Ўзбек тилида кўмакчилар прагматикаси. – Тошкент, 2006. – 72 б.

<sup>82</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 5 жилдли, 1– жилд. 2006. – Б. 203.

ҳам англашилади. Бу маънолар мазкур лексеманинг пресуппозицияси сифатида юзага чиқади. Шунингдек, пресуппозиция ҳодисаси тил эгаларининг ёши, гендер жиҳати каби индивидуал хусусиятлари билан боғланган ҳолда тадқиқ этилганда ҳам ўзига хос томонларини намоён этади. Шу боис бу ҳодисани тил эгаларининг қайд этилган жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда ҳам текшириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида пресуппозиция турли кўрсаткичлар асосида ҳар хил таснифланмоқда. Бироқ қайд этиш лозимки, тилшунослар пресуппозиция таснифида ҳам яқдил фикрда эмаслар. Н.Д.Арутюнова *прагматик* ва *коммуникатив пресуппозиция*ни фарқлаган. Унинг фикрича, прагматик пресуппозиция нутқий мулоқотнинг самарадорлигига жавоб беради, коммуникатив пресуппозиция эса адресатга тасвирланаётган вазият ҳақида маълумот бериши билан характерланади.<sup>83</sup>

Н.Фэйрклау пресуппозицияни *экзистенциал*, *пропозиционал*, *қиймат/баҳо ифодаловчи пресуппозиция* каби турларга ажратган.<sup>84</sup>

Ф.Кифер *лексик*, *лексик бўлмаган*, *экзистенционал*, *ноэкзистенционал*, *якка*, *умумий* ва *универсал* пресуппозицияларни фарқлади.<sup>85</sup>

Ш.Сафаров прагмалингвист Г.Юл томонидан пресуппозициянинг *экзистенциал*, *фактив*, *нофактив*, *лексик*, *структуравий*, *контрфактив* турлари ажратилганлиги ҳақида маълумот беради. Ш.Сафаровнинг қайд этишича, структуравий пресуппозиция (structural presupposition) қуйидаги сўроқ гапларда намоён бўлади: (г) «*У қачон кетди?*» = «*У кетган*»; (д) «*Велосипедни қаердан сотиб олдинг?*» = «*Сен велосипед сотиб олгансан*».<sup>86</sup> Олим бундай

---

<sup>83</sup> Арутюнова Н. Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известия Академии наук СССР. Серия литературы и языка. – М.: Изд-во АН СССР, 1973. Т. XXXII. Вып. 1. – С. 89.

<sup>84</sup> Fairclough N. Textual analysis for social research // [www.fd.unl.pt.amh\\_ma\\_4763](http://www.fd.unl.pt.amh_ma_4763)

<sup>85</sup> Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. – М., 1978. – С. 367.

<sup>86</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 114-115.

гапларда пресуппозициянинг ифодаланишини гапда сўроқ олмошли структуранинг қўлланиши билан боғлаган.

Тилшуносликда пресуппозициянинг яна бошқа кўрсаткичлар асосидаги турлари ҳам қайд этилган. Жумладан, С.В.Первухина ҳуқуқ соҳасига мансублигига кўра пресуппозицияни қуйидагича таснифлаган: *интертекстуал, ички интизомий (внутридисциплинарные), интизомлараро (междисциплинарные) пресуппозиция.*<sup>87</sup>

В.В.Долгоруков прагматик пресуппозициянинг алоҳида тури сифатида *эпистемик пресуппозицияни* ажратган. Бундай пресуппозицияда сўзловчи ва тингловчининг улар томонидан муҳокама этилаётган жумлани билишлари ёки тахмин қилишлари тасвирланади.<sup>88</sup>

Тилшуносликда *семантик* ва *прагматик пресуппозицияни* фарқлаш кенг ўрин олган. Е.В.Падучеванинг фикрича, гапнинг семантик презумпция (яъни пресуппозиция)си S – тингловчи чин деб ҳисоблаши лозим бўлган, у учун тушунарли бўлган ҳукм; прагматик пресуппозиция эса шундай ҳукмки, у тингловчига нафақат чин, балки маълум ҳам бўлиши шарт.<sup>89</sup> Бошқача айтганда, жумланинг семантик жиҳатдан тушунарли бўлишини таъминловчи компоненти семантик пресуппозиция бўлиб, у жумла таркибида қўлланган махсус тил бирликлари орқали реаллашади. Прагматик пресуппозиция эса конкрет тил бирлиги орқали юзага чиқмайди, унинг воқеланишида нутқ вазияти, контекст, нутқ эгаларининг воқелик ҳақидаги умумий билимлари муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кунда тилшуносликда прагматик пресуппозицияни ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Пресуппозициянинг контекст, нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда реаллашуви уни

---

<sup>87</sup> Первухина С.В. Виды пресуппозиций в адаптированном тексте // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2013. – № 6 (24). Ч. I. – С. 165-168.

<sup>88</sup> Долгоруков В.В. Эпистемические пресуппозиции и классификация ассертивов // Эпистемология и философия науки. – М., 2017. Т. 51. – № 1. – С. 92-105.

<sup>89</sup> Падучева Е.В. Падучева Е. В. Понятие презумпции в лингвистической семантике // <http://codenlp.ru/wp-content/uploads/2015/09/presumption-77.pdf> – С. 7.



прагматик аспектада ўрганишни тақозо этади. Лингвистикада прагматик пресуппозиция сифатида нутқий актнинг самарадорлиги шарт, вазият билан боғлиқ бўлган пресуппозиция, фактик пресуппозиция, синтагматик пресуппозиция, сўзловчининг нутқ адресатининг хабардорлик даражаси ҳақидаги тушунчаси кабилар илгари сурилмоқда.<sup>90</sup>

Ш.Сафаровнинг маълумот беришича, прагматик пресуппозиция ҳодисаси талқинида икки йўналиш мавжуд: уларнинг биринчисида нутқий ҳаракатнинг жўялилиги ва самарадорлиги асосий мезон сифатида қабул қилинган. Иккинчи йўналишдаги талқинда прагматик пресуппозиция мулоқот иштирокчиларининг ахборот мавзуси, предмети ҳақидаги умумий билими, ишончи сифатида қаралади. Бунда коммуникатив фаолиятнинг ички ва ташқи шарт-шароитларининг когнитив идроки асосий ўринни эгаллайди. Бу кўринишдаги талқинда прагматик пресуппозиция бевосита матн таркиби, унинг қисмларининг ўзаро муносабати билан боғлиқ эканлиги аён бўлади.<sup>91</sup>

Дарҳақиқат, прагматик пресуппозиция бевосита контекст, нутқ вазияти, тил эгалари учун олдиндан маълум бўлган фон билимлар каби омиллар билан боғланади. Прагматик пресуппозициянинг тил эгалари учун олдиндан маълум бўлган умумий билимларга асосланиши унинг матн яратилишида когнитив асос вазифасини ўташини кўрсатади. Матнда тасвирланаётган объект ҳақидаги барча билимлар тил эгаларига олдиндан маълум бўлмаса, ушбу матнда акс этган пресуппозиция тингловчилар томонидан тўла қабул қилинмайди. Нутқ эгаси тасвирдаги объектнинг тил эгаларига олдиндан маълум бўлган жиҳатларини ошкора маълум қилиб ўтирмайди. Аксинча, матнда пресуппозиция орқали уларга ишора қилиб ўтади ва бу билан нутқий тежамлиликка эришади. Демак, пресуппозиция матн яратилишида муҳим ўрин тутаяди.

---

<sup>90</sup> Наумова Л.А. Пресуппозиции в логике и лингвистике // Философия: в поисках онтологии: Сборник трудов Самарской гуманитарной академии. – Самара: Издательство СаГА, 1998. – № Вып. 5. – С. 236-255.

<sup>91</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 120.

Тилшунослар прагматик пресуппозицияни ҳам турли жиҳатдан таснифлаб ўрганишмоқда. О.В.Шчербакованинг маълумот беришича, тилшунослар томонидан прагматик пресуппозиция қуйидагича таснифланган:

1. Прагматик пресуппозиция билимлар манбаига кўра қуйидаги турларга ажратилиши мумкин: а) шахсий тажриба асосида, ташқи оламни идрок этиш тажрибаси маъносида, эга бўлинган пресуппозиция; б) матнлар манбаси асосида эга бўлинган пресуппозиция (О.Б.Йокояма, Т.ван.Дейк, Т.Е.Владимилова).

2. Прагматик пресуппозиция аскиологик мақомига кўра қуйидаги турларга ажратилиши мумкин: а) дунё ҳақидаги шахсий билимларни намоиш этувчи пресуппозиция; б) баҳо муносабати ва эътиқодни намоиш этувчи пресуппозиция (Т.ван.Дейк, У.Кинч, Р.Столнейкер).

3. Прагматик пресуппозиция билимлар доирасига кўра қуйидаги турларга ажратилиши мумкин: а) борлиқ фактлари, ташқи оламнинг тузилиши қонуниятлари ҳақидаги билим ва баҳо муносабатлари (эътиқодлар)ни намоиш этувчи пресуппозиция; б) коммуникатив-лингвистик характердаги билимлар, ўз навбатида, бир томондан лексика, грамматика, стилистика, интонацион-просодик қоидалар мажмуи сифатида ажратилган тил билими; бошқа томондан, лингвопрагматик (конвенционал) билимлар, яъни контекст ёки мулоқот вазияти, тил эгалари ҳақидаги билим, коммуникатив мақсадга эришиш учун тил воситаларини қўллаш қоидалари ҳамда нутқий қўлланишларни бир хил талқин қилиш билимини намоиш этувчи пресуппозиция (Т.ван.Дейк, У.Кинч, Р.Столнейкер); в) оператив-дискурсив пресуппозиция, яъни дискурс асосида ҳосил бўлган, жумланинг ҳар бир бирлигини тушунишга имконият яратувчи ва қисқа муддатли хотирада сақланувчи ҳамда эҳтиёжга

кўра реаллашувчи билимнинг ўзига хос типи (В.З.Демьянков, М.Л.Макаров, Т.ван.Дейк, У.Кинч).<sup>92</sup>

Маълум бўладики, пресуппозиция таснифида турлича ёндашувлар мавжуд. Пресуппозиция олимлар томонидан қандай тасниф этилмасин, назаримизда, асосий эътибор уни юзага келтирувчи тил бирликлари, профессор А.Нурмонов қайд этганидек, пресуппозиция сигналлари<sup>93</sup> таҳлилига қаратилиши лозим. Пресуппозиция барча тилларда кузатиловчи универсал ҳодиса бўлса-да, турли тилларда пресуппозиция сигналлари бир-биридан фарқланади. Ҳар бир тилнинг ўзига хос пресуппозиция сигналлари шу тилнинг прагматик имкониятлари ҳақида маълумот бера олади.

Пресуппозициянинг моҳияти унга ишора қилувчи тил бирлигининг хусусияти билан боғлиқ. Хусусан, тилдаги лексик бирликлар лексик пресуппозицияни ҳосил қилади. Ўзбек тилидаги юкламалар пресуппозициясини монографик аспектда тадқиқ этган У.Раҳимов лингвистик пресуппозицияга ишора қилувчи тил бирликларини қуйидаги турларга ажратган:

1. Лексик воситалар.
2. Морфологик воситалар.
3. Синтактик воситалар.<sup>94</sup>

У.Раҳимов пресуппозицияга ишора қилувчи лексик воситаларга омоним, синоним, антоним сўзларни киритган; морфологик бирликларга сўз туркумлари категорияларини, кўмакчи ва юкламаларни; синтактик воситаларга сўроқ гаплар, ўхшатишли қурилмалар ва сўз тартибини киритган.<sup>95</sup>

Назаримизда, мазкур таснифда ўзбек тилидаги пресуппозицияга ишора қилувчи барча тил бирликлари қамраб олинмаган. Масалан,

---

<sup>92</sup> Щербакова О.В. Прагматические пресуппозиции как основание интерпретации газетно-публицистического дискурса (на материале интернет-версий британских газет): Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Ставрополь. 2009. – С. 9-10.

<sup>93</sup> Қаранг: Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаева. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 115.

<sup>94</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – Б. 9.

<sup>95</sup> Раҳимов У. Кўрсатилган тадқиқот.

боғловчилар, ундов, тақлид ва модал сўзларда ҳам пресуппозицияга ишора қилиш хусусияти кузатилади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган болалар нутқида ҳам пресуппозицияга ишора қилувчи турли-туман бирликлар қўлланилади. Болалар нутқида хос пресуппозиция сигналларини қуйидаги турларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин:

1. Пресуппозицияга ишора қилувчи лексик бирликлар.
2. Пресуппозицияга ишора қилувчи морфологик бирликлар.
3. Пресуппозицияга ишора қилувчи синтактик бирликлар.

Пресуппозициянинг ифодаланиши масаласини ўрганишда уни шакллантирувчи махсус индикаторларнинг ролини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга. Монографиянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ушбу бобда болалар нутқида воқеланган пресуппозиция билан боғлиқ айти шу жиҳатларни, яъни махсус ишора воситалари орқали пресуппозициянинг ифодаланиши масаласини таҳлил қиламиз.

## **2.2. Болалар нутқида лексик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши**

Ўзбек тилида айрим лексик бирликлар луғавий маъноси асосида, баъзилари нутқда иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида пресуппозиция сигналига айланади. Болалар нутқида қўлланган лексик бирликларнинг пресуппозицияни ифодалашда ҳам мазкур ҳолатлар кўзга ташланади.

Лексик бирликларнинг пресуппозицияга ишора қилишида уларнинг семантик хусусияти муҳим ўрин тутди. Баъзи лексик бирликлар нутқда қўлланганда уларнинг семантик компонентларидан бири бевосита юзага чиқса, бошқаси пресуппозиция орқали яширин ифодаланади. Бола нутқидан олинган қуйидаги мисолда пресуппозиция лексик бирликнинг семантик компоненти асосида юзага чиқади: – *Миробиддинхўжани сайлаймиз. Қаранглар, бўйни ҳам*

*оппоқ, кийимлари ҳам ювилган, дазмолланган.* (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”)

Ушбу нутқ парчасида қўлланган *ювилган* лексемаси орқали айни гапдан “*Миробиддинхўжанинг кийимлари тоза*” пресуппозицияси англашилади. Маълумки, *ювмоқ* лексемаси “сув (баъзан спирт, керосин, ва ш.к.) билан ишқаб тоза қилмоқ, кирини кетказмоқ”<sup>96</sup> луғавий маъносини англатади. *Ювмоқ* лексемасининг *тоза қилмоқ* семантик компоненти унинг пресуппозицияси сифатида юзага чиқади. *Дазмолланган* лексемаси ҳам гапда луғавий маъноси орқали пресуппозицияни шакллантиради. Бу лексеманинг “*ғижимини ёзмоқ*”<sup>97</sup> семантик компоненти асосида синтактик қурилмадан “*Миробиддинхўжанинг кийимлари ғижим эмас*” пресуппозицияси англашилади.

Шуниси характерлики, бу каби лексик бирликлар матн таркибида қўлланмаганда ҳам инсон тафаккурида пресуппозицияни тиклай олади. Бундай ҳолатда ҳам пресуппозицияга лексик бирликнинг семантик компоненти йўл очади. Тилшуносликда сўз маъноси билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган бу типдаги пресуппозиция семантик пресуппозиция сифатида эътироф этилади. Масалан, *қултум* лексемаси инсон тафаккурида *суюқлик* лексемасини ҳам жонлантиради. Ушбу лексема орқали суюқликнинг ҳам англашилиши унинг маъно компоненти (“Бир ютишли суюқлик миқдори, бир ютум”<sup>98</sup>) билан алоқадор.

Болалар нутқида *ўчирмоқ (чизилган), ёпиштирмоқ (йиртилган), тузатмоқ (синган)* каби муайян ҳаракат ва унинг амал қилишига туртки берган ташқи омиллар ҳақида маълумот ташувчи феъл лексемалар кўплаб учрайди. Бундай лексемалар ифода этган ҳаракат уни бевосита юзага келтирган воқеликка ишора қилиб туради. Масалан, Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи Меҳримоҳ Эсонова (4 ёш) нутқида қўлланган “*Кўғирчоғимми тузатиб беринг*” гапидаги

<sup>96</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати.– 5 жилдли, 5– жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 374.

<sup>97</sup> Кўрсатилган изоҳли луғат. 1-жилд. – Б. 544.

<sup>98</sup> Кўрсатилган изоҳли луғат. 1-жилд.– Б. 203.

*тузатмоқ* лексемаси орқали “*Кўзирчоғим синиб қолди*” пресуппозициясини англаш мумкин бўлади.

Ёки *қувмоқ* лексемаси ифода этган ҳаракат орқали уни келтириб чиқарган *қочиш* ҳаракатига ишора сезиларли. Бу ҳолат *қувмоқ* лексемаси орқали *қочмоқ* пресуппозициясининг ифодаланишига йўл очади. Бошқача айтганда, лексема англаган ҳаракатнинг амал қилишига туртки берган омил шу лексеманинг пресуппозицияси сифатида англашилиб туради. Қиёсланг:

*Шу пайтда Усмонни биров қувиб кетаётганини кўриб қолдим.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”) (*Усмон қочиб кетаётган эди*)

*Ножўя гап айтиб қўйган бўлсам керак, ойим катта калтакни олиб қувлашига тушди.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) (*Мен ойимдан қочдим*)

Болалар нутқида антонимик хусусияти асосида пресуппозицияни шакллантирувчи лексик birlikлар ҳам кенг қўлланади. Жумладан, *қуритмоқ* (*хўл бўлган*), *ёпмоқ* (*очилган*), *иситмоқ* (*совиган*) феъллари луғавий маънони ифодалашдан ташқари бир вақтда ўз антонимик жуфтига ишора қилиш хусусиятига ҳам эга. Бу ҳолат айни турдаги феълларнинг пресуппозицион хусусиятга дахлдор эканидан далолат беради. Масалан, “*Ойижон, кўйлагимни қуритиб беринг*” гапида қўлланган *қуритмоқ* лексемаси “*Кўйлагим хўл бўлди*” пресуппозициясини юзага келтиради.

Баъзан иборалар орқали уларнинг семантик зидига ишора қайд этилади. Бу ҳолат мактаб ёшидаги бола тилидан ифодаланган бадий матнларда кўп учрайди. Масалан, “*Бир нафасда ҳаммаёқ, ҳали айтганимдек, ёғ томса ялагудек бўлди-қолди*” (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) гапида қўлланган ибора орқали “*Ҳаммаёқ ифлос эди*” пресуппозицияси англашилади.

Болалар нутқида пресуппозициянинг ифодаланишида иккиламчи вазифаси асосида ҳаракатнинг юзага келишига туртки берган ташқи омилга ишора қилувчи лексемалар ҳам алоҳида ўрин тутади. Бундай лексик birlikлар пресуппозицияси доимо сабаб муносабатини акс эттиради. Масалан, “– *Кўзларинг юмилиб кетяпти...*” (Х.Тўхтабоев.

“Сарик девни миниб”) жумласида қўлланган *юмилиб кетяпти* лексемаси ҳаракат маъносини ифодалаш билан бирга, гапдан тушириб қолдирилган *уйқудан* лексемаси семантикасини юзага чиқаришни ҳам ўз зиммасига олади. Натижада айна лексик бирлик орқали “*Ухлагинг келяпти*” пресуппозициясига йўл очилади.

Албатта, бундай гапларда ифодаланган пресуппозициянинг тўғри англанишида контекст, нутқ вазияти муҳим ўрин тутди. Контекст асосида айна гапда уйқу билан боғлиқ хатти-ҳаракат ифодаси акс этганини англаш мумкин бўлади. Бундай ҳолатда матнда прагматик пресуппозиция воқеланади.

Тилшуносликда ном ифодаловчи лексик бирликларнинг мавжудликни билдирувчи пресуппозиция (экзистенциал пресуппозиция)ни шакллантириши қайд этилади. Е.В.Падучеванинг эътироф этишича, ҳар бир ном у ифода этган объектнинг мавжудлигини билдирувчи презумпция билан алоқадор. Муайян реал вақтда амалга ошадиган ҳаракатни англатувчи предикат иштирокидаги контекстда объектнинг мавжудлигини билдирувчи презумпция ушбу предикатнинг актанти бўлиб келган исталган ном билан боғлиқ бўлади. Олима “*Сын моей двоюродной сестры женился на зулуске*” гапини таҳлил қилар экан, бу гап семантикаси таркибига нутқ эгасининг аммавачча (ёки холавачча)си ҳамда унинг ўғли мавжудлигини билдирувчи презумпциялар киришини қайд этади.<sup>99</sup>

Дарҳақиқат, гапда қўлланган номлар унинг эгаси (шахс, ҳайвон, парранда кабилар) ёки бирор бир нарса-предмет, объектнинг мавжудлиги ҳақидаги хулосавий ҳукмни юзага келтиради. Назаримизда, бундай ҳукм мантиқий пресуппозицияга дахлдор. Чунки нафақат номлар, балки тилдаги ҳаракат-ҳолат, белги, микдор кабилар орқали ҳам уларнинг объектив мавжудлиги ҳақидаги мантиқий хулосани англаш мумкин. Қиёсланг: *Чақалоқ йиғлади.* (Объектив борликда чақалоқ ва йиғлаш ҳаракатининг мавжудлиги). *Оптоқ қор ёғди.* (Объектив борликда қор ва унга хос оқлик

---

<sup>99</sup> Падучева Е.В. Понятие презумпции в лингвистической семантике // <http://codenlp.ru/wp-content/uploads/2015/09/presumption-77.pdf>. – С. 8-9.

белгисининг мавжудлиги) *Иккита олма олди*. (Объектив борликда олма ҳамда унинг қатордаги тартибининг мавжудлиги) ва ҳоказо.

Болалар нутқида қўлланган номлар ҳам турли характердаги мантиқий пресуппозицияларни ҳосил қилади. Масалан, “– *Вой-бўй тирикмисан, хумпар, Тошкентга қачон келдинг?*” (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) гапидан ташқи оламда Тошкент номли шаҳарнинг мавжудлигини ифода этувчи пресуппозиция англашилади. Аммо биз бундай пресуппозицияни мантиқий пресуппозиция сифатида баҳолаймиз. Лингвопрагматика эса лингвистик моҳият касб этувчи пресуппозицияларни ўрганиши лозим.

Хуллас, болалар нутқида лексик бирликлар билан боғлиқ ҳолда семантик ва прагматик пресуппозициялар воқеланади. Пресуппозициянинг ифодаланишида тилнинг махсус воситалари (пресуппозиция сигналлари) билан бирга, нутқ вазияти, контекст, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, тил кўникмаси каби ташқи омиллар ҳам иштирок этади. Болалар нутқида лексик бирликлар билан боғлиқ ҳолда қуйидаги ҳолатларда пресуппозициялар ифодаланади:

1. Лексик бирликнинг семантик компонентларидан бири бевосита ифодаланганда, бошқасини яширин тарзда ифодаловчи пресуппозицияга йўл очилади.

2. Лексик бирликнинг луғавий маъноси асосида у англаган воқеа-ҳодисанинг юз беришига сабаб бўлган, унинг амал қилишига туртки берган омилларга ишора қилувчи пресуппозицияларга йўл очилади.

3. Лексик бирликнинг антонимик хусусияти асосида унинг зидига ишора қилувчи пресуппозицияга йўл очилади.

4. Лексик бирликнинг иккиламчи вазифаси асосида пресуппозицияга йўл очилади.



### 2.3. Болалар нуткида морфологик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши

Маълумки, ҳар қандай морфологик бирлик исталган нутқий қўлланишда пресуппозицияга ишора қилавермайди. Морфологик бирликларнинг нутқий вазият талаби ва нутқ эгасининг коммуникатив нияти асосида пресуппозицияни ифодалаш иларнинг грамматик табиати билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Морфологик бирликнинг пресуппозицион хусусияти контекст орқали юзага чиқади.

Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи турли морфологик бирликларни фарқлаш мумкин. Бу вазифада мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, тақлид, ундов, модал сўзлар ва ҳатто баъзи аффикслар ҳам кела олади. Пресуппозицияга ишора қилувчи морфологик бирликларнинг тил эгаларида турлича қўлланиш даражасини ҳисобга олмаганда ёш жиҳатдан фарқланишида деярли тафовут сезилмайди. Бундай бирликлар болалар ва катталарда ҳам деярли бир хил типдаги пресуппозицияларни юзага чиқаради.

Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи морфологик бирликларнинг кўлами ниҳоятда кенг, уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот объекти бўла олади. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида юкламалар, кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар пресуппозицияси муаммосининг махсус тадқиқот объекти бўлганлиги ҳам фикримизни далиллайди.<sup>100</sup> Бироқ бошқа морфологик бирликларнинг ҳам пресуппозицион хусусиятларини ўрганиш ўзбек морфопрагматикасининг долзарб вазифаси саналади. Пресуппозицияга ишора қилувчи ҳар бир морфологик бирликнинг алоҳида тадқиқот объекти бўла олишини инобатга олган ҳолда ишнинг ушбу бандида болалар нуткида қўлланган айрим морфологик бирликларнинг умумий пресуппозицион хусусиятларини ёритамиз.

---

<sup>100</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 23 б; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.

Маълумки, мустақил сўзлар ичида феъл бошқа сўзларга нисбатан пресуппозицияни ифодалашга кўпроқ мойил. Бу ҳолат айрим феълларнинг семантик табиатига алоқадор бўлса, айрим феълларнинг гаптаги функционал имкониятлари, иккиламчи вазифалари билан боғлиқ. Феъл туркумидаги морфологик бирликларнинг пресуппозицион хусусиятларини таҳлил қилган Ф.Жумаев феълларнинг гапта пресуппозицияга ишора қилишига имкон яратувчи ташқи ва ички омилларни ажратади. Унинг фикрича, феълларнинг семантик имконияти, факультатив маъно компоненти билан боғлиқ ҳолда пресуппозицияни ифодалаш ички омил бўлса, феълларнинг гапта пресуппозицияга ишора қилишига имкон яратувчи ташқи омилларга контекст, нутқий вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари, феъл англатган ҳаракатнинг воқе бўлиши билан боғлиқ объектив шарт-шароит кабилар киради. Феълларнинг бевосита кузатишда берилмаган прагматик вазифаси бу икки жиҳатнинг бир вақтда амал қилиши асосида юзага чиқади».<sup>101</sup>

Д.Лутфуллаева ҳам феълларнинг семантик табиати орқали пресуппозицияга йўл очилишини қайд этади. Унинг фикрича, ўзаро антонимик муносабатдаги феълларнинг нутқда бир-бирига ишора қилиб туришида контекст, нутқ вазияти тақозоси ҳамда тил эгаларининг бу феъллар семантикасига оид умумий билимлари муҳим ўрин тутаяди. Агар нутқий вазият *камаймоқ* феъли орқали кўпаймоқ ҳаракатининг ва аксинча, *кўпаймоқ* феъли орқали камаймоқ ҳаракатининг очиқ ифодасини тақозо этса, гапта бу феъллар орқали уларнинг зидини акс эттирувчи яширин ахборотга ишора шаклланмайди.<sup>102</sup>

Болалар нутқида семантик табиати орқали пресуппозицияга ишора қилувчи феъллар ҳам кенг қўлланади. Айрим феъллар

---

<sup>101</sup> Жумаев Ф. Феълларни прагматик йўналишда тадқиқ этиш масалалари // *Фан ва таълим*. – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 87-89.

<sup>102</sup> Лутфуллаева Д. Ўзбек тили феълларининг прагматик хусусиятлари // *Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни* (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент. ТДПУ, 2008. – Б. 152.

пресуппозиция орқали ҳаракатга қадар амал қилган ҳолатга ишора қилади. Масалан, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳаракатини англатувчи *кенгаймоқ* (*тор бўлган*), *тузалмоқ* (*касал бўлган*), *қаримоқ* (*ёш бўлган*), *пасаймоқ* (*баланд бўлган*) феълларида ҳаракатга қадар амал қилган ҳолат ҳақида маълумот берувчи пресуппозицияларга йўл очилади. Пресуппозиция айна феълларнинг антонимик хусусияти орқали юзага чиқади. Болалар нутқида ҳам бу турдаги феъллар кўплаб учрайди. Қиёсланг:

– *Лазакат хола ойимни тузатади-я?... (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)* (*Ойим касал*)

– *Дада, ойим касал бўлиб қолдилар! (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)* (*Ойим соғ эдилар*)

Баъзи феъллар семантикасида ҳаракат асосида юзага келган натижавий ҳолатга ишора кузатилади. Масалан, *қораймоқ* (*қора*), *қизармоқ* (*қизил*), *оқармоқ* (*оқ*), *кўнаймоқ* (*кўп*), *катталаймоқ* (*катта*) кабилар. Бундай феъллар белги белдирувчи асослардан ҳосил бўлгани учун уларнинг маъноси ясама сўз таркибида бутунлай ўчиб кетмайди. Бу маъно пресуппозиция ёрдамида феъл семантикаси орқали англашилиб туради. Мазкур турдаги феъллар ҳам болалар нутқида фаол қўлланиб, турли пресуппозицияларни ҳосил қилади. Масалан:

*Уй бурчагидаги эски палак лопиллади-да, дадам чиқиб келди. Юзлари қизарган... (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)* (*Юзлари қизил*)

Ҳолат феъллари ҳақида фикр юритар экан, профессор Р.Расулов бу каби феълларни ҳаракат натижасини англатувчи ҳолат феъллари деб ҳисоблайди. У ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълларида ҳолатга муаяйн ҳаракатдан ёки бирор ҳолатдан ўтилиши, ҳолатга ўтишда ҳаракатнинг баъзан аниқ «кўринишга» эга бўлиши, баъзан акси бўлишини, бунда ҳаракат ташқи таъсирга кўра яширинлиги, аммо аслида мавжудлиги билан муҳим эканини таъкидлайди.<sup>103</sup> У ҳаракат натижасини англатувчи бу каби ҳолат феълларининг қуйидаги турларини ажратади: а) ҳаракатдан биратўла ҳолатга

<sup>103</sup> Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Тошкент. 2005. – Б. 12.

ўтишни ифодаловчи феъллар; б) ҳаракат натижасида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъллар.<sup>104</sup>

Олим қайд этган ҳаракат натижасини англатувчи бундай феъллар орқали нутқда бир вақтда ҳаракат ва натижавий ҳолатни акс эттирувчи пропозициялар англашилади. Албатта, кейинги пропозиция пресуппозиция орқали яширин ифодаланади.

Болалар нутқида қўлланган умумтил лексикасига оид баъзи феъллар ҳаракатнинг табиий асосига ишора қилиш асосида пресуппозицияни шакллантиради. Бундай феълларда акс этган ҳаракатнинг юз бериши учун табиатда бошқа қандайдир хатти-ҳаракат амал қилиши лозим. Масалан:

*Она телефонда ўглини койиб шундай деди:*

– *Мен сенга айтдим-ку, сутнинг тошишига қараб тургин деб.*

– *Мен соатга қараб турдим, ахир, – хафа бўлганча гапирди ўғил.*

– *Сут соат 15 дан 13 дақиқа ўтганда **тошди**.* (“Бир сафда”)

Ушбу диалогик дискурсада қўлланган *тошмоқ* феъли англатган ҳаракатнинг амал қилиши учун сут қайнаб чиқиши лозим. *Тошмоқ* феълига хос бу жиҳат унинг семантикаси орқали англашилиб туради. Шу боис *тошмоқ* феъли бир вақтда айни ҳаракатнинг амал қилиши шарти ҳисобланган воқеликка ҳам ишора қилади. “**Сут соат 15 дан 13 дақиқа ўтганда тошди**” гапидан англашилувчи “*Сут қайнади*” пресуппозицияси *тошмоқ* феълнинг ҳаракатнинг табиий асосига ишора қилиб туриши орқали юзага чиқади.

Болалар нутқида қўлланган сифат, сон, равиш туркумига мансуб айрим морфологик бирликларда ҳам пресуппозицияни ифодалаш хусусияти кузатилди. Болалар нутқда белги ифодаловчи морфологик бирликлардан нисбатан кенг фойдаланишади. Буни болаларда белги (ранг, ҳажм, маза-таъм кабилар) ҳақидаги тасаввурнинг етакчилиги билан боғлаш мумкин. Болалар нутқида қўлланган белги билдирувчи морфологик бирликлар пресуппозиция сигнали вазифасида қўлланганда гапда бевосита акс этган пропозицияга зид характердаги пресуппозиция ифодаланади. Масалан, “*Катта синглим Ойшахон 4-*

<sup>104</sup> Расулов Р. Кўрсатилган асар. – Б. 12-15.

*синфда ўқийди*” (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”) гапида қўлланган *катта* сифатининг *синглим* оти билан муносабати асосида “*Кичик синглим ҳам бор*” пресуппозицияси ифодаланади. Албатта, мазкур қўлланишда *катта* сифатининг пресуппозицияни ифодалашига унинг нутқий қўлланишда юзага чиққан “*белгилар ичидан ўзи мансуб бўлган белгини ажратиш кўрсатиш орқали бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлигига ишора қилиш*” грамматик вазифаси йўл очади. *Катта* сифатининг бу вазифаси орқали гапда қўшимча ахборот юзага чиқади.

Бадий матнда бола тилидан ифодаланган қуйидаги мисолда ҳам пресуппозиция сифат туркумидаги бирликнинг нутқий грамматик вазифаси асосида юзага чиққан: *Усмон укам сўнгни кунларда ёғоч миниб ўйнайдиган одат чиқариб олган.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Кўринадики, *сўнгни* сифати муайян воқеликни аввалгисидан ажратиш кўрсатиш вазифасини ҳам бажарган. Сифатнинг бу грамматик вазифаси орқали гапда “*Усмон укам авваллари ёғоч миниб ўйнамас эди*” пресуппозицияси шаклланган.

Шуниси характерлики, белги билдирувчи морфологик бирликлардан ҳосил бўлган ясама феълларда ҳам пресуппозицияга ишора бутунлай ўчиб кетмайди. Жумладан, *озод бўлмоқ, ифлос бўлмоқ, кир бўлмоқ, ёмон бўлмоқ, яхши бўлмоқ* каби кўшма феълларнинг белги билдирувчи таркибий компоненти орқали гапда пресуппозицияга ишора юзага келади. Шу сабабли бундай феъллар иштирокида тузилган синтактик қурилмалар доим семантик жиҳатдан мураккаблашади. Масалан, “– *Аббосов, нега сен кир галстук тақиб келдинг? – сўради муаллим. – Янгисини тақсам, кир бўлиб қолади-да, – ҳазилга олиб деди Акром*” (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”) мисолида қўлланган *кир бўлиб қолмоқ* феъли “*Янги галстугим тоза*” пресуппозициясини ҳосил қилади.

Баъзан нутқ жараёнида болалар томонидан, катта ёшдаги тил эгалари нутқида қайд этилгани каби, морфологик бирликларга иккиламчи вазифа юклатилиши кузатилади. Синтактик структурадаги

морфологик бирликка иккиламчи вазифа юклатишда унинг грамматик-семантик табиатига асосланилади. Масалан, “*Ойижонимнинг кўзлари йиғидан қизариб кетибди*” гапида қўлланган *йиғидан* лексемаси орқали кўзнинг қизаришига сабаб бўлган воқеликка ишора қилинади. Шу сабабли айни гапдан “*Ойижоним кўп йиғлабдилар*” пресуппозицияси англашилади. Жараён отини англатувчи *йиғидан* морфологик бирлиги *йиғлашдан* феъли англатган маъно ва вазифада келгани боис, гапда қайд этилган пресуппозицияга йўл очилган.

Болалар нутқидан олинган қуйидаги мисолларда эса сон туркумидаги морфологик бирликлар орқали турли пресуппозициялар ифодаланган:

1. *Эшикни очгач, ойижонимнинг биринчи саволи шу бўлди.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

2. *Орамизда битта аълочи бор.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Дастлабки мисолда қўлланган *биринчи* тартиб сони орқали “*Ойижоним бошқа саволлар ҳам берди*” пресуппозицияси англашилади. Бу тартиб сон бир вақтда “*нарса-предметлар орасидан дастлабкисини ажратиб кўрсатиш*” грамматик вазифасини ҳам бажарган. Соннинг нутқий қўлланишда юзага келган бу грамматик вазифаси орқали гапда пресуппозицияга йўл очилган. Бу каби тартиб сонлар *марта, бор, бўлиб* лексемалари билан бирга қўлланганда ҳам гапда турли характердаги пресуппозиция ифодаланади. Масалан, бола нутқида қўлланган қуйидаги тартиб соннинг “*ҳаракат бажарилишини пайт жиҳатдан чегаралаш*” грамматик вазифаси асосида гапда зид характердаги пресуппозиция юзага келган:

*Бунақа кўрқоқ итни биринчи марта кўришим.* (Н.Фозилов. “Болалигим - пошшолигим”) (*Бунақа кўрқоқ итни аввал кўрмаганман*)

Аммо тартиб сон “*муайян субъектни у амалга оширган ҳаракат пайти асосида бошқаларга қиёслаш*” грамматик вазифасини адо

этганда гапда бевосита ифодаланган пропозиция характерига зид бўлмаган пресуппозиция шаклланади. Масалан:

*Ўша оқшом биринчи бўлиб Сепкилли хола чиқди.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”) (*Бошқалар Сепкилли холадан кейин чиқишди*)

Бола нутқида қўлланган “*Орамизда битта аълочи бор*” гапида эса *битта* сони миқдорни ифодалашдан ташқари “*нарса-предметлар орасидан фақат биттасини ажратиб кўрсатиш*” грамматик вазифасини ҳам адо этган. Унинг бу вазифаси асосида гапда “*Орамизда бошқа аълочи йўқ*” пресуппозициясига йўл очилган. Бундай ҳолатда *битта* сони юклама билан қўлланган *биргина* сони билан эркин алмашилиб қўллана олади.

Баъзан *битта* сони орқали “*нарса-предметнинг яккалигини таъкидлаш*” грамматик маъноси ҳосил қилинади. Бундай вақтда гапда шу турдаги ўзга нарса-предметларнинг мавжуд эмаслигини ифода этувчи пресуппозиция ифодаланади. Қиёсланг:

*Қизиқ, қанақа катта опам? Ўзи битта опам бор-ку.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”) (*Бошқа опам йўқ*)

Кўринадики, таҳлил этилган мисолларда сон туркумидаги бирликлар морфологик имкониятидан ташқари, нутқда қўшимча грамматик вазифага ҳам эга бўлган. Сонларга юклатилган нутқий грамматик вазифа асосида уларнинг прагматик хусусияти намоён бўлган.

Шунингдек, ўзбек тилида баъзи равиш туркумига мансуб морфологик бирликлар орқали гап пресуппозиция ифодаланади. Масалан, бола нутқида қўлланган қуйидаги мисолда *сал* равиши орқали пресуппозициянинг ўзига хос тарзда ифодаланганлигига гувоҳ бўламиз:

– *Сен кимнинг қизисан? – Ойимларнинг қизлариман.*

– *Яна кимнинг қизисан?*

– *Янами? Сал-пал дадамларнинг қизлариман.* (М. Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”) (Тўлиқ тарзда дадамнинг қизлари эмасман)

Болалар нутқида қўлланган ёрдамчи сўзлар орқали ҳам турли пресуппозицияларнинг ифодаланиши кузатилади. Ёрдамчи сўзлар факультатив вазифаларида пресуппозицияни ифодалашга хизмат қилади. Жумладан, кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар синтактик муносабатни ҳосил қилиш билан бирга, гапда иккиламчи вазифада, яъни тежаш тамойили асосида гапда қўлланмаган бўлак семантикасини акс эттириш вазифасини бажарганда пресуппозицияга ишора қилади.

Кўмакчи ёки унга вазифадош келишикнинг пресуппозицияни ифодалашда унинг грамматик маъноси муҳим ўрин тутди. Масалан, “*Шу пайт девларникига ўхшаши йўгон овоз билан: – Хизмат, йигитча? – деб сўраб қолди*” (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”) мисолида қўлланган *ўхшаши* кўмакчиси орқали “*Девларнинг овози йўгон бўлади*” пресуппозицияси ифодаланади. Гапнинг шаклан ихчамлаштирилиши ва бу жараёнда синтактик структурада бевосита ифодаланмаган “*Девларнинг овози йўгон бўлади*” ахборотининг *ўхшаши* кўмакчили қурилмаси орқали яширин ифода этилиши пресуппозиция ҳисобига амалга оширилган. Кўмакчининг *ўхшатиши* грамматик маъноси пресуппозициянинг шаклланишига имкон берган.

Болалар нутқида *ўхшаши* кўмакчиси билан бирга, унинг равишдош шакли – *ўхшаб* кўмакчиси орқали ҳам пресуппозициянинг ифодаланиши кузатилади. З.Бурхановнинг қайд этишича, “Бундай кўмакчили қурилмалар (*ўхшаб* кўмакчили қурилмалар – М.Қ.) ўхшатишга асосланган қиёс ёки зидлик асосида пресуппозицияга ишора қилади. Кўмакчили қурилма гап кесими билан семантик жиҳатдан боғланади. Шу сабабли гап кесими орқали англашилган ҳаракат, белги-хусусият кўмакчили қурилмада акс этган қиёсланувчига ҳам алоқадор бўлади. Бу ҳолат кўмакчили қурилма орқали пресуппозициянинг ифодаланишига йўл очади”.<sup>105</sup> Мазкур хусусият кўмакчи вазифасида қўлланадиган *бўлиб* ёрдамчисига ҳам тегишли.

---

<sup>105</sup> Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 49.



Ушбу кўмакчи ҳам айна шу грамматик маъноси (ўхшатиш) асосида гапда пресуппозицияга ишора қилади. Масалан, “*Хафа бўлганимни сездирмаслик учун, жўрттага, арслон бўлиб “ауууу” дея улидим-да, таиқарига чиқиб кетдим...*” (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) мисолида қўлланган бўлиб ёрдамчиси орқали гапдан “*Арслон “ауууу” деб улийди*” пресуппозицияси англашилади.

Шуниси характерлики, болалар ўхшаб кўмакчиси ўрнида унинг *каби, сингари, янглиз* нутқий синонимларини деярли қўллашмайди. Бу ҳолат кўмакчиларнинг нутқнинг турли услубларига хосланиши жиҳатидан фарқланишини ва бу белги болалар нутқида муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Аксинча, болалар нутқида ўхшаб кўмакчиси ўрнида *-дек (-дай)* аффикслари унумли қўлланади. Бу аффикс болалар нутқида фаол қўлланадиган пресуппозиция сигналларидан бири бўлиб, турли характердаги пресуппозицияларнинг ифодаланишига йўл очади. Яъни:

1) ўхшатиш муносабатини ҳосил қилганда гап кесими орқали ифодаланган пропозиция характерига мос пресуппозицияни шакллантиради. Агар гап кесими орқали шаклланган пропозиция тасдиқ характерида бўлса, пресуппозиция ҳам тасдиқни англатади ва, аксинча, пропозиция инкор характерида бўлса, пресуппозиция ҳам инкор характерида шаклланади;

2) қиёс муносабатини ҳосил қилганда гап кесими орқали шаклланган пропозицияга зид характердаги пресуппозицияни юзага келтиради. Қуйидаги мисолларни таҳлил қиламиз:

1. *Бир ҳафта давомида қишлоғимиз ухламади ҳисоб. Қайнар булоқдек биқирлаб қайнаб турди. Каттаю кичик кўчада.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

2. *Акрам қизил автобусчасини кўчага олиб чиқди. Уни Шавкат иккаласи навбатма-навбат йўлка асфальтига ишқаб юргиза бошлаиди. Шавкат Акрамдан каттароқ ва кучлироқ эди. Шавкат юргизганда автобусча узоқроқ юрар эди. Шавкат нуқул:*

– *Сен мендай юргизолмайсан! Сен мендай юргизолмайсан!* – деб мақтанар эди.

Биринчи матнда -дек аффикси орқали ўхшатиш муносабати ҳосил қилинган. Матннинг “*Қайнар булоқдек биқирлаб қайнаб турди*” қисмидан “*Қайнар булоқ биқирлаб қайнаб туради*” пресуппозицияси англашилади. Кўринадики, ўхшатиш муносабатли бундай қурилмаларда гапда бевосита ифодаланган пропозиция ва яширин характердаги пресуппозиция тасдиқ ёки инкорни англатишига кўра бир-бирига тўғри пропорционал бўлади.

Кейинги матнда қўлланган -дай аффикси орқали эса қиёс муносабати ҳосил бўлган. Матннинг мазкур аффикс қўлланган қисмидан гап кесими орқали ифодаланган пропозицияга зид характердаги пресуппозиция англашилади.

Маълумки, мактабгача ёшдаги болаларнинг сеvimли машғулотларидан бири ўйин ҳисобланади. Ўйин жараёнида бола турли ўйинчоқлардан фойдаланади, тенгқурлари билан мулоқотга киришади. Бу эса болада прагматик қобилиятнинг ривожланишига ёрдам беради. Г.Искандарова бу ҳақда шундай деб ёзади: “Бола ўз тенгқурининг ўйинчоқлари билан қизиқади, улар нималар қила олишини кузатади ва буни ўз имконияти билан таққослайди. Яъни, “*унда бор, менда йўқ*”, “*мен биламан, у билмайди*”, “*мен қила оламан, у қила олмайди*” каби туркум солиштирув мазмунидаги тасаввурлар пайдо бўлади...”<sup>106</sup> Мана шундай солиштирув тасаввури асосида ҳосил бўлган юқоридаги матнда бола нутқида қўлланган -дай аффикси қиёс муносабатини ҳосил қилиб, гапда акс этган пропозицияга семантик жиҳатдан зид бўлган “*Мен узоқроқ юргизаман*” пресуппозициясининг ифодаланишига йўл очган. – *Дай* аффиксида мазкур прагматик юкнинг мавжудлигини матнда муаллиф томонидан баён этилган “*Шавкат юргизганда автобусча узоқроқ юрар эди*” жумласи орқали ҳам сезиш мумкин.

---

<sup>106</sup> Искандарова Г. Речевое поведение в гендерном аспекте на примере детской речи // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2016. – № 4. – С. 62.

Мактаб ёшидаги болалар нутқида *қараганда, қараб, бошқа, ўрнига* каби пресуппозицияга ишора қилувчи кўмакчилар ҳам фаол қўлланади. Бундай кўмакчиларнинг пресуппозицияни ифодалашида ҳам катталар нутқида қайд этиладиган прагматик жиҳатлар кузатилади. Бола томонидан тузилган қуйидаги матнда *-дан бошқа* кўмакчили қурилмаси орқали пресуппозиция ифодаланган:

– *Кимлар йўқ?* – *Каримдан бошқа ҳамма бор, муаллим.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”) (*Карим йўқ*)

Қуйидаги мисолда эса *ўрнига* кўмачиси орқали бирдан ортик пресуппозиция ифодаланади: *Уларнинг меҳнатига ёрдамлашиши ўрнига ҳаммасини ишдан қўйдим-ку!* (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”) (*Уларнинг меҳнатига ёрдам бериши керак эди. Уларнинг меҳнатига ёрдам бермадим*)

Кўринадикки, баъзан бир гапда уни тўлиқ тушуниш учун ёрдам берадиган турли пресуппозициялар юзага чиқади. Бундай пресуппозицияларнинг ҳар бири воқеликнинг турли жиҳатларини қамраб олади.

Болалар нутқида қўлланган умумтил лексикасига мансуб юклама ва боғловчилар ҳам турли пресуппозицияларни ифодалаб келади. Масалан:

1. *Ўзи қишлоғимизда битта тўлиқсиз ўрта мактаб бор, холос.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”) (*Қишлоғимизда бошқа тўлиқсиз ўрта мактаб йўқ*)

2. *Кўзимга Миробиддинхўжа алвастидан ҳам хунук кўриниб кетди, назаримда.* (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”) (*Алвасти хунук бўлади*)

3. *Ана, яна мен айбдор бўлдим.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”) (*Аввал ҳам мен айбдор бўлган эдим*)

Болалар нутқида юкламаларнинг диалектал вариантлари ҳам кўп учрайди. Масалан: *Айни ёз чилласида аммам тагин келди.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”) (*Аммам аввал ҳам келган эди*)

Қуйидаги мисолда эса *лекин* боғловчиси орқали пресуппозицияга ишора қилинади:

*Ростини айтсам, шу пайтда менинг ҳам ана шу болалар билан эгатларга ёнма-ён тушиб олиб, мусобақалашиб, кетмон чопгим келиб кетди. Лекин ўзимни босиб, жиддий бир оҳангда: – Сизларга агроном керак эмасми? – деб сўрадим. (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”) (Болалар билан эгатларга ёнма-ён тушиб олиб, мусобақалашиб, кетмон чопмадим)*

Ўзбек тилида эгалик, келишик, кўплик аффикслари орқали ҳам турли пресуппозицияларга йўл очилади. Эгалик аффиксларининг грамматик маъноси асосида синтактик структурада нарса-предметнинг бирор кимса (ёки нарса)га тегишлилигини англатувчи пресуппозицияга йўл очилади. Масалан, “*Қизчанинг қўғирчоғи синган экан*” гапидаги *қизчанинг қўғирчоғи* бирикмаси орқали “*Қўғирчоқ қизчага тегишли*” пресуппозицияси ифодаланади. Умуман, матндан ташқари ҳолатда ҳам эгалик аффиксини олган исмлар орқали турли пресуппозицияларга йўл очилади. Қиёсланг: *кўйлагим – кўйлак меники, кўйлагинг – кўйлак сеники.*

Болалар нутқида баъзи ундов сўзлар орқали ҳам пресуппозициянинг ифодаланиши қайд этилди. Масалан:

– *Буви, сиз нега биз билан қовун емаяпсиз?*

– *Ҳа, қизим, рўзаман.*

– ***Вой, сиз бувисиз-ку?! (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)***

Берилган матндан “*Сиз рўза эмассиз, бувисиз*” пресуппозицияси англашилади. Пресуппозициянинг ифодаланишида *вой* ундов сўзининг ҳам ўрнини инкор қилиб бўлмайди. Аммо бу вазиятда контекстсиз пресуппозицияга йўл бекилади.

Худди шундай, келишик шакллари ҳам англатган грамматик маънолари асосида гапда турли пресуппозицияларни юзага чиқаради. Келишикларнинг бош вазифаси гап таркибида морфологик шаклларнинг тобе алоқасини таъминлашдир. Шу билан бирга, нутқий қўлланишда келишиклар прагматик вазифа ҳам бажара олади. З.Бурҳонов бу масалага муносабат билдирар экан, куйидагиларни баён қилади: “Келишикларнинг сўзшакли таркибида прагматик

вазифа бажаришга хосланиши – гапда муайян пресуппозицияга ишора қилиб, уни мазмунан мураккаблаштириши баъзи ҳолларда келишикнинг гапда англлатган грамматик маъноси таъсирида амалга ошса, баъзан гапнинг қўлланмаган узви семантик қиёфасини келишикли сўзшакли орқали тиклаш асосида юз беради. Албатта, бундай шароитда келишикларнинг бирламчи функцияси – гап таркибида сўзлар орасидаги синтактик алоқа-муносабатни ҳосил қилиш вазифаси бутунлай йўқолмайди. Келишикларнинг сўзшакли таркибида юзага чиққан прагматик вазифаси бирламчи вазифаси асосида унга қўшимча равишда юзага чиқади. Бундай вақтда келишиклар сўзларни ўзаро боғлаш билан бирга, сўзшакли таркибида пресуппозицияга ишора қилиб, мураккаб вазифани бажаришга хосланади.<sup>107</sup>

Дарҳақиқат, ўзбек тилидаги айрим келишик шакллари гапда нафақат синтактик муносабатни ҳосил қилиш, балки пресуппозицияни шакллантириб, гапнинг семантик структурасини мураккаблаштира олиш хусусиятини ҳам намоён қилади. Бу ҳолат болалар нутқида қўлланган келишикли қурилмалар орқали ҳам кузатилади. Масалан, “*Омон ёнидан пичоқни олиб берди*” (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) мисолида қўлланган *-дан* келишикли сўз шакли предметнинг жойлашган ўрни ҳақида маълумот берувчи “*Пичоқ Омоннинг ёнида эди*” пресуппозициясига ишора қилади.

Бу ўринда шуни қайд этиш жоизки, ўзбек тилида келишик шакллари ҳар доим ҳам пресуппозицияни ифодалавермайди. Келишик шаклларининг прагматик юк олиши юқорида қайд этилганидек, муайян омиллар асосида юз беради. Берилган гапда *-дан* келишигининг “иш-ҳаракат қаратилган предметнинг жойлашган ўрни” грамматик маъноси асосида пресуппозицияга йўл очилган.

Болалар ҳам катталар каби *-лар* кўплик шакли орқали нарса-предметнинг миқдор жиҳатдан кўплигини англлатувчи турли пресуппозицияларни ифодалашади. Масалан, Тошкент шаҳар

---

<sup>107</sup> Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 68.

шевасида сўзлашувчи Меҳрангиз Эсонова (4 ёш) нутқида қўлланган “– *Ўйинчоларимми ўйнавомман*” гапида *-лар* аффиксининг грамматик маъноси таъсирида “*Ўйинчоқларим кўп*” пресуппозицияси шаклланган.

Умуман, ўзбек тилида грамматик маъно ифода этувчи бошқа аффиксларда ҳам уларнинг грамматик маъноси билан боғлиқ ҳолда синтактик структурада турли пресуппозициялар шаклланади. Бу ҳақда фикр юритар экан, Е.В.Падучева куйидагиларни баён қилади: “Деярли барча тўлақонли (синтактик бўлмаган) грамматик категориялар, хусусан, сон категорияси ҳам унга мувофиқ маънони инкор таъсирига берилмайдиган презумпция (пресуппозиция – М.Қ.) шаклида ифода этади, тасдиқ эса гапнинг предикативликни акс эттирувчи компоненти орқали ифодаланади”.<sup>108</sup>

Албатта, морфологик бирликларнинг пресуппозицияга ишора қилиши уларнинг грамматик табиати, семантик имконияти, нутқда қандай вазифани бажараётгани, нутқ эгасининг коммуникатив мақсади каби қатор омилларга боғлиқ. Кўмакчилар пресуппозицияси ҳақида фикр юритар экан, З.Бурҳонов кўмакчили қурилмаларнинг нутқда тежаш тамойили асосида синтактик структурада моддий шаклланмаган ёки таркибий қисми тушириб қолдирилган гап узвининг мазмунини тиклаш, унга ишора қилиш вазифасини бажарганда пресуппозицияни ифодалашга хосланишини қайд этади.<sup>109</sup>

Албатта, мазкур хусусият барча морфологик бирликлар учун бирдай хос эмас. Ёрдамчи сўзлардан фарқли тарзда мустақил сўзларнинг пресуппозицияни ифодалашда уларнинг семантик табиати, маъно компонентлари, нутқий-функционал имконияти кабилар муҳим ўрин тутаяди.

Хуллас, болалар нутқида қўлланган айрим морфологик бирликлар пресуппозицияни ифодалаб, нутқни семантик жиҳатдан

<sup>108</sup> Падучева Е.В. Понятие презумпции в лингвистической семантике // <http://codenlp.ru/wp-content/uploads/2015/09/presumption-77.pdf> – С. 9.

<sup>109</sup> Бурханов З. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 5.

мураккаблаштиради. Морфологик бирликларнинг нутқий қўлланишида реаллашувчи бу хусусияти тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билими, нутқий малакаси, тил кўникмаси каби омиллар ҳисобига нутқий мулоқотни қийинлаштирмайди.

#### 2.4. Болалар нутқида синтактик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши

Болалар нутқ жараёнида турли-туман синтактик қурилмалардан фойдаланишади. Болаларга хос синтактик қурилмалар, кўпинча, қисқа, баъзан тўлиқсиз, тугалланмаган, узук-юлуқ шаклда, аммо боланинг воқелик ҳақидаги тасаввурини тўлиқ қамраб олиши билан характерланади. Болалар нутқида пресуппозициянинг сўз бирикмаси, гап ва ҳатто йирик матн орқали юзага чиқиши кузатилади.

Болалар нутқ жараёнида айрим синтактик бирликларни, хусусан, сўз бирикмаларини тайёр ҳолда лисоний захирасидан олишади. Бола лисоний захирасидан ўрин олган баъзи сўз бирикмалари нафақат айни шу бола нутқида, балки барча болалар нутқида ҳам бир хил пресуппозицияни шакллантира олади. Бундай сўз бирикмаларини универсал пресуппозиция сигналлари сифатида баҳолаш мумкин. Масалан, “– *Биринчи соатга бормаймиз...*” (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) гапида қўлланган *биринчи соат* сўз бирикмаси дейктик вазифаси (ўқув машғулотига ишора қилиш)дан ташқари ўқув машғулотининг кўплигини англатувчи пресуппозицияни ҳам шакллантиради.

Болалар нутқида гап шаклидаги ўзига хос нутқий қўлланишлар ёрдамида ҳам пресуппозиция ҳосил қилинади. Масалан, “*Ақромнинг бошидан ўтганларини кейин гапириб бераман, оғзим чарчаб кетди ахир... – деб қўйди Ҳошимжон*” (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) матнида қўлланган *оғзим чарчаб кетди* синтактик қурилмаси “*Кўп гапирдим*” пресуппозициясига ишора қилади.

Маълумки, болалар воқеликни бевосита ўз номи билан атайдилар. *Оғзим чарчаб кетди* бирикмасининг шаклланиши ҳам шу жараён билан боғлиқ. Бу бирикма орқали кўп гапириш ҳаракатига ишора қилинаётганлигини фақат контекст асосида англаш мумкин.

Болалар воқелик юзасидан муайян хулоса чиқаришда кўп ҳолларда ўзлари кузатган аниқ фактларга асосланадилар. Болалар нутқида акс этган бундай фактлар баъзан жумлага кўшимча ахборот юклайди. Бу ҳолат қуйидаги мисол таҳлилида кузатилади:

– *Ойи, нега йиғлаяпсиз?*

– *Йиғламаяпман, қизим.*

– *Кўзизда ёш бор-ку?* (Тошкент шаҳар шевасида сўзлашувчи Меҳримоҳ Эсонова, 4 ёш)

Берилган мисолда қўлланган “*Кўзингизда ёш бор-ку?*” жумласи орқали “*Йиғлаяпсиз*” пресуппозицияси англашилади.

Маълумки, кўз ёшига кўпинча йиғи сабаб бўлади. “*Кўзингизда ёш бор-ку?*” гапида пресуппозиция орқали айти шу фактга ишора қилинади. Пресуппозициянинг ифодаланишида *ёш* лексемасининг маъно компоненти ҳам муҳим ўрин тутган.

Болалар нутқининг прагмасинтактик жиҳатларидан бири шуки, унда пресуппозицияга ишора қилувчи риторик сўроқ гапларга кенг ўрин берилади. Болалар ҳам катталар каби риторик сўроқ гаплар орқали фикрни таъсирчан ифодалашга уринадилар. Масалан, “*Йўқ, айб қори поччамнинг ўзида экан. Ахир битта қоринга шунча нарса қайқдан сизсин!*” (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) гапидан инкор характердаги “*Битта қоринга шунча нарса сизмайди!*” пресуппозицияси англашилади. Бундай вазиятда риторик сўроқ гапларнинг синтактик структураси орқали пресуппозициянинг ифодаланишига йўл очилади.<sup>110</sup>

Қуйидаги мисолда ҳам синтактик конструкция орқали бир неча пресуппозициялар англашилади: Тўрт ёшли Камолага шундай савол беришди:

---

<sup>110</sup> Қаранг: Ҳайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 25 б.



– *Илон яхшими, ёмонми?*

– *Ёмон, – деди у.*

– *Илон чақадими, шунинг учун ёмонми?*

– *У сизга паишамики, чақади, унинг оёқлари йўқ-ку, – деди Камола жиддийлик билан.* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Мазкур мисолда “У сизга паишамики, чақади” конструкцияси орқали “Илон чақмайди”, “Илон паиша эмас”, “Паиша чақади” пресуппозициялари ифодаланган.

Болалар нутқида матн орқали юзага чиқувчи пресуппозиция ҳам кузатилади. Фикримизни қуйидаги матн кўриниши орқали асослаймиз:

*Сойнинг ўнг томонидаги ялангликда гиштлар уюми, қоп-қоп цементлар, ёғ билан тахта ер-кўкка сизмайди. Чап томонда эса скреперда адирларнинг наст-баландини текислашяпти.*

– *Дада, текислаб нима қилишади? – деб сўрадим кийимини алмаштираётган дадамдан.*

– *Бадантарбия майдончаси бўлармиш.*

– *Нарироқдаги чуқурча-чи, ертўла бўладими?*

– *Ертўлага бало борми. Болалар чўмиладиган цемент ҳовуз бўлади у ерда.*

– *Дада, ростдан ҳам болалар учун қуриляптими-а?*

– *Бўлмасам-чи.*

– *Фақат аълочилар дам оладими?*

– *Бўлмасам-чи.*

– *Дада, мен-чи, бу йил фақат “5” олиб ўқимоқчиман.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Берилган матндан “Мен ҳам аълочилар қаторида шу ерда дам оламан” пресуппозицияси англашилади. Бу пресуппозиция яхлит матн орқали юзага чиқади. Шу сабабли айни ҳолатда матн пресуппозиция сигнали вазифасини ўтайди.

Матннинг пресуппозицияни ифодалашга хосланишида унда қўлланган лексик ва лексик-грамматик birlikларнинг семантик

ҳамда синтактик муносабати муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат қуйидаги матн парчасида яққол кузатилади:

– *Оҳ-ҳо! Лагерь шунақанги маза бўлар эканки, шунақанги роҳатижон бўларканки... Лекин у ерга фақат аълочи ўқувчилар боради-да, сенга ўхшаганларни қабул қилмайди...* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Ушбу матн парчаси орқали англашилувчи “*Сен аълочи ўқувчи эмассан*” пресуппозицияси айна матнда *аълочи ўқувчи, сенга ўхшаганлар* сўз бирикмаларининг семантик муносабатини тақозо этади. Семантик муносабат асосида мантиқий тарзда *аълочи ўқувчилар* гуруҳидан *унга мансуб бўлмаганлар* ажратиб олинади. Бу ҳолат айна матнда пресуппозициянинг ифодаланишига йўл очади.

Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи Меҳрангиз Эсонова (3 ёш) нутқида қўлланган қуйидаги парчада лексик-грамматик восита матн пресуппозициясини юзага келтирган: – *Ойижон, циркка борйлик! Кеча бордик-ку!..*

Берилган матнда қўлланган “*Кеча бордик-ку!*” гапи орқали “*Бугун ҳам борайлик*” пресуппозицияси англашилади. Бола ўтган замонда бўлиб ўтган воқеликни онасига таъкид йўли билан эслатиш орқали унинг ҳозирги замонда ҳам амалга ошишини исташини ифода этган. Матндан англашилувчи бу пресуппозицияни *-ку* таъкид юкламаси ҳосил қилган. Бу юклама гапдан туширилса, пресуппозиция йўқолади. Қиёсланг: – *Ойижон, циркка борайлик! Кеча бордик.*

Ушбу нутқий парчада пресуппозициянинг шаклланишида *кеча* равишининг ҳам ўрни бордай туюлади. Бироқ унинг туширилиши ва синтактик структуранинг “*Борган эдик-ку*” тарзида тузилиши фикримизни тасдиқламайди. Демак, айна ҳолатда *-ку* юкламасининг пресуппозицияни ҳосил қилишида гап замони, воқелик нима ҳақида эканлиги ифода этилган контекст (матн) зарур бўлади. Шу сабабли бундай пресуппозицияни *матн пресуппозицияси* сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида “*Нни қаранг*” моделидаги феъл предикати кўчма маънода қўлланувчи синтактик қурилмалар

орқали ҳам пресуппозициянинг ифодаланиши кузатилади. Бундай синтактик қурилмалар орқали болалар катталарни бирор бир кимса, хусусан, тенгдошлари томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатдан хабардор қилиш мақсадини кўзлайдилар. “*Ўни қаранг*” моделидаги синтактик қурилмалар болаларнинг айна шу мақсадини намойиш этувчи турли пресуппозицияларга ишора қилади. Масалан:

1. – *Ака, Зулайҳони қаранг, қизил тошларимни олиб қўйди!* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”).
2. – *Ойи, Азизани қаранг, сочимни тортяпти!* (Наргиза Орипова, 3 ёш).

Биринчи мисолда қўлланган “*Зулайҳони қаранг*” синтактик қурилмаси “*Зулайҳога танбеҳ беринг*”, “*Зулайҳони уришиб қўйинг, қизил тошларимни берсин*” тарзидаги пресуппозицияларга, кейинги мисолда акс этган “*Азизани қаранг*” синтактик қурилмаси эса “*Азизани уришиб қўйинг, сочимни тортмасин*” тарзидаги яширин ахборотларга ишора қилади. Болаларнинг ўзигагина хос бўлган бундай синтактик қурилмалар ҳам матн пресуппозициясини ҳосил қилишда кенг қўлланилади. Албатта, “*Ўни қаранг*” моделидаги синтактик қурилма орқали ифодаланган пресуппозициянинг юзага чиқишида боланинг норозилигига сабаб бўлган воқеликни акс эттирган контекст (матн)га зарурат туғилади. Бундай контекстсиз матнда пресуппозиция юзага чиқа олмайди.

Болалар нутқида ўхшатишли қурилмалар кўп учрайди. Ўхшатишли қурилмалар пресуппозицияга ишора қилганда гап семантик жиҳатдан мураккаблашади. Болалар нутқ жараёнида ўз тасаввурлари доирасида ўхшатишли қурилмаларни ҳосил қиладилар. Болалар томонидан ҳосил қилинган айрим ўхшатишли қурилмаларда пресуппозиция орқали ўхшатиш объектининг муайян хусусиятларига ишора қилинади. Бу жиҳат қуйидаги матнда ҳам кузатилади:

– *Тўғри, – тасдиқлади муаллим, – хўш, разведкачи қанақа бўлиши керак?*

– *Ботир.*

– *Яна?*

– *Кўрқмас.*

– *Яна?*

– *Мушук...* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Назаримизда, бу ўринда боланинг разведкачига “*Мушук*” нисбатини беришига мушук ва разведкачига хос “*объектни синчковлик билан кузатиш*” умумий белгиси асос бўлиб хизмат қилган. Бола разведкачида ўлжасини тутиш ниятида писиб ётган мушук ҳолатини кўради. Мана шу тасавури асосида берилган “*Мушук*” жавоби орқали бола “*Мушук ўлжасини писиб ётган ҳолда кузатади, разведкачи ҳам объектни писиб ётган ҳолда синчковлик билан кузатиши керак*” пресуппозициясига ишора қилади. Бироқ асар давомида матнда акс этган мазкур пресуппозиция муаллиф томонидан ўзгача талқин қилинади ва бунда муайян мақсад кўзда тутилади. Қиёсланг:

*Мушук...* – Бу сўз Усмоннинг оғзидан чиқиши билан синфда яна секингина, билинар-билимас кулги кўтарилди. Розик тоғам ҳам кулимсираб “*яъни мушукдек чаққон бўлиши керак демоқчисан, шундайми?*” деб сўради. Усмон ҳа, деб тасдиқлагач, унга беш ёзиб қўй, деб тайинлади Ҳамроқулга.

Албатта, чаққонликни мушук ва разведкачига хос хислатлардан бири сифатида талқин этиш мумкин. Бироқ, бизнингча, разведкачи ва мушукни кўпроқ бу белги эмас, “*объектни синчковлик билан кузатиши*” умумий белгиси бир-бирига яқинлаштиради. Бундан маълум бўладики, болаларнинг оламини идрок этиши, олам ҳақидаги тасаввурлари катталардан фарқли тарзда кўпроқ сезги органлари асосида ҳосил қилинган ҳиссий билимларга асосланади. Бу ҳолат болаларга хос нутқий қўлланишларда ҳам ўз ифодасини топади.

Хуллас, ўзбек болалари нутқида пресуппозицияга ишора қилувчи турли тил бирликлари қўлланади. Улар нутққа қўшимча ахборот киритади ва матнни семантик жиҳатдан мураккаблаштиради. Бироқ бу ҳолат бола нутқининг тингловчи томонидан тўғри идрок этилишига зарар етказмайди. Тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги

умумий билимлари, тил билими ва кўникмалари нутқнинг осон тушунилишига ёрдам беради.

## III. БОБ. БОЛАЛАРГА ХОС НУТҚИЙ КОННОТАЦИЯ ВА БАҲО МУНОСАБАТИ

### 3.1. Коннотация ва баҳо муносабатининг прагматик моҳияти ва ўрганилиши

Инсон ташқи оламни тил орқали акс эттириши жараёнида ўз ҳис-туйғулари, кечинмалари, воқеликка бўлган муносабатини четлаб ўта олмайди. Ушбу жараёнда тил эгаси томонидан лисоний бирликларга қўшимча маъно, маъно оттенкалари қўшилиб боради. Тилшуносликда тил бирликларига ҳамроҳ бўлиб келувчи мана шундай қўшимча маънолар, маъно оттенкалари умумий ном билан **коннотация** деб юритилади.

Коннотация барча тилларда кузатилувчи универсал тил ҳодисасидир. Коннотация тор маънода амалий қўлланишдаги тилнинг экспрессив-эмоционал имкониятларини акс эттиради. Коннотациянинг тилнинг амалий қўлланиши жараёнида нутқ субъекти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқиши, контекст билан алоқадорлиги прагматик лингвистиканинг тадқиқот объекти эканини кўрсатади.

Маълумки, фанда **коннотация** тушунчаси (лотинча “*кон*” – бирга, “*notation*” – кўрсатиш) илк бор схоластик мантиқшуносликда қўлланган ва XVII асрда Пор-Роял грамматикаси орқали тилшуносликка кириб келган. XIX асрга келиб коннотация британиялик философ, мантиқшунос Ж.С.Милл томонидан мантиқий-фалсафий асосда талқин этилди. Ж.С.Милл коннотация ва денотацияни оппозитив муносабатда ўрганди ва **экстенция-интенция** мантиқий терминлари ўрнида **денотация-коннотация** лингвистик терминларини қўллади. Ж.С.Милл талқинида денотация белгининг экстенционал, коннотация эса интенционал мазмундир. У коннотацияни ном ифода этган субъект характеристикаси сифатида тушунди. Ж.С.Миллнинг фикрича, коннотацияга эга ном ҳам предметни, ҳам унинг белгисини кўрсатиши керак; коннотацияга эга

бўлмаган ном фақат предметни ёки фақат унинг белгисини акс эттиради. Масалан, *Лондон*, *Жон* сўзлари фақат предметга, *оқлик*, *саховат* сўзлари фақат белгига ишора қилади, шу боис улар коннотацияга эга эмас. Аммо *оқ*, *узун*, *саховатли* сўзлари коннотацияга эга. *Оқ* сўзи барча оқ рангли предметлар: қор, қоғоз кабиларни англатади, шу билан бирга, оқлик белгисига ҳам ишора қилади.<sup>111</sup>

Англашиладики, Ж.С.Милл талқинида коннотация сўзнинг ҳам луғавий, ҳам мантикий-ассоциатив маъноси билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Фақат XX асрдан бошлаб тилшуносликда коннотация сўзнинг денотатив маъноси устига қурилган кўшимча маъно сифатида талқин этила бошланди. Манбаларда бу даврда сўздаги ҳамроҳ маъноларнинг ўрганилиши масаласига оид дастлабки ишлардан бири сифатида К.О.Эрдманнинг “Сўз маъноси” китоби кўрсатилади. Т.Ходжаяннинг маълумот беришича, К.О.Эрдман сўз маъноси таркибини қуйидагича ажратган: 1) тушунча маъноси ((begrifflicher Inhalt); 2) ҳамроҳ маъно (Nebensinn); 3) ҳиссий баҳо (Gefühlswert).

К.О.Эрдман ҳамроҳ маъно ва баҳо муносабатини сўз ифодалаган тушунча билан бир хил даражада унга мансуб деб ҳисоблаган.<sup>112</sup> К.О.Эрдман талқинидаги ҳамроҳ маъно ва баҳо муносабати коннотация сифатида турли аспектларда ўрганиб келинди. Хусусан, коннотация семиотика (Л. Ельмслев, У. Эко, Ю.М. Лотман, Ю.С. Степанов), тилшунослик (Л. Блумфилд, Э. Ж. Уэтли, А. Пальяро, Ш. Балли, Н.Г. Комлев, О.С. Ахманова, Ю.Д. Апресян, Н.Д. Арутюнова, В.И. Говердовский, В.И. Шаховский ва бошқалар), прагмалингвистика (Ж. Остин, П. Грайс, Е. Бартмински, И.В. Арнольд, В.К.Харченко, А.В.Исаченко), психоллингвистика (А.Р. Лурия, А.Н. Леонтьев, А.А. Леонтьев, А.А. Залевская ва бошқалар),

<sup>111</sup> Қаранг: Ходжаян. Т. Коннотативные особенности цветообозначений в современном немецком языке. // <https://books.google.co.uz>

<sup>112</sup> Osgood Ch., Susi G.J., Tannenbaum P.H. The Measurement of Meaning. <https://www.amazon.com>

адабиётшунослик (А. Мартине, Р. Барт) соҳаларининг ўрганиш объектига айланди.

Коннотациянинг турли фан соҳаларида ўрганилиши масаласини таҳлил қилар экан, Т.Ходжаян В.Н.Телия каби бу ҳодиса тадқиқи билан шуғулланган куйидаги йўналишларни ажратади:

1. Семиотика йўналиши (Ельмслев Л., Барт Р.), бу йўналиш матнни прагматик интерпретация қилишда унумли ҳисобланади.

2. Психологик йўналиш (Леонтьев А.А., Залевская А.А., Ромметвейт Р., Портер М.С. ва б.), бу йўналиш ассоциация ва нутқни эмоционал ташкил қилиш тушунчаси ҳамда маданий-миллий аспект билан зич боғлиқ.

3. Лингвистик йўналиш (Балли Ш.), бу йўналиш стилистик, лексикологик, мамлакатшунослик (ёки лингвокультурологик) тармоқлардан ташкил топган.<sup>113</sup>

Биз коннотациянинг инсон омили билан боғлиқ ҳолда тил бирлигининг амалий қўлланишида реаллашувини инобатга олиб, бу ҳодисани прагмалингвистик аспектда тадқиқ этиш ҳақидаги олимлар қарашларини маъқуллаймиз.

Маълумки, дунё тилшунослигида узоқ йиллар давомида тил бирликларининг экспрессив-эмоционал хусусиятлари асосий ҳолларда стилистик тадқиқотлар доирасида ўрганилди. Муайян тилларда экспрессив-эмоционалликнинг ифодаланиши масаласига бағишланган ишларда ҳам коннотация кенг маънода стилистика билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилди.<sup>114</sup> Фақат XX асрнинг охирларидан бошлаб коннотация прагмалингвистиканинг ўрганиш объектига айланди. Бу йўналишда амалга оширилган ишларда сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда нутқий таъсирчанликни

---

<sup>113</sup> Ходжаян. Т. Кўрсатилган асар. .

<sup>114</sup> Назаров К. Об экспрессивно-стилистические особенностях употребление притяжательных аффиксов // Научные труды. – Ташкент, 1963. Вып. № 211. – С. 236; Солихўжаева С. Эмоционалликни ифодаловчи воситалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 5. – Б. 44; Миртожиев М., Тохиров З. Сўз маъносининг бўёғи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – Б. 23; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – 90 б.; Шу муаллиф. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 88 б.



ошириш, экспрессив-эмоционаллик, бўёқдорликни таъминлашга хизмат қилувчи мазкур ҳодисанинг лисоний табиати очиб берилди, унинг семантик турлари фарқланди.<sup>115</sup> Бунда асосий эътибор нутқда коннотатив маънонинг ифодаланиши усуллари, коннотацияни ҳосил қилувчи вербал ва новербал бирликлар, уларнинг матнда экспрессив-эмоционалликни ҳосил қилишдаги ўрни каби масалалар таҳлилига қаратилди. Коннотациянинг анъанавий талқини, яъни тил бирликларининг экспрессив-эмоционалликни акс эттириши (ҳиссий коннотация) замонавий талқинда эмоционал-баҳо тарзида ҳам ифода этилди.

Ўтган асрда олиб борилган тадқиқот ишларида коннотациянинг чегараси янада кенгайганлиги кузатилди. Коннотация доирасида тилда акс этувчи ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-этик, этнографик тушунчалар ҳам ўрганилди.<sup>116</sup> Назаримизда, бундай қараш лексик бирликларда денотатив ва коннотатив маъноларни бир-биридан кескин ажратмаслик, коннотатив маънони денотатив маъно таркибида белгилаш тенденцияси асосида юзага келган.

Коннотациянинг В.И. Говердовский томонидан ажратилган қуйидаги типлари ҳам унинг ўрганиш доираси анча кенгайганлигини

---

<sup>115</sup> Говердовский В.М. История понятия коннотации. – М., 1979. – 83 с.; Лебедева Е.Ф. Коннотативные способы выражения предположения в тексте художественного произведения // Лингвистический анализ текста. – Иркутск, 1985. – С. 69-74; Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – 143 с.; Арнольд И.В. Функции коннотативных значений слов в поэтическом тексте // Структура и семантика предложения и текста в германских языках. – Л., 1987. – С. 3-9; Бельчиков Ю.А. О культурном коннотативном компоненте лексики // Язык: система и функционирование. – М.: Наука, 1988. – С. 30-35; Арутюнова Н.Д. Истина: фон и коннотации // Логический анализ языка. – М., 1991. – С. 21-30; Апресян Ю.Д. Коннотация как часть прагматики слова // Изб. тр. Т.2. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М., 1995. – С. 156-174; Цоллер В.Н. Экспрессивная лексика: семантика и прагматика // Филологические науки. – М., 1996. – №6. – С. 62-71; Вострякова Н.А. Коннотативная семантика и прагматика номинативных единиц русского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 1998. – 271 с.; Арбузова Е.А. Прагматические особенности коннотации в организации текста (на материале английского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 152 с.; Чернец А.О. Проблемы эмотивности и коннотации // Некоторые вопросы общего и частного языкознания. – Пятигорск, 2001. – С. 3-9.

<sup>116</sup> Каранг: Говердовский В.И. Диалектика коннотации и денотации. Взаимодействие эмоционального и рационального в лексике // Вопросы языкознания. 1985. – № 2. – С. 71-79.

кўрсатади: контекстуал, тематик, тарихий-маданий, тарихий-лисоний, экспрессив-баҳо ифодаловчи коннотациялар.<sup>117</sup>

Сўнгги йилларда тилшунослар коннотациянинг алоҳида тури сифатида маданий коннотацияларни ўрганишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Илк бор Н.Г. Комлев томонидан ажратилган коннотациянинг бу тури тил бирлигининг миллий-маданий семаси билан боғланади.<sup>118</sup> Бошқача айтганда, маданий коннотация тил бирлигининг миллийлик ва маданийлик бўёғига эга семантик компонентидир. «Маданий коннотация – тарихий, этник хотиранинг тил тизими, аниқроғи, унинг динамик ва ноёб бўлган тизими – лексикасидаги изидир. Маданий коннотация тил эгалари томонидан белгиланган ҳамда миллий ва умуминсоний маданият ҳисобланган ўзига хос концептлар, стереотиплар, эталонлар, символлар, фреймлар, мифология ва бошқа белгилар кўринишида вербал акс этиши мумкин».<sup>119</sup>

Рус тилшунослигида маданий коннотация В.А.Маслова, Н.Ф.Алефиренко, В.Н.Телия ва бошқаларнинг ишларида таҳлил этилди ва унинг лингвистик моҳияти, ифода воситалари каби масалалар ёритиб берилди.<sup>120</sup>

Ўзбек тилшунослигида тилимиздаги маданий коннотациялар тадқиқи долзарб вазифалардан бири саналади. Бироқ коннотациянинг моҳияти, типлари, ифодаланиши усуллари ўзбек тили материаллари асосида махсус ўрганилган. Бу муаммо М.Мамадалиева, З.Мамаражабова, Н.Аҳмедова, А.Ҳайдаров, С.Максумовалар томонидан монографик планда тадқиқ

---

<sup>117</sup> Говердовский В.И. Феномен коннотации на денотативном уровне // Языковая практика и теория языка. – М.: Изд-во МГУ, 1974. Вып. 1. – С. 132-133.

<sup>118</sup> Комлев Н.Г. О культурном компоненте лексического значения слова // Вестник МГУ. Серия филол. наук. – М., 1966. – № 5. – С. 43-50.

<sup>119</sup> Бавдинев Р.Р. Культурная коннотация и паремические единицы. // Вестник КазНУ. Филологическая серия. – №8. 2005. – С. 177.

<sup>120</sup> Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – 143 с.; Алефиренко Н. Ф. Спорные проблемы семантики. – Волгоград: Перемена, 1999. – 274 с. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208 с.

этилган.<sup>121</sup> Бу ишларда ўзбек тилида коннотациянинг тилнинг турли бирликлари орқали ифодаланиши масаласи ўртага ташланди, денотатив ва коннотатив сема муносабати, улар ўртасидаги сабабий алоқадорлик таҳлил этилди; коннотация ва прагматик баҳо муносабати масаласига муносабат билдирилди. Хусусан, М.Мамадалиеванинг “Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти” номли номзодлик ишида коннотациянинг моҳияти, тилшуносликнинг турли йўналишларида ўрганилиши, коннотатив маънонинг денотатив маъно билан алоқаси, коннотатив маънони ҳосил қилувчи воситаларнинг контекст билан боғлиқлиги, от, сифат, феъл лексемаларда коннотациянинг ифодаланиши каби қатор масалалар таҳлил этилди.

Тадқиқотда қайд этилишича, коннотатив маъно лексеманинг семалар таркибида имконият тарзида мавжуд бўлиб, матн билан боғлиқ ҳолда хусусий-прагматик муносабат орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун коннотатив маънога тил бирлиги – умумийликнинг муайян нутқдаги хусусий кўриниши деб қаралди ва нутқий маъно сифатида изоҳланди”.<sup>122</sup> Коннотатив маънонинг нутқда реаллашувини тан оламиз, аммо шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, коннотатив маъно ҳар қандай сўзда ҳам имконият тарзида мавжуд бўлавермайди. Масалан, *она, нон, китоб* каби кўплаб сўзларнинг луғавий маъносида коннотатив семанинг мавжудлиги ҳақида гапириб бўлмайди. Бу сўзлар кўчма маънода қўллангандагина контекстуал коннотатив маънога эга бўлиши мумкин.

Тадқиқотда коннотациянинг асосий вазифаси нутқ прагматикаси билан бевосита ва узлуксиз боғланган таъсир этиш функцияси эканлиги ҳақидаги қараш илгари сурилган. Олиманинг фикрича,

---

<sup>121</sup> Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 29 б.; Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 179 б.; Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.; Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 21 б.; Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 21 б.

<sup>122</sup> Мамадалиева М. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 22.

коннотациянинг таъсир этиш функцияси ифодаланаётган фикрнинг сўзловчи учун қай даражада муҳимлигини адресатга етказиш жараёнида юзага чиқади.<sup>123</sup> Дарҳақиқат, коннотация орқали нутқнинг таъсирчанлиги, образлилигига эришишда муайян прагматик мақсад кўзда тутилади. Бу мақсад тингловчига матнда акс этган ахборотни нафақат таъсирчан ва образли тарзда етказиш, балки унга шу йўл орқали нутқий таъсир кўрсатишни ҳам қамраб олади.

3. Мамаражабованинг “Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари” деб номланган номзодлик ишида сифатларнинг семантик таркиби коннотатив аспектда текширилган. Тадқиқотда сифатнинг ҳар бир маъно турида коннотациянинг ифодаланиши, сифат даражалари шаклларининг коннотатив хусусиятлари алоҳида бобларда таҳлил этилган. Диссертационинг характерли жиҳати шундаки, ишда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан 5000га яқин белги билдирувчи сўз ажратилиб, булар ичида биргина характер-хусусият англатувчи 540 та сифатдан 200 таси ижобий бўёқли, 270 таси салбий бўёқли, 70 таси эса нейтрал маъноли сифатлар эканлиги аниқланган.<sup>124</sup> Ушбу маълумотдан англаш мумкинки, ўзбек тилида сифат туркумига мансуб бирликларнинг кўпчилик қисми коннотатив семага эга бўлган бўёқдор сўзлардир. Тадқиқотда сифатларнинг кўчма маънода қўлланиши орқали коннотациянинг ифодаланиши хусусида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган. Бироқ муаллифнинг “*Масала шундаки, у ўзи бу воқеага жиддий эътибор бермаган эди*” мисолида *жиддий* сўзининг “яхши”, “етарли” маъносида қўлланишида коннотациянинг ифодаланганлиги ҳақидаги хулосасига қўшилиш қийин. Ёки “*Хона кичик, бир чеккада каравот, юмалоқ кичик стол, иккита стул, пастак шифонер – унинг ярми кийим-кечак, ярми китоб жавони*” мисолида доира шаклидаги предметга нисбатан қўлланган *юмалоқ* сўзи орқали коннотациянинг ифодаланиши ҳақидаги қараши ҳам унчалик тўғри эмас.<sup>125</sup> Бизнингча, *жиддий* –

<sup>123</sup> Мамадалиева М. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 10.

<sup>124</sup> Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 7.

<sup>125</sup> Мамаражабова З. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 7, 9.

*етарлича, юмалоқ – доира шаклидаги* қўлланишлари коннотатив белгига эга ёки эга эмаслигига кўра фарқланмайди.

А.Ҳайдаровнинг “Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши” деб номланган тадқиқотида ўзбек тилида фонетик воситалар орқали реаллашувчи коннотациянинг ингерент (ички) ва адгерент (ташқи, нутқий) кўринишлари фарқланган, ингерент коннотациянинг сегмент фонетик элементларга, адгерент коннотациянинг эса суперсегмент фонетик ҳодисаларга хослиги асосланган. Шунингдек, ишда унли товушларни чўзиқ талаффуз этиш, ундошни иккилантириш асосида коннотациянинг юзага чиқиши далилий мисоллар орқали ёритилган. Урғу, интонация, унинг компонент сифатида пауза ҳамда сўзни бўғинлаб талаффуз қилиш орқали шодланиш, ҳайрат, ялиниш, илтижо, маъқуллаш, норозилик, таҳқирлаш, ачиниш, ғазаб, ўкиниш каби қатор коннотатив маъноларнинг ҳосил қилиниши кўрсатилган.<sup>126</sup>

С.Махсумованинг бадиий матнда коннотациянинг ифодаланиши масаласига бағишланган номзодлик ишида эса атоқли ўзбек шоири Э.Воҳидовнинг поэтик матнда коннотацияни ҳосил қилиши ва ундан кўзланган прагматик мақсади, бадиий матнда коннотациянинг ифодаланиш усуллари, коннотацияни ҳосил қилувчи поэтик воситалар каби масалалар чуқур ўрганилган. Тадқиқотда Э.Воҳидов шеърларида коннотатив маънонинг фонетик усулда: а) унлини кучли талаффуз қилиш, яъни зарб урғуси ёрдамида маънони бўрттириш; б) унлини чўзиш, яъни квантитатив урғу воситасида маънони кучайтириш; в) ундошни қаватлаш; г) товушни алмаштириш, шунингдек, аллитерация ва контаминация орқали матннинг таъсирчанлигига эришиш усуллари кўрсатилган. Олима лексик birlikларни кўчма маънода қўллаш, синоним, антоним сўзларни эстетик қиймат касб этишга йўналтириш орқали матннинг таъсир кучини ошириш мумкинлиги хусусида маълумот берган. Шунингдек, Э.Воҳидов шеъриятида морфологик воситалар сифатида кичрайтириш-эркалалаш шакллари, эгалик қўшимчалари, *-лар* кўплик

---

<sup>126</sup> Ҳайдаров А. Кўрсатилган тадқиқот.

аффиксининг коннотатив маънони ифодалашда қўлланиши; синтактик воситалардан кириш қурилмалар, ундалма ва сўз-гапларнинг ўзига хос такрори ҳамда интертекстуаллик орқали матнда ифоданинг ўйноқилиги, муסיқийлиги, таъсирчанлиги таъминланганлиги мисоллар асосида изоҳлаб берилган.<sup>127</sup>

Н.Аҳмедованинг ҳавола этилган номзодлик диссертациясида эса ўзбек тилидаги мурожаат бирликларининг семантик ва коннотатив хусусиятлари таҳлил этилган. Тадқиқотда мурожаат бирликларининг пропозицияга муносабати, пресуппозиция билан алоқаси, мурожаат бирликларининг нутқ вазияти ҳамда сўзловчининг ёши, гендер хусусияти, таниш-нотанишлигига кўра фарқланиши, коннотатив маънони ифодалаши, нутқий-мавзуий гуруҳлари каби қатор масалалар ўрганилган. Н.Аҳмедова “мурожаат бирликларига адгерент коннотация – алоқа-аралашувда ҳосил бўладиган, бевосита сўзловчининг миллий руҳияти, дунёқараши, урф-одатлари, муомала маданияти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиган прагматик семалар хос”лигини аниқлаган.<sup>128</sup> Шунингдек, тадқиқотда коннотатив семага эга бўлган сўзлар, айрим қўшимчалар, пропозиция ифодаловчи дескриптив бирликлар орқали, мурожаат бирликларининг парцелляцияга учраши натижасида, метонимия, метафора, синекдоха каби маъно кўчиши кабилар асосида мурожаат бирликларида коннотациянинг ифодаланиши масаласи ёритилган.<sup>129</sup>

Таҳлил этилган манбалардан маълум бўладики, ўзбек тилшунослигида ҳам коннотация прагматик аспектга алоқадор ҳодиса сифатида талқин этилмоқда. Бироқ бу ишларда асосий эътибор коннотациянинг моҳияти, ундан кўзланган прагматик мақсадни белгилаш, ўзбек тилидаги ифода усуллари ва воситаларини аниқлаш, коннотациянинг бадий матндаги стилистик ва прагматик хусусиятлари кабиларни ўрганишга қаратилган бўлиб, коннотациянинг миллий-маданийлик белгиси, социал фарқланиши,

<sup>127</sup>Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 21 б.

<sup>128</sup> Аҳмедова Н. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 13.

<sup>129</sup> Аҳмедова Н. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 15-16.

хусусан, болалар нутқида коннотациянинг ифодаланиши каби муаммолар назардан четда қолган. Демак, тилшунослигимизда бугунги кунда ҳам коннотацияни ўрганиш билан боғлиқ муаммолар йўқ эмас.

Шу кунга қадар дунё тилшунослигида коннотациянинг турли тилларда ифодаланиши масаласига бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди. Коннотация тадқиқи бўйича қатор изланишлар олиб борилган бўлса-да, уларда бу лингвистик ҳодиса турлича талқин этилди. Жумладан, Л.Блумфильднинг қарашларига кўра коннотация десигнатга юкланган қўшимча маълумот, у объектга хос табиий белги-хусусиятлар ҳақидаги ахборот, семантик ҳодиса бўлиб, социал, регионал, техник, маданий омиллар билан шартланган нутқнинг муайян даражасини кўрсатади.<sup>130</sup>

О.С. Ахманова коннотацияга қуйидагича тавсиф берган: «Коннотация қўшимча маъно, ранг, бўёқдорлик. Сўзнинг асосий маъноси устига қўйилган, турли хилдаги экспрессив-ижтимоий баҳо обертонларини ифодалашга хизмат қилувчи қўшимча маъно, сўзга ҳамроҳ бўлган семантик ёки стилистик оттенкалардир».<sup>131</sup>

А.В.Филипповнинг фикрича, коннотация лисоний бирлик семантикасига кирувчи ва уни тўлалигича намоён этувчи денотатив ва грамматик бўлмаган маъно бўлиб, уни эмоционал, услубий-стилистик маъно деб аташ лозим.<sup>132</sup> И.А. Стернин маънонинг коннотатив макрокомпоненти «баҳо», «эмоция» каби семантик ҳамда факультатив тарзда гонорофик компонентларни қамраб олишини баён қилган.<sup>133</sup>

И.В.Арнольд коннотатив маъно (коннотация) эмоционал, экспрессив, баҳо муносабати ва функционал-стилистик компонентлардан ташкил топади, деб ҳисоблайди. В.Н.Телиянинг

<sup>130</sup> Блумфильд Л., Язык. – М., 1964. – С. 156-164.

<sup>131</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 203-204.

<sup>132</sup> Филиппов А.В. К проблеме лексической коннотации // Вопросы языкознания. – Москва, 1978. – № 1. – С. 57.

<sup>133</sup> Стернин И.А. Проблемы анализа структуры значения слова. – Воронеж, 1979. – С. 123-129.

қайд этишича, коннотация тил бирликлари семантикаси таркибига узуал ёки окказионал маъно тарзида киради, у нутқ субъектининг борлиққа эмотив баҳоси ва услуб муносабатини ифода этади.<sup>134</sup>

Е.М.Сторожева сўзнинг функционаллашувида, яъни коммуникатив вазиятда унинг маъносида ҳосил бўлган ҳар қандай қўшимча ахборотни коннотация деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, адабиётларда дуч келинаётган терминлар: “стилистик маъно”, “экспрессив-эмоционал қатлам”, “экспрессив-эмоционал бўёк”, “прагматик мазмун”, “семантик ассоциация” ва бошқалар коннотациянинг таркибий қисми, асосий компонентларидир.<sup>135</sup>

И.С.Куликова эмотив ва стилистик коннотацияни фарқлаган ҳолда коннотацияга қуйидагича таъриф берган: “Коннотация денотатга эмоционал баҳо ифодаловчи қўшимча маъно қисми (эмотив коннотация) ёки сўз/маънонинг у ёки бу доирада функционаллашувга мансублигидир (стилистик коннотация)”.<sup>136</sup> Бундай қараш Д.Н.Шмелев томонидан ҳам билдирилган. У коннотацияга «эмоционал қатлам», «экспрессив бўёк», «экспрессив-услубий бўёк» каби тавсифларни беради.<sup>137</sup>

Т.Ходжаян, умуман олганда, коннотация сифатида қўшимча маъно, тингловчида турли характердаги – ижобий, салбий ҳамда бошқа эмоционал ассоциацияларни уйғотувчи «оттенка»лар тушунилишини эътироф этади.<sup>138</sup>

Ўзбек тилшунослари ҳам коннотациянинг қўшимча, ҳамроҳ маъно эканлигига, баҳо муносабатини акс эттириши жиҳатига эътиборларини қаратдилар. Жумладан, А.Ҳожиёв стилистик,

---

<sup>134</sup> Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – С. 5.

<sup>135</sup> Сторожева Е. М. Коннотация и ее структура <http://www.lib.csu.ru/vch/091/111.pdf>. – С. 117.

<sup>136</sup> Куликова И. С. Введение в металингвистику (системный, лексикографический и коммуникативно-прагматический аспекты лингвистической терминологии) / И. С. Куликова, Д. В. Салмина. – СПб.: САГА, 2002. – С. 290.

<sup>137</sup> Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – С. 254–255.

<sup>138</sup> Ходжаян. Т. Коннотативные особенности цветообозначений в современном немецком языке. // <https://books.google.co.uz>



экспрессив муносабат каби қўшимча маъно ёки маъноларнинг ифодасига нисбатан *коннотация* терминини қўллаган.<sup>139</sup> М.Мамадалиеванинг фикрича, коннотация прагматик ҳодиса сифатида баҳо муносабати билан узвий боғлиқ, унга сўз (ва бошқа бирлик)ларнинг барча маънолари асосида объективлик ва субъективликларни боғловчи восита сифатида муносабатда бўлиш лозим.<sup>140</sup>

З.Қодиров поэтик матнда ифодаланган коннотацияни поэтик ҳосила сифатида таърифлади.<sup>141</sup> А.Собиров лексик бирликлардаги коннотатив маънони лексик маънонинг вазифасига кўра бир тури деб ҳисоблайди.<sup>142</sup> Э.Қиличев, Б.Қиличевлар коннотатив маънонинг (К) сўз семантикасидан (С) денотатив маъно (Д) ажралгандан кейин ҳосил бўлган айирмага, яъни,  $K = C - D$ га тенглигини кўрсатдилар.<sup>143</sup>

А.Ҳайдаровнинг қайд этишича, “Коннотация тил ва нутқ бирликлари маъно таркибининг ажралмас қисми бўлиб, улар ифодалаган асосий денотатив маънони тўлдиради ва турли даражада қўшимча эмоционал-экспрессивлик ҳосил қилади”.<sup>144</sup>

Коннотацияни Э.Воҳидов асарлари мисолида ўрганган С.Махсумова эса унга қуйидагича таъриф берган: “... коннотация денотатив маъно устига қурилиб, унга қўшимча маъно (экспрессив-эмоционал маъно) юкловчи ҳамда нутқ субъектининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этишга хизмат қилувчи тилнинг семантик-прагматик аспектидир”.<sup>145</sup>

<sup>139</sup> Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 45.

<sup>140</sup> Мамадалиева М. Номловчи бирликларнинг ички маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – № 6. – Б. 40-42.

<sup>141</sup> Қодиров З. Синтактик бирликларнинг коннотатив аспекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – № 6. – Б. 40-41.

<sup>142</sup> Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 51.

<sup>143</sup> Қиличев Э., Қиличев Б. Коннотатив маъно ва унинг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – №6. – Б. 68.

<sup>144</sup> Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. 2009. – Б. 16.

<sup>145</sup> Махсумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. 2012. – Б. 15.

Коннотацияга берилган тавсиф ва таърифлардан маълум бўладики, тилшуносликда *коннотация* тушунчаси тор ва кенг маъноларда талқин этилган. Айрим тилшунослар тил бирлигига хос стилистик белгини ҳам коннотацияга киритишса, баъзилар тил бирликлари орқали ифодаланган баҳо муносабатини ҳам коннотация доирасида ўрганишган. Бизнингча, тил бирлигининг стилистик белгиси ҳамда нутқ жараёнида баҳо муносабатини ифодалашини коннотация доирасида ўрганиш унчалик тўғри эмас. Албатта, коннотациянинг воқеланишида тил бирлигининг стилистик белгиси аҳамиятли. Коннотацияда тил бирлигининг эмоционалликни ифодаловчи стилистик бўёғи муҳим ўрин тутди. Бу жиҳат коннотация ва стилистиканинг баъзан бир нуқтада кесишувини кўрсатади. Аммо тил бирлигининг стилистик бирлик сифатидаги мақоми коннотацияга дахлдор эмас. Шунингдек, тил бирлиги стилистик белгига эга бўлмаган ҳолатда ҳам коннотатив маънога эга бўла олади.

Коннотация ва баҳо муносабатининг ифодаланиши ўртасида ҳам узвий боғлиқлик мавжуд. Маълумки, баҳо категорияси нутқ эгасининг объектга муносабатини акс эттирувчи категориядир. Баҳо орқали воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодаланadi. Бошқача айтганда, нутқ эгасининг воқеликка муносабати баҳо кўринишида юзага чиқади. Баҳони ифодалаш жараёнида адресатга таъсир кўрсатиш вазифаси ҳам бажарилади.

Нутқда баҳо муносабатининг воқеланишида бир неча босқич амал қилади. Баҳолаш жараёнида нутқ субъекти бош ролни ўйнайди. Нутқ эгаси бу жараённинг бошқарувчисидир. Баҳо объекти, унинг баҳоланишига асос бўлган белгиси, баҳолаш эталони бу жараённинг ҳам ташкилий, ҳам зарурий қисмлари ҳисобланади. Буларнинг бирортаси мавжуд бўлмаса, баҳолаш жараёни амалга ошмайди. Баҳолаш белгиси эса баҳонинг мундарижасини, унинг салбий ёки ижобий характердалигини кўрсатади. Англашиладики, баҳолаш жараёнининг амал қилишида Ш.Сафаров қайд этган қуйидаги беш унсурнинг мавжудлиги мажбурий, "... булар: субъект, объект, асос,

эталон (намуна) ва баҳолаш белгиси. Баҳолаш дастлабки ўринда субъект-объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, эътиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб туришини аниқлаш жараёнида ҳосил бўлади. Ушбу жараёнда субъект объектнинг баҳоланаётган хусусиятини идеал намуна ёки меъёрга қиёслайди ҳамда ушбу меъёрга қай даражада мос келиши ёки узоқлашишига нисбат беради. Ниҳоят, барча “ўлчов”лар босқичидан ўтган баҳо лисоний белги воситасида воқеланади.”<sup>146</sup>

Баҳо категориясига берилган таърифларни умумлаштирар экан, С.Боймирзаева уларни қуйидаги уч гуруҳга ажратади:

“ 1. Баҳо – сўзловчи ёки нутқ субъектининг борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга муносабатидир. Баъзан ушбу «муносабат» янада аниқлаштирилади ва унинг субъектив, объектив – субъектив ҳамда субъектив – объектив турлари фарқланади. Ушбу таъриф кўпчилик тилшунослар томонидан маъқулланиб келинмоқда.

2. Баҳо – борлиқдаги предмет ва ҳодисалар қиймати ҳақидаги фикр (ушбу фикрни ифодаловчи лисоний бирлик). Бу таърифдан асосан файласуфлар фойдаланиб келмоқдалар, бироқ тилшунослар ҳам бу таърифга беъэтибор эмас.

3. Баҳо предмет ва ҳодисаларга берилаётган сифатнинг сўзловчининг маълум қадриятлар, нормаларга таянадиган эҳтиёжи, мақсади, қизиқишига мос келиши ёки келмаслигини ифодаловчи лисоний фаолиятдир. Ушбу кўринишдаги таърифдан файласуф ва тилшунослар параллел фойдаланмоқдалар».<sup>147</sup>

Кўринадики, баҳо категорияси коннотациядан тубдан фарқ қилади. Баҳо категорияси нутқ эгасининг нутқ объекти ҳақидаги шахсий муносабатининг ифодаси, субъектив қарашларининг мажмуидир.

Коннотация ва баҳо категориясининг зич боғлиқлиги коннотацияни ифодаловчи бирликларда баҳо муносабатининг ҳам

---

<sup>146</sup>Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 184.

<sup>147</sup>Боймирзаева С. Баҳо фаолияти ва унинг матнда ифодаланиши // Хорижий филология. – Самарқанд. 2008. – №2. – Б. 15.

ёркин акс этишида кўзга ташланади. Баъзи тил бирликларининг денотатив маъноси орқали ҳам баҳо муносабати сезилиб туради. Масалан, *муттаҳам*, *нонкўр* кабилар. Бироқ тил бирлиги баҳо муносабатини ифодалашга хосланмаган ҳолатларда ҳам у орқали коннотатив маъно ифодаланиши мумкин. Масалан, бола нутқида қўлланган *мушукчам* сўзшаклида *-ча* аффикси орқали коннотатив маъно (эркалаш, суйиш) ҳосил қилинган. Шу билан бирга, ушбу сўзшакли орқали баҳо муносабати (ижобий баҳо) ҳам юзага чиққан. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тил бирлигидаги мавжуд баҳо ва нутқ эгаси томонидан унга юкланган баҳо муносабатини фарқлаш лозим. Нутқ жараёнида тил бирлигига юкланган баҳо прагматиканинг ўрганиш объекти бўлиб, уни коннотациядан фарқлаш лозим.

Умуман, коннотацияга умумий тарзда тил бирликларига ҳамроҳ бўлиб келувчи экспрессив-эмоционал маънолар, маъно оттенкалари сифатида қаралиши, бизнингча ҳам, унинг бирламчи моҳиятини тўғри белгилашга хизмат қилади.

Коннотация лингвистик ҳодиса сифатида тил тизимининг турли сатҳларига дахлдор. Коннотация барча сатҳлар доирасида амал қилишини назарда тутсак, уни ифодаловчи тил бирликлари ҳам турли сатҳларга алоқадор фонетик, лексик, морфологик, синтактик сатҳ бирликларидир. Аммо турли сатҳ бирликлари коннотацияни ифодалашда бирдек иштирок этмайди, уларнинг коннотацияни ифодалашдаги фаоллик даражаси турлича. Шунингдек, коннотацияни ифодаловчи бирликларнинг қўлланиш даражаси катталар ва болаларда, аёллар ҳамда эркакларда фарқ қилади.

Фонетик сатҳда коннотациянинг товуш, урғу, бўғин кабилар ёрдамида ҳосил қилиниши аниқланган. Лексик тизим бирликларининг коннотацияни ифодалашдаги улуши анча юқори. Айниқса, луғавий маъносида коннотатив сема мавжуд бўлган лексик бирликлар коннотацияни ёркин ифодалайди. Тилнинг морфологик сатҳида луғавий шакл ясовчи грамматик бирликлар, юклама, ундов, модал сўзлар коннотацияни ифодалашда ажралиб туради. Синтактик сатҳда ундов гаплар, риторик сўроқ гапларни бевосита коннотация

ифодаловчи бирликлар ҳисоблаш мумкин. Хуллас, тилда товушдан тортиб йирик ҳажмли гапларгача коннотация у ёки бу даражада ўз ифодасини топади. Бироқ ҳар қандай тил бирлиги нутқда, албатта, коннотацияни ифодалаш шарт эмас. Коннотация нутқ эгасининг коммуникатив мақсади асосида воқеланади. Ҳатто коннотатив семага эга лексик бирликлар ҳам нутқ эгаси томонидан муайян мақсад талаби билан нутққа олиб кирилади.

Илмий манбаларда коннотатив маънони ҳосил қилувчи турли воситалар ҳамда коннотациянинг ўзига хос ифодаланиш усуллари қайд этилади. Коннотация ҳодисасини *экспрессивлик* термини остида махсус ўрганган А.Абдуллаев ўзбек тилида экспрессивликнинг фонетик, морфологик, лексик-фразеологик, синтактик усулларда ифодаланиши ҳақида маълумот берган.<sup>148</sup> Ўзбек тилида эмоционал-экспрессивликнинг ифодаланиши масаласи таҳлилига оид бошқа ишларда ҳам фонетик, лексик, морфологик воситаларнинг ажратилганлиги маълум.<sup>149</sup>

С.Махсумова коннотацияни ифодаловчи воситаларни қуйидаги турларга ажратган ҳолда ўрганган: 1. Лингвистик воситалар. 2. Экстралингвистик воситалар. Олима коннотатив маънони юзага чиқарувчи тил бирликларини лингвистик восита ҳисоблаган; коннотацияни ифодаловчи, бироқ тил бирликлари доирасига

---

<sup>148</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – 90 б.; Шу муаллиф. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 88 б.

<sup>149</sup> Гулямов Г.А. О некоторых особенностях аффиксов с уменьшительно-ласкательным значением в узбекском языке // Научные труды. – Ташкент, 1964. Вып. – № 268. – С. 15-22; Ҳадятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – №2. – Б. 62; Ғозиева Ш. Ўзбек тилида субъектив баҳо ифодаловчи форма ясовчи аффиксларнинг баъзи семантик хусусиятлари ҳақида // Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1975. – № 475. – Б. 96-100; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо аффиксларининг қўлланиши ҳақида // Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1979. – № 608. – Б. 51-53; Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 164 б.; Миртожиев М. Товушлардаги маънолар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – 23 б.

кирмайдиган, имо-ишора ва гавда ҳаракатларини экстралингвистик воситалар қаторига киритган. 150

Англашиладики, коннотация тилнинг турли сатҳ бирликларига дахлдор ҳодиса бўлгани боис, унинг ифода воситалари ҳам ранг-баранг.

Коннотациянинг воқеланишида сўзловчининг лисоний захираси, тил билими ва ундан фойдаланиш маҳорати кабилар қаторида, албатта, ёш хусусияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Коннотациянинг ёрқин, ўзига хос ифодаси болалар нутқида намоён бўлади. Бугунги кунда болалар нутқида коннотациянинг ифодаланиши, турлари, коннотациянинг матндаги ўрни, аҳамияти каби масалаларни ўрганиш ўзбек прагматлингвистикасининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотимизнинг ушбу бобида айни шу муаммо бўйича хулосаларимизни баён қиламиз.

### **3.2. Болалар нутқида коннотатив маънонинг ифодаланиши**

Болалар нутқ жараёнида воқелик ҳақида хабар бериш, ўзи учун номаълум бўлган воқелик ҳақидаги сўроқни ифода этиш, тингловчини хатти-ҳаракатни бажаришга ундаш каби нутқий ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида катталар каби коннотатив маънони ифодалаш усулларини қўллайдилар. Демак, болаларга хос коннотация ҳам нутқ жараёнида воқеланади.

Болалар томонидан тузилган нутқ кўринишлари таҳлилидан маълум бўлдики, улар коннотацияни ҳосил қилишда тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик воситаларидан унумли фойдаланишади. Шунингдек, болалар нутқида имо-ишоралар, мимик ифодалар, интонациянинг турли кўринишлари орқали ҳам коннотациянинг ҳосил бўлиши аниқланди. Қуйида болаларга хос коннотациянинг ифодаланиш усуллари хусусида фикр юритамиз.

---

<sup>150</sup> Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 25.

**Болалар нутқида коннотатив маънонинг фонетик усулда ифодаланиши.** Болалар нутқида сўз таркибида турли фонетик жараёнларнинг юз бериши кузатилади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида кузатиладиган қуйидаги фонетик ҳодисалар коннотация ифодаси учун хизмат қилади:

1. **Унли товушнинг чўзиб талаффуз қилиниши.** Болалар нутқ жараёнида сўз таркибидаги унли товушни чўзиб талаффуз қилиш орқали нутқнинг таъсир кучини оширишга ҳаракат қиладилар. Масалан:

– *Опажон, сиз боғчада одобли бўлганмисиз?*

– *Албатта.*

– *Яхши ўқиганмисиз?*

– *Албатта!*

– *Бўлмаса, нега менга қачо-о-ондан бери пультли ўйинчоқ машина олиб беролмайсиз? (Ў. Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”)*

Шуниси характерлики, сўз таркибидаги унлининг чўзиб талаффуз қилиниши сўзнинг турли бўғинларида юз беради. Қиёсланг:

1. – *Ойи, обкашниям айтинг.*

– *Бўлди, ухла...*

– *Айта қоли-и-инг.*

– *Майли, эшит. Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир йигит бўлган экан...*

– *Хўп... Катта бўлсам, ка-а-атта шаҳарларга бораманми?*

– *Борасан, ўғлим, борасан. (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)*

2. *Бир зумда ҳамма ёқни зулмат қоплади... Юрагимни ваҳима босди. Ойи-и! – дедим йигламсираб. (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)*

3. – *Но-он, – дейман ялиниб. – Дадажон, но-он. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)*

2. **Ундош товушнинг иккилантирилиши.** Нутқда кузатилувчи бу фонетик ҳодиса манбаларда “қўш ундошлик”, “қўшоқланиш”, “иккиланган ундош, “геминация”, “ундошларни қаватлаш” каби

терминлар билан юритилади.<sup>151</sup> Бу ҳодисанинг моҳияти шундаки, муайян прагматик мақсад асосида сўз таркибидаги бир ундош иккилантирилади, яъни талаффузда қўш ундош ҳолатига келтирилади. Натижада сўзнинг маъноси бўрттирилиб, нутқнинг таъсирчанлиги ошади.

Болалар ҳам сўз таркибидаги ундош товушни иккилантириш орқали фикрни таъсирчан баён этишга уринишади. Кузатишларимиздан маълум бўладики, болалар асосий ҳолларда *маза, роса, эсиз* сўзларидаги *з ва с* ундош товушларини иккилантириш орқали ушбу сўзлар англатган маънони бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат нутқий коннотацияни юзага келтиради. Масалан:

*Эҳ, тўйим тезроқ бўла қолсайди. Янги тўним, янги дўппим, пистон қадалган этикчамни кийиб, кўз-кўзлаб, **мазза** қилиб ўйнардим-да!* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

– *Бугун **росса** кўп “беиш” олдим.* (Абдуазим Абдужабборов, 7 ёш)

Ундош товушларнинг иккилантирилиши ҳақида фикр юритар экан, А.Ҳайдаров қуйидагиларни баён қилган: “Ундош товушларнинг чўзилиши оғзаки нутқда уларни қўш ундош ҳолатига келтириб талаффуз қилиш, ёзма нутқда иккилантириб ёзиш орқали рўёбга чиқади”.<sup>152</sup> Эътибор берилса, ундошларнинг иккилантирилиши чўзиқлик асосида белгиланган. Бизнингча, ундошнинг иккилантирилиши товушнинг “чўзилиши” билан эмас, орттирилиши билан алоқадор ҳодисадир.

Қуйидаги мисолларда ундош товушни иккилантириш асосида бола томонидан ўзига хос коннотация ҳосил қилинган: *Бир чеккада бизнинг “қушим боши” ўйнаганда лойга қоришавериб, “**унниқиб кетган**” дўппи ҳам қийшайиб турибди.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

<sup>151</sup> Қаранг: Шофқоров А. Миртемир шеърлятида такрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 11.

<sup>152</sup> Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. 2009. – Б. 10.



Ўзбек тилида ундош товушларнинг иккилантирилиши юз берган ва бу ҳолат сўз таркибида қотиб қолган айрим лексик бирликлар орқали ҳам коннотатив маъно ҳосил бўлади. Болалар томонидан қўлланган бундай бирликлар ҳам нутқий таъсирчанликни ҳосил қилади. Масалан:

*Шўппайиб туриб-туриб қайтиб келдим.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

... *Бир маҳал мўъжиза кўргандек таққа тўхтаб қолдим.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

3. **Сўзнинг бўғинларга ажратиб талаффуз қилиниши.** Болалар нутқ жараёнида сўзларни бўғинларга ажратиб талаффуз қилиш асосида нутқнинг таъсир кучини, эмоционаллигини оширишга эришадилар. А.Ҳайдаровнинг қайд этишича, “сўзнинг қисқа паузалар билан ажратилган бўғинларига кучли босим (урғу) берилиши билан қўшимча коннотатив маъно юзага чиқади”.<sup>153</sup>

Сўзни бўғинлаб айтишда таъкид, қатъиятлилик, эътироз каби қўшимча маънолар юзага чиқади. Масалан, Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи Абдулбосит Абдужабборов (3 ёш) нутқида онаси томонидан унинг ухлаши зарурлиги эслатилган қайдга нисбатан айтилган “*Ух-ла-мий-ман*” гапида болаларга хос қатъийлик, эътироз каби коннотатив маъноларнинг ифодаланганини кузатиш мумкин.

А.Ҳайдаровнинг фикрича, бўғинлаб талаффуз қилинган сўзларда бирор иш-ҳаракатни бажартириш ёки бажартирмаслик билан боғлиқ жадаллик, қатъият маъноси (*ў-қий-сан, бор-май-ман*) белгининг меъёрдан ортиқлиги, кучлилиги (*қип-қизил, сан-сарик, кўм-кўк*), жадаллик, таъкидлаш, уқтириш кабиларни ўта кучли ифодалаш (*қи-ип-қизил, кў-ўм-кўк, қо-оп-қора*) каби коннотатив маънолар ҳосил бўлади.<sup>154</sup> Бизнингча, *қип-қизил, сан-сарик, кўм-кўк* сифатларида белгининг ортиқлиги, кучлилиги маъносини ҳосил қилиш усулини сўзни бўғинлаб талаффуз қилиш тарзида баҳолаш унчалик тўғри эмас. Чунки *қизил* сифати *қи – зил, сарик* сифати *са – рик* тарзида

<sup>153</sup> Ҳайдаров А. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 15.

<sup>154</sup> Шу жойда.

бўғинга ажратилиб талаффуз қилинмаган. *Кўк* сифати эса ҳатто бўғинга ажратилмайди. Шунингдек, *қи-ип-қизил*, *кў-ўм-кўк*, *қо-оп-қора* сифатларида ҳам сўзни бўғинлаб талаффуз қилиш кузатилмайди. Бизнингча, бу ўринда сўз таркибида талаффузга мос тарзда товушлар бирикмасини орттириш ҳақида гапириш ўринли. Чунки *қизил* сўзида *ип* ёки *кўк* сўзида *ўм*, *қора* сўзида *оп* шу сўзларнинг бўғини эмас.

**4. Сўз бўғинининг такрори ва фонетик жиҳатдан ўзгартирилиши.** Мактабгача ёшдаги болалар нутқида қисқа такрор орқали ҳам коннотация ифодаланади. Ушбу жараёнда сўз таркибида фонетик ўзгариш ҳам юз беради. Бунда сўзнинг биринчи бўғини уни кейинги бўғин билан боғлашга кўмак берувчи *п*, *м*, *с* товушларидан моси билан қўлланиб, сўз олдидан такрорланади. Масалан:

*Юлдузнинг опаси унга жуда чиройли дастрўмолча берди. Юлдуз хурсанд бўлганидан:*

*–Опа, бу ўп-ўзимгами? – деб қўйди.* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Кўринадики, бола ўз нутқида қисқа такрорлаш усулида коннотатив маънони ҳосил қилган. Бундай такрор таъкидни юзага келтириб, таъсирчанликни таъминлаган. Шуниси характерлики, коннотациянинг бу тарзда ифодаланиши асосан мактабгача ёшдаги болалар нутқида хос.

Айрим тилшунослар сифатлардаги орттирма даража шаклининг фонетик усулда ҳосил қилинишини ва бунда сўз олдидан орттирилган қисм охиридаги товушнинг, асосан, портловчи *м*, *п* товушларидан иборат бўлишини қайд этишади.<sup>155</sup> Масалан, *қип-қизил*, *ям-яшил* кабилар. Бироқ болалар нутқида нафақат сифатлар, балки бошқа туркумга оид морфологик birlikларнинг ҳам шу тарзда коннотатив маънони ҳосил қилиши кузатилади. Фикримизни юқоридаги мисол ҳам тасдиқлайди.

**5. Сўз таркибидаги товушларнинг фонетик жиҳатдан бузиб талаффуз этилиши.** Болаларнинг товушларни талаффуз қилиши

<sup>155</sup> Абдуллаев А. Маъно кучайтиришнинг фонетик усули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – № 2. – Б. 55-58; Мамаражабова З. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 15.

жараёнида кузатилувчи номеъерий ҳолатлар ҳам, гарчи бу ҳолат нутқда прагматик тўсиқни юзага келтирса-да, баъзан коннотация учун хизмат қилади. Айниқса, мактабгача ёшдаги болалар нутқида ўзлашма сўзлар таркибидаги товушларнинг бузиб талаффуз қилиниши ёки муайян товушни айта олмаслик ҳолатлари адресат эътиборини жалб қилишда муҳим прагматик хусусият касб этади. Масалан:

*Бола ҳамон чинқириб йиғлар, хархаша қилар эди: – Иссиқ манож оберинг!* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

*Мен этикни ёмон кўраман, ундан **потинка** яхши, ипини бундай-бундай қилиб ечсангиз оёқдан чиқади-кетади.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

*– Мен... Мен ҳамма гапингизга хўп дейман. **Кечиясиз**, ойижон, **кечиясиз!*** (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, катталарга нисбатан болалар нутқида фонетик усулда коннотациянинг ҳосил қилиниши бирмунча ранг-баранг ва кенг тарқалган.

**Болалар нутқида коннотатив маънонинг лексик-семантик усулда ифодаланиши.** Коннотатив маъно, айниқса, лексемаларда ёрқин кўзга ташланади. Маълумки, тилнинг лексик тизимида синонимик, антонимик, омонимик муносабатдаги лексемалар, полисемантик сўзлар, окказионализм, диалектизм, вульгаризм, бўёқдор сўзлар нутқнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи фаол бирликлардир. Шунингдек, эскирган сўзлар ва неологизмлар ҳам ўрни билан нутқий коннотацияни ҳосил қилишда иштирок этади.

Ўзбек тилидаги айрим лексемалар денотатив маъносидан ташқари, тил эгасининг воқеликка муносабати, ҳис-туйғуларини ҳам акс эттириши жиҳатидан ажралиб туради. Лексемага хос бундай қўшимча маънолар ҳам коннотациянинг ўрганиш объекти саналади.

Болалар нутқида коннотатив маъно жуда кўп ҳолларда экспрессив-эмоционал бўёққа эга сўзлар орқали ҳосил қилинади. Экспрессив-эмоционал бўёқдор сўзларнинг қўлланиши нутқнинг таъсирчанлигини янада оширади. Масалан:

1. *Бизни икки кундан буён саргардон қилган **тентак** сизирни сўйиб, унинг гўштидан кўтарганимизча олиб, шуни сотиб тирикчилик қилмоқчи бўлдик.* (Ғ.Ғулом. “Шум бола”)

2. – *Гапирма, **текинхўр, дайди!***

– *Ҳали ман санга **текинхўр, дайди** бўлдимми? Унда ўзинг кимсан?* (Ш.Аббосов, А.Наумов. “Шум бола” кинофильмидан)

3. – *Қаерда юрибсан, дайди? – Ўзинг **дайдисан!*** (Азиз Алиев, 10 ёш)

Кўринадикки, берилган мисолларда *тентак, текинхўр, дайди* бўёқдор сўзлари ёрдамида нутқнинг таъсирчанлигига эришилган.

Болалар нутқида бўёқдор сўзларнинг фаол қўлланишида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти катта. Г.Искандарова бу ҳақда шундай ёзади: “...болага ота-онасидан ҳам кўпроқ диққат-эътибор, меҳр-муҳаббат берувчи инсон – бу унинг бобо ва бувисидир. Улар неварасига жуда кўп эркалатувчи сўзлар билан муомала қиладилар, айниқса, бувилар. Шунинг учун буви ва буваси билан бирга ўсган бола нутқида бува ва бувиси бўлмаган ёки улардан узоқроқда яшовчи, жуда кам кўришувчи болалар нутқи қиёсида ўзига хосликлар сезилади: биринчи ҳолатда болалар ўз нутқида кўплаб эмоционал-экспрессив бўёқдаги сўзларни қўллайдилар: “асалим”, “ойижоним”, “адажонгинам”, “опоқойижон” ва ҳ.к. Иккинчи ҳолатдаги болалар нутқида бундай хусусият нисбатан кам учрайди”.<sup>156</sup>

Англашиладики, болалар нутқида экстралингвистик омиллар таъсирида юзага чиқадиган прагматик коннотацияни тадқиқ этишда тадрижийлик тамойилига таяниш мақсадга мувофиқ.

Шуниси қизиқки, болалар нутқида экспрессив-эмоционал бўёққа эга бўлмаган айрим сўзлар ҳам баъзида коннотатив маънони ифодалайди. Сўзни бундай мақсадда қўллашда боланинг олами қай тарзда тасаввур этиши ва уни тилга кўчириши муҳим ўрин тутди. Масалан, “*Бу ерда ишларимиз жуда гумбур бўлиб кетди*” (Х.Тўхтабоев. “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги”)

<sup>156</sup> Искандарова Г. Бола нутқий фаолиятида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти / Ўзбек тилшунослиги масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, ЎЗМУ, 2003. – Б. 86-87.

гапида қўлланган *гумбур бўлиб кетмоқ* лексемаси ривожланиш ҳаракатини образли ва таъсирчан ифодалаб, коннотатив маънони ҳосил қилган. Бу лексеманинг коннотативликни ҳосил қилишида боланинг воқеликни идрок этиши ва уни болаларга хос тарзда бўрттириб акс эттириши муҳим аҳамият касб этган. Шу билан бирга, бу лексема орқали нутқ эгасининг воқеликка ижобий баҳоси ҳам ифодаланган.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида қўлланган айрим антонимик жуфтликлар ҳам коннотация ифодаси учун хизмат қилади. Масалан:

*Маҳси кийган семиз-ориқ оёқлар орасидан эмаклаб ўтиб, попуққандлар, тангаларга ёпишдим.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

*Зиёратгоҳ бугун зиёратгоҳ эмас, бамисоли катта бир сайлнинг ўзгинаси бўлибди – одам демагани ҳеч жойга сизмайди: ориқ-семиз хотинлар, узун-қисқа кампирлар, мен тенги болалардан тортиб Донохон тенги қизларгача, дадамга ўхшаш эркаклардан тортиб Ёнгоқ қори поччамдек салла ўраган, икки бети қип-қизил чолларгача – ҳамма-ҳаммаси шу ерда...* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Эътибор берилса, бола нутқида қўлланган *семиз-ориқ, ориқ-семиз, узун-қисқа* антонимик жуфтликлари ифодада образлиликни ва таъсирчанликни таъминлашга хизмат қилган.

Болаларга хос кўчма маъноли сўзларни коннотациянинг ёрқин намунаси ҳисоблаш мумкин. Қуйидаги мисолларни таҳлил қиламиз:

1. *Нима ҳам дердим, Бундай нордон гапларга тишни-тишига қўйиб бардош беришига тўғри келади.* (Ё.Хўжаев. “Аломат боланинг саргузаштлари”)

2. *Қориндор, сариқ самовар бурчакда туради.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси»)

3. *Боягидан ҳам қаттиқроқ кулги портлайди. Чойхўрлар бири тиззасига шапатилаб, бири қорнини ушлаб хохолашади. Дадам тиззасига урмайди. Тиззасида мен борман.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

4. *Осмонни булут қоплаган, паркдаги карнайдан эшитилаётган йиглоқи музика янаям кучайган эди.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Берилган мисолларда *нордон, қориндор, портламоқ, йиглоқи* сўзларининг кўчма маънода қўлланиши ифодада образлиликни ҳосил қилган, натижада матннинг таъсирчанлиги ортган. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, бадиий матнда қўлланган *нордон гап, қориндор самовар, кулги портлайди* тарзидаги ўзига хос метафорик қўлланишлар болаларгагина хос бўлиб, нутқнинг социал хосланишидан дарак беради.

Болалар мулоқот жараёнида ўхшатишга асосланган номлардан кенг фойдаланишади. Бундай номлар нутқнинг таъсир кучини ошириб, коннотация учун хизмат қилади. Масалан:

*“Туя” амакини Абдувалидан ҳам ёмон кўраман.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Мактаб ёшидаги болалар лексик тизимига хос хусусиятлардан яна бири унда ўзига хос окказионал бирликларнинг мавжудлигидир. Лақаб болалар томонидан жуда фаол ишлатиладиган окказионал бирлик бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан:

*Ростини айтсам, илонбоз Самовар яхши бола экан. Худди қишлоқдаги ўртоғим Маҳмудхонга ўхшаб кетаркан.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Лақаблар орқали болалар нутқ объектига нисбатан субъектив муносабатларини ҳам ифода этадилар. Маълумки, баҳолаш жараёнида нутқ эгаси объектни ўз ўлчови асосида баҳолашга ҳаракат қилади. Гарчи ҳар бир ижтимоий муҳитда баҳолашнинг умум томонидан қабул қилинган ўлчови шаклланган бўлса-да, нутқ эгаси кўпинча ўз ўлчови орқали субъектив муносабатини ифода этишга уринади. Айниқса, бу ҳолат болаларда ўзига хос тарзда кечади. Катталардан фарқли тарзда болалар учун умум томонидан қабул қилинган ўлчов меъёрлари ноодатий, ҳали ўзлаштирилмаган бўлгани боис уларнинг объектни баҳоловчи ўз ўлчовлари мавжуд бўлади.

Қуйидаги мисолда болаларнинг лақаблар воситасида баҳо муносабати (салбий муносабат)ни ҳам ифода этиши яққол кўзга ташланади:

*Паст маҳалла болалари ўша заҳотиёқ бизнинг бригадамизга “Афандичилар” деб лақаб қўйибди. Биз ҳам қараб турмадик. Турон амакимнинг мусаллас ичса йиғлайдиган одати бор эди. Шунини ҳисобга олиб, уларга ҳам “Йиғлоқилар” деб лақаб қўйдик.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Болалар нутқида қўлланган диалектизм, вульгаризмлар ҳам, гарчи адабий тил меъёрларидан чекиниш бўлса-да, нутқнинг таъсир кучини оширишга, нутқ эгасининг баҳо муносабатини акс эттиришга хизмат қилади. Масалан:

*Ранг-қутим ўчиб кетди. Нега десангиз, ишининг бу ёғи сал ишкарроқ эди-да!* (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”)

*Ўқдек учиб бориб, қувлаб бораётган одамнинг елкасига тирмашдим. Икковимиз гуппанг бўлиб, ерга йиқилдик.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

*Ҳаммаси ёввойи одамга ўхшайди-ку! – нордон нарса чайнаб олгандек афтини жийириб деди Қоровой.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

*– Е йўқ дема, галварс... Бувимляям унга юракларини очиб-сочалла.* (Р.Муҳаммаджонов. “Суюнчи”)

Мактабгача ёшдаги болалар лексемани ўзига хос бўлмаган нутқ кўринишида қўллаш орқали ҳам таъсирчанликка эришиб, нутқий коннотацияни юзага келтирадилар. Масалан:

*Қўлим ярадорлиги наққос эсимдан чиқиб кетган экан.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Болалар нутқида қўлланган фразеологизмлар ҳам ифоданинг таъсирчанлиги, образлилиги, маънонинг бўрттирилиши кабилар учун хизмат қилади. Қиёсланг:

*Бу йил мева-чевани бурнимиздан чиққунча ер эканмиз деб ўйладик-у, ҳаммамиз ҳам ўзимизда йўқ хурсанд бўлиб кетдик.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

*Сумкамни олиб, куён расмини чиздим.* (Сардор Олимов, 13 ёш)

*Папкани кўтариб, секин куён бўлиб қоламан.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Бола нутқида қўлланган қуйидаги окказионал фразеологизм жисмоний ҳолатни бўрттириб ифодалашга хизмат қилган:

*Ўпкамни қўлтиқлаб редакциялардан бирига қараб югурдим.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Ушбу мисолда қўлланган физиологик ҳолатнинг нутқий ифодаси сифатида юзага келган образли тафаккур маҳсули ҳаракатнинг юқори даражадаги тезликда бажарилганига ишора қилади. Шу боис берилган матнда бола нутқида қўлланган *ўпкани қўлтиқлаб югурмоқ* иборасини *оёғини қўлига олиб югурмоқ* иборасига семантик жиҳатдан муқобил келган дейиш мумкин.

Лексик бирликлар такрори коннотатив маънони ҳосил қилувчи прагматик восита сифатида, айниқса, болалар нутқида кўп кузатилади. Болалар нутқида лексик бирликлар такрорининг турли кўринишлари акс этади. Кўпинча такрор ёрдамида таъкидни кучайтириш асосида нутқнинг таъсирчанлиги таъминланади. Масалан:

*Ойим бир зум супа олдида турди-турди-да, бирдан менга ўшқирди.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

*Ишонсангиз, шу пайтда жуда, жуда ҳам хурсандман. Болаларнинг олдида сакраб-сакраб ўйинга тушворай-тушворай деб югуриб келяман.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

*Оҳ, қатламани мен бирам яхши кўраманки, қаймоқ солиб пиширилса, сал-пал сўлқиллаб турса, лўм-лўм қилиб ейишни яхши кўраман.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

*Укаларимнинг ёнига йиглаворай-йиглаворай деб қайтдим.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Хуллас, болалар нутқида коннотацияни ҳосил қилишда кўчма маъноли сўзлар, синонимик, антонимик муносабатдаги лексик бирликлар, диалектизмлар ва фразеологизмлардан унумли фойдаланишади.



**Болалар нутқида коннотатив маънонинг морфологик усулда ифодаланиши.** Болалар нутқ жараёнида кичрайтириш, эркалаш, улуғлаш, катталаштириш, кучайтириш, фахрланиш, ҳурмат маъносини ҳосил қилувчи аффикслар ёрдамида коннотатив маънони ҳосил қиладилар.

1. Ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ҳосил қилувчи *-ча, -чоқ, -чак, -чиқ* аффикслари қайд этилади. Булардан *-ча* аффикси болалар нутқида ниҳоятда кенг ишлатилади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, айниқса, мактабгача ёшдаги болалар *-ча* аффиксини турли морфологик бирликларга қўшиб қўллайдилар. Бундай ҳолатда *-ча* аффикси кичрайтириш маъносидан ташқари бошқа коннотатив маъноларни ҳам ҳосил қилади.

Э.Қиличев *-ча* аффиксининг *қозонча, тақсимча, дафтарча, болача, йигитча, хотинча* сўзлари таркибида объектив кичиклик маъносидан ташқари, субъектив баҳо маъносини ҳам ифодалаши, *“Кечга қолдинг, тулкичам, кеч келдим эчкичам”* мисолида кичрайтириш ва эмоционал маънони ифодалаши, атоқли отларга қўшилганда сўзловчининг салбий эмоцияси бўрттирилиши (*“Шундай эмасми, Файзича? – деб сўради бой”*), эгалик аффикси билан ёнма-ён келиб, ўрни билан кесатиш, пичинг, ҳазил маъноларини ифодалашини қайд этган.<sup>157</sup>

Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилган *“Ҳозирги ўзбек адабий тили”* китобида *-ча* аффиксининг *домлача, одамча* каби сўзларда камситиш маъносини ҳам ҳосил қилиши кўрсатилган.<sup>158</sup> Мазкур ҳолат, асосан, катталар нутқида хос бўлиб, болалар коммуникатив фаолиятида учратмадик.

Катталардан фарқли тарзда болалар, хусусан, мактабгача ёшдаги болаларда *-ча* аффикси кичрайтириш, эркалаш, суйиш каби коннотатив маъноларни ҳосил қилади. *-ча* аффикси эгалик аффикси

<sup>157</sup> Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 21.

<sup>158</sup> Sayfullayeva R., va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya”, 2009. – B. 231.

билан бирга қўлланганда бу каби коннотатив маънолар янада ёрқинлашади. Масалан:

а) кичрайтириш: *Санамбуви уч ёшли Роҳила деган қўғирчоққа ўхшаган сингилчаси бор эди-ку, ўшаниям эргаштириб чиқибди.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

б) эркалаш-суйиш маъноси: *Бетимни иссиққина баданига босиб, “бузоқчам, шириним”, деб эркалайман.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Баъзан бола нутқида кичрайтириш қўшимчалари қўша қўлланади. Бундай ҳолатда *-ча* қўшимчаси эркалаш маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида *қўзичоқчам, тойчоқчам* сўзларида кичрайтириш қўшимчаларининг қўша қўлланиши қайд этилди.

Болалардан фарқли тарзда катталар нутқида кичрайтириш ва эркалаш шаклларининг бир асосга кетма-кет қўшилиши ҳам кузатилади: *бўталоқча, қизалоқча, қўзичоққинам.*<sup>159</sup>

Манбаларда *-чоқ, -чак, -чиқ* аффиксларининг санокли сўзларга қўшилиб, кичрайтириш маъносини ҳосил қилиши қайд этилган. Масалан, “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида *-чоқ, -чак* аффикслари билан ҳосил бўлган *тойчоқ, қўзичоқ, келинчак, тугунчак* сўзларида кичрайтириш маъноси ҳосил бўлганлиги қайд этилган.<sup>160</sup> Бизнингча, *-чоқ* аффиксининг кичиклик семасига эга бўлган *қўзи, той* сўзларига қўшилишида (*қўзичоқ, тойчоқ*) янада кичикликни ифода этувчи коннотатив маъно ҳосил бўлади. Шунингдек, бу сўзлар катталар томонидан болаларга нисбатан кўчма маънода, эркалашни ифода этишда қўлланганда ҳам, коннотатив вазифа бажаради. Мана шу ҳолатларни ҳисобга олмаганда, кўрсатилган аффиксларнинг нафақат болалар нутқида, катталар коммуникатив фаолиятида ҳам коннотацияни ҳосил қилиши чегараланган.

<sup>159</sup> Турсунов У., Мухторов Ж. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 276.

<sup>160</sup> Шоабдурахмонов Ш., ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 243.

Мактаб ёшидаги болалар нутқида *-гина (-кина, -қина)* аффикси нафақат эркалаш, балки кичиклик маъносини бўрттириб кўрсатиш орқали ҳам коннотацияга йўл очади. Масалан:

*Ҳандалакдеккина қишлоғимиз бор: уч маҳаллага бўлинган бўлса ҳам, орастагина, шинамгина.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

2. Ўзбек тилида эркалаш маъносини ҳосил қилувчи аффикслар сифатида *-жон, -хон, -ой, -бой, -лоқ (-алоқ), -гина, (-кина, -қина), -той* кабилар ажратилади. Булар ичида *-жон, -гина, (-кина, -қина)* аффикслари болалар нутқида нисбатан фаол қўлланиб, нуткий коннотацияни ҳосил қилади.

Болалар *-жон* аффиксидан эркалаш, суйиш, ҳурмат маъноларини ифодалашда кенг фойдаланишади. Қуйидаги мисолларда *-жон* аффикси эркалаш маъносини ҳосил қилишда ишлатилган:

1. – ... *Хўш, қани айт-чи ўғлим, одобли бола қанақа бўлади?*

– *Йиқилиб тушганда йиглаб ўтирмайди, дарров ўрнидан туриб кетаверади.*

– *Яхши! Яна қанақа бўлади?*

...– *Яна, укаси йиқилганда ўрнидан турғизиб, йиглама, укажоним, йиглама, деб елкасини силаб қўяди.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

2. *Танишиб қўяйлик: отим Ҳошим, эркалатиб чақирмоқчи бўлсангиз, Ҳошимжон деб атайсиз.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Болалар *-жон* аффиксини суйиш маъносини ифодалашда ҳам қўллашади. Масалан:

1. *Аста ўрнимдан туриб билдирмасдан бориб, энажонимнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олдим.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

2. *Қорин ҳам очган, ойижоним пишириб қўйган паловжонни кўз олдимга келтириб, ҳар замонда лабларимни чапиллатиб қўяман.* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

3. – *Акажон, сиззи яхши кўраман.* (Тошкент шаҳар шевасида сўзлашувчи Абдуллоҳ Муҳиддинов, 4 ёш)

Болалар нутқида қўлланган *-жон* аффикси баъзан ҳурмат маъносини ҳосил қилади. Масалан: *Ўша ака жудаям яхши экан. Катта бўлганда, Худо хоҳласа менам шунақа ака бўламан. Бобожонлар йиқилганда ўрнидан тургазиб қўяман, зорланса, кўчатларини кўчириб бераман.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Болалар нутқида қўлланган *-гина, (-кина, -қина)* аффикси эркалаш маъносидан ташқари, маънони кучайтириш вазифасини бажариб, коннотацияни ҳосил қилади. Қиёсланг:

*Бундай қарасам... Оббо, сочларига ленталар тақиб, оппоққина кўйлақларини кийиб, бир даста гулни бағрига босиб, бир чеккада Донохон турибдилар!* (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

3. Ўзбек тилида улуғлаш, катталаштириш, кучайтириш маъносини ҳосил қилувчи *-вор, -кон, -дон, -он* аффикслари ҳам нутқий коннотацияни ҳосил қилади. Булар ичида *-кон* аффикси болалар нутқида нисбатан кўпроқ ишлатилади. Бу аффикс белгининг меъёрдан ортиқлиги маъносини ҳосил қилиб, коннотацияга йўл очади. Масалан:

*Ҳатто мана бундай шабадасиз оқшомда сизирларнинг туёқларидан кўтарилган оппоқ чангнинг каттакон жулдур кўрпага ўхшаб ҳавода муаллақ қалқиб юриши, ҳамма-ҳаммаси ҳар куни бўладиган манзара.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

4. Ўзбек тилида эгалик аффиксларининг фахрланиш, ҳурмат, танқид, кесатиқ маъноларини ҳам ҳосил қилиши илмий асосланган.<sup>161</sup> Эгалик қўшимчаларининг бу каби коннотатив маъноларни акс эттириши болалар, хусусан, мактаб ёшидаги болалар нутқида хос хусусият ҳисобланади. Масалан:

1. *Бу аҳволда ишим пачава бўладиганга ўхшайди. Қалли отанинг номзодини ўзим таклиф қилиб, буёқларга ўзим келган бўлсам-у, Тўрткўлга сўпнайиб қуруқ борсам! Нима деган одам*

<sup>161</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент. Фан, 1983. – Б. 75.; Максумова С.С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 86.

бўламан. Айниқса, Самад қув нима дейди? Йўқ, бу *ишингиз* бўлмайди, *Согиндиқвой!* (Н.Фозилов. “Болалигим - пошшолигим”)

2. *Ман сани касрингга қолиб, бутун бошли қўйдан айрилдим.*

– *Қўй дийсанми? Ўзингга ўхшаб, зўрға оёгини судрарди.*

– *Ман уни боқиб, семиртирардим.*

– *Бари бир йўлда ўлиб қоларди-ю! Эҳ ҳа, хаёлизда бириз ўн бўлиб, бойиб кетдизми-а?* (Ш.Аббосов, А.Наумов. “Шум бола” кинофильми)

Биринчи мисолда қўлланган *ишингиз* сўзшакли таркибидаги эгалик аффикси кўплик ёки ҳурматни ифода этмаган, балки сўзловчининг ўзига нисбатан танқид оттенкасини ҳосил қилган. Иккинчи мисолда эса эгалик аффиксининг шевага хос шакли (-из)га кесатик маъноси юкланган.

Шуниси характерлики, эгалик аффикслари -гина юкламаси билан бирга келиб, нутқ эгасининг куйиниши, ачиниши кабиларни юзага чиқаради. Масалан, “*Укагинам қўлга тушиб қолишидан қўрқиб, чинқириб додлаб боряпти*” (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”) гапида қўлланган *укагинам* бирлигида ачиниш ҳисси акс этган.

Морфологик бирликлар ичида юкламаларнинг коннотатив маънони ифодалашдаги ўрни юқори. Мактабгача ёшдаги болалар нутқий таъсирчанликка эришишда, айниқса, - *чи*, -*да*, -*ку*, - *у(-ю)*, -*ки* юкламаларидан кенг фойдаланишади. Бу юкламалар коннотацияни ифодалаш билан бирга, болаларнинг субъектив муносабатини ҳам намоиш этишга хизмат қилади. Масалан:

*Мен ҳам юзимни “мушук ювиш” қилдим-у, ўша ёққа чопдим. Бўлмаса-чи, ҳозир “келин салом” бўлади-да.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Берилган матнда қўлланган -*чи*, -*да* юкламаларининг таъкидни ҳосил қилиб, маънони кучайтиришга хизмат қилганлигини сезиш қийин эмас.

Мазкур ёш давридаги болалар томонидан юкламанинг такрор қўлланиши коннотациянинг кучини янада оширади. Масалан:

*Мозор бобо ёнидаги хонақоҳга келсак, вой, хонақоҳни билмайсизми, энам ҳам, бобом ҳам билади-ку, ҳамма билади-ку, уни шайх ўтирган хонақоҳ дейишади-ку!* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Болалар *-ки* юкламасидан кўпинча тасвирийликни бўрттиришда фойдаланишади. Бундай ҳолатда ҳам матнда болаларга хос нутқий коннотация шаклланади. Масалан:

*Шунақанги нарсаларни биладик!* Бу ердан олисда, жудам олисда тоғлар орқасида Чирчиқ деган шаҳар бор. Шунақа катта шаҳарки, унинг олдида Тошкент нима бўпти! (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

*Эшигимиз олдида бир туп ёнғоқ бор. Шунақанги баландки, учи осмонга тегиб туради.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

– *Шерик! Дадажонимни шундай соғиндимки, – деди Самовар ҳиқиллаб. Уч йил бўлди кўрмаганимга.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

Матн таркибида маънони кучайтирувчи *шунақанги* (*шунақа, шундай*), *чунонан, бирам* сўзларининг ишлатилиши ҳамда *-ки* юкламасининг такрор қўлланиши коннотацияни ҳосил қилади. Масалан:

*Кейин дераза томонга қарасам..., шунақанги қор ёзптки, шунақанги тез ёзптки... Миллион-миллионтаси бир-бирини қувалаб тушяпти, войбў, жудаям чиройли.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

*... Муаттар синглимни дадам уйимизнинг булбули деб атайди. Ўзиям бирам ширинки, ойижоним уни шунақа ясатадики, худди магазинларда сотиладиган елим қўғирчоқнинг ўзгинаси дейсиз.* (Х.Тўхтабоев. “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги”)

Болалар нутқ жараёнида ундов сўзлардан ниҳоятда кенг фойдаланишади. Бу жиҳат болаларнинг ҳиссиётларини яшира олмасликлари, уни ошкора ифода этишга мойилликлари билан

боғлиқ. Болалар нутқида қўлланган ундов сўзлар коннотацияни ифодаловчи фаол бирликлар ҳисобланади. Ундов сўзлар нутқнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилиш билан бирга, бевосита боланинг воқеликка баҳо муносабатини ҳам акс эттиради. Қиёсланг:

1. – *Менинг этагим яхши пириллайди, – деди Клара. – Ҳоо, мана қаранг, бизники сизникидан баттарроқ пириллайди.* ( М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

2. – *Ўҳ! Қўлим! .. Қўлим! – деди Акрам кўзи бирдан жиққа ёшга тўлиб.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

3. *Кейин тугун олиб келган экан, ўшанданам фақат битта нон олиб, чуқур токчада бошқа тугунлар ҳам кўп экан, ҳаммасини опанинг тугунига шундай катта қилиб тугдики, **вой-бу**, уни қандай қилиб кўтаришаркан, деб ўйладим.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

4. – *Ҳоо, ҳечам-да, меникиям шунақа овоз чиқаради.* (Азим Холиқов, 15 ёш)

Мисоллардан кўринадикки, ундов сўзлар ифоданинг таъсирчанлигини таъминлашга ҳамда нутқ эгасининг турли даражадаги субъектив муносабати (*эътирози, изтироби, ҳайрати, гурурланиши* кабилар)ни акс эттиришга хизмат қилган.

Хуллас, болалар нутқида коннотациянинг ифодаланишида морфологик бирликлар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Морфологик бирликлар сирасида, айниқса, луғавий шакл ясовчилар, юклама ва ундов сўзлар фаол иштирок этади.

**Болалар нутқида коннотатив маънонинг синтактик усулда ифодаланиши.** Болалар нутқида сўз бирикмалари, гапнинг турли кўринишлари, мурожаат бирликлари, кириш қурилмалар, парцеллятив бирликлар, синтактик окказионализмлар орқали коннотациянинг ифодаланишини кузатиш мумкин. Болалар нутқида коннотациянинг ифодаланишида синтактик такрор ва инверсиянинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Монографиянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда улардан айримларига тўхталамиз.

Болалар нутқида катталарда кузатилмайдиган ўзига хос сўз бирикмалари учрайди. Масалан, *қора амма, пакана холам, қўли катта амаки* кабилар. Бундай сўз бирикмалари ифоданинг таъсирчанлигини оширади, образлиликни юзага келтириб, тингловчини ўзига жалб қилади. Масалан: – **Қора амма, бизлар келдик! Вой амманг айлансин! Вой амманг ўргилсин сендан!** (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Тилшуносликда мурожаат бирликларининг экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усулларидан бири эканлиги қайд этилади.<sup>162</sup> Мактабгача ёшдаги болалар нутқида учраб турадиган ноодатий мурожаат бирликларида ҳам коннотациянинг катталарда кузатилмайдиган ифодаси кўзга ташланади. Буни қуйидаги мисолда кузатиш мумкин:

– *Сени бу ерга ким олиб келди? – деб сўради дадаси ўглини бағрига босаркан. Собит жилмайиб турган милиционерни кўрсатди. Адасига конфетини ҳам кўз-кўз қилди.*

– *Оҳо, амакинг сени яхши кўрар экан-ку!*

*Обид ака милиционерга, кўк кўйлакли опага раҳмат айтиб, Собитни олиб кетди.*

*Уйга келишганда Каромат хаёл суриб эшик олдида турарди.*

– *Опавой, – деди Собит, – милиционер амаки яхши экан-ку!*

*Шу-шу Собит милиционерларни қачон кўрса: “Ассаломалайкум, яхши амаки!” – дейдиган бўлди.* (М.Муродов. “Яхши амаки”)

Эътибор берилса, матнда қўлланган *яхши амаки* мурожаат бирлиги орқали мурожаатнинг ўзига хос таъсирчан шакли ҳосил қилинган. Бундай мурожаат бирлигида боланинг субъектив муносабати ҳам очиқ сезилиб туради. Умуман, болалар томонидан кишиларнинг эзгу амаллари ва фазилатларини баҳолашга қаратилган прагматик бирликлар ижтимоий гуруҳ аъзоларининг барчаси учун ижобий баҳо ифодаловчи ишора воситаси вазифасини ўтайди.

---

<sup>162</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент. Фан, 1983. – Б. 77.



Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, онтогенез даврида яхши ва ёмон тушунчаларини тилда акс эттириш ўзига хос тарзда кечади. Хусусан, Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар нутқида “яхши” тушунчаси **опоқ**, “ёмон” тушунчаси **бижи** диалекти орқали ифода этилади. Бироқ бир миллатга мансуб болаларнинг коммуникатив-прагматик фаолиятида ижобий ёки салбий баҳони умумий тарзда акс эттиришга хизмат қиладиган ифода шакллари коннотатив белгили диалектал элемент ёхуд индивидуал окказионализм сифатида ўзига хос структурага эга бўлиши мумкин. Бу ҳолат тўққиз ойдан икки ёшгача бўлган болалар нутқида кўп кузатилади. Икки ёшдан олти ёшгача бўлган болалар нутқида эса *яхши* сифати шахс дейксисини шакллантирувчи бирикма таркибида қўлланиб, муайян ижтимоий гуруҳ вакилларига нисбатан баҳо ифодачисига айланади.

Болалар нутқида, айниқса, ундов гаплар коннотацияни ҳосил қилувчи фаол синтактик бирликлар ҳисобланади. Ундов гапларда болаларнинг ҳис-ҳаяжони ва у орқали воқеликка баҳо муносабати ёрқин акс этади. Қуйидаги гапларни таҳлил қиламиз:

1. ... *Бир ойна дадасининг қорнини жуда катта қилиб кўрсатди. Азаматжон қотиб кулди-да:*

– ***Вуй, ада, қорнизни қаранг. Жуда катта, хунук бўлиб кетди!..*** (М.Муродов. “Боши хумдай бола”)

2. – ***Вой,*** (қўғирчоғим) *касал бўлиб қолибди, тўлаб берасан! – деди Муҳайё Манзурага.* (Н.Ёқубов. “Кичкина доктор”)

3. *Уйга киришар экан, Баҳодир ҳам сўраб қолди:*

– *Ада, менинг ойим ҳам зўрмилар?*

– *Сенинг ойинг ҳам зўр, ўғлим. У ишчи, фабрикада ҳаммага газлама тўқиб беради.*

*Баҳодир хурсанд чапак чалиб юборди:*

– ***Ур-е,*** бизнинг ойимиз ҳам зўр! (М.Муродов. “Кимнинг ойиси зўр?”)

4. *Синфга киришим билан, болалар қичқириб юборишди: – **Ур-ре-е,*** *Ҳожжи келди!* (Э.Раимов. “Ажаб қишлоқ”)

Биринчи ва иккинчи мисолда ҳайратланиш, ажабланиш каби ҳис-туйғулар билан бирга, боланинг салбий муносабати ҳам акс этган. Кейинги мисолларда эса кўтаринки рух, мамнунлик каби коннотатив маънолар ҳосил қилинган. Шу билан бирга, боланинг воқеликка ижобий баҳоси ўз ифодасини топган.

Болалар нутқида қўлланган риторик сўроқ гапларда ҳам коннотациянинг кучли ифодаланишини пайқаш мумкин. Риторик сўроқ гапларда сўроқ шаклидаги синтактик қурилма орқали дарак, буйруқ, истак характеридаги пресуппозицияларнинг англашилиши фикрнинг таъсирчан ифодаланишига йўл очади. Масалан:

1. – *Бувижон, жон буви! Кўчадан чақираётганда “Достону-у!” деб чақирманг, болалар устимдан кулишяпти.*

– *Хавотир оганимдан чақираман-да, болам!*

– *Хавотир оменг, мен сизга ёш боламидим?* (Р.Мухаммаджонов. “Тангалик болалар”)

2. *Қишлоғимизда учта қори почча бор. Учовлари қишлоқнинг уч чеккасида туришади. Одамларнинг айтишига қараганда, яқинроқ туришса бўлмас эмиш - бир-бирларининг гўштларини еб қўйишармиш. Менимча, бу ёлгон бўлса керак. Ахир ўзингиз ҳам бундоқ бир ўйлаб кўринг, ҳеч жаҳонда одам ҳам бир-бирининг гўштини ейдими?* (Х.Тўхтабоев. “Сарик девни миниб”)

Биринчи мисолда бола нутқида қўлланган “*Хавотир оменг, мен сизга ёш боламидим?*” риторик сўроқ гапи “*Хавотир олманг, мен ёш бола эмасман*” ахборотини баён қилиш вазифасини бажарган. Бола дарак характеридаги ушбу ахборотни ифода этиш учун сўроқ гап шаклини танлаган ва бу билан фикрнинг таъсирчан бўлишига эришган, ахборотда акс этган хулосасининг қатъий эканлигига ишора қилган. Шунингдек, боланинг ўзига нисбатан юқори баҳо бериши матнда кўзда тутилган коммуникатив-прагматик мақсадга мувофиқ равишда кулгили ҳолат юзага келишига сабаб бўлган.

Кейинги мисолда эса қўшма гапнинг “*Ҳеч жаҳонда одам ҳам бир-бирининг гўштини ейдими?*” компонентида “*Одамлар бир-*

*бирининг гўштини емайди*” ахборотини ифодалаш мақсади кўзда тутилган.

Кўринадики, сўроқ гап шакли орқали дарак (берилган мисолларда) ёки буйруқ, истак каби мазмуний муносабатларнинг ифода этилиши жумланинг таъсир кучини оширишга, нутқ эгасининг эътирози, таъкиди кабиларни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Баъзи болалар ўзаро суҳбат жараёнида бир-бирига нисбатан *“Кармисан?”*, *“Соқовмисан?”*, *“Кўрмисан?”* каби сўроқ гаплар билан мурожаат қиладилар. Бундай гаплар орқали бола гўё суҳбатдошини камситаётгандек, масхаралаётгандек туюлади. Аслида болалар бу типдаги сўроқ гаплар орқали нутқнинг таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қиладилар. Масалан, *“Тангалик болалар”* кинофильмида тасвирланишича, фильм қаҳрамони *“Тонгда хўроз қичқирди”* жумласини ёзишда опасига шундай савол беради:

– *Опа! “Хўроз”да дум бўладими?*

Опаси боланинг сўроқ гап орқали назарда тутган прагматик мақсадини тўғри англаб етгани учун хўроз сўзидаги *х* ҳарфининг элементсиз ёзилишини айтади. Шунда уларнинг кичик укаси суҳбатга қўшилади. У шу ерда юрган хўрозга ишора қилиб, акасига танбех беради:

– *Ғилеймисан, кўрмаяпсанми? Хўроззи думи бор-ку!*

Эътибор берилса, *“Ғилаймисан?”* риторик сўроқ гапи шахсни масхара қилиш ёки камситиш учун эмас, балки воқеликка нисбатан танқидий баҳо муносабати, эътирозини кучайтириш мақсадида ишлатилган. Бу каби мисоллар таҳлилида коннотациянинг белгиланишида нутқ эгасининг ёш хусусияти билан боғлиқ жиҳатлар алоҳида эътиборга олинishi лозим.

Болалар нутқида учраб турадиган синтактик окказионализмлар ҳам образлиликни ҳосил қилиш, таъкид, давомийлик каби турли коннотатив маъноларни ҳосил қилади. Масалан:

*Бобожоним бошини чайқаб “йўқ” деб тураверди. Бирпас турди, иккипас турди, ахири уҳ тортиб, бўпти, билганларингни қилинглар,*

дея йиғламсираб, қорнини ерга бериб ётиб олди. (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

*Бирпас кутдик, иккипас кутдик. Э, борингки, бир соат вақт ўтиб кетди. Директоримиздан ҳамон дарак бўлмаяпти.* (Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”)

*Униси туртади, буниси суртади, бу ҳам етмагандек, ойимга дағдага қилишади.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Болалар нутқида кузатиладиган ўхшатишли қурилмалар ҳам коннотация ифодаси учун хизмат қилади. Айниқса, бадий матнда болалар нутқида киритилган қуйидаги ўхшатишли қурилмаларни коннотациянинг гўзал намуналари ҳисоблаш мумкин. Ўхшатишли қурилмалар ёрдамида образлилик, таъсирчанлик, маънони кучайтириш, бўрттириш каби прагматик маънолар ҳосил қилинган:

*Атроф худди шакар сепиб қўйгандай оппоқ.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

*Ана энди этик бизники. Фақат бизга етиб келгунча этикнинг таги Наим сартарошнинг иягидек сип-силлиқ бўлиб кетади.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

*Ўйин-кулги ҳамон давом этарди. Чилдирма тараклайди. Илҳом чойхоначи ликопчани ютиб юборгудек оғзини катта очиб ашула айтади.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Албатта, берилган мисоллардаги ўхшатишли қурилмаларнинг сўз санъаткорлари Р.Фозилов, Ў.Ҳошимовларнинг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқлиги сезилиб турибди. Бироқ бадий асарда болалар нутқи нусхаланмайди, аксинча, уларнинг нутқида оид хусусиятлар услубий воситалар ёрдамида ўзига хос тарзда акс эттирилади. Болалар адабиётига оид ҳар бир асар матни ёзувчининг шахсий кузатишларига асосланади. Шу жиҳатдан юқоридаги каби ўхшатишли қурилмалар болалар жонли нутқида ҳам учраб туради.

Болалар нутқида коннотациянинг ҳосил қилинишида синтактик такрор ва инверсия ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, синтактик такрорнинг ниҳоятда кўп учраши болалар нутқининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Қуйидаги мисолларни таҳлил қиламиз:

1. **Қамаласан, қамаласан, қамаласан** эмиш, қамаб бўпти, қамаса ҳаммасини **тишлаб оламан**, қўлларини, оёқларини **тишлайман...** (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

2. **Тўзри-да, нега ҳадеб бойнинг набирасисан, бойнинг набирасисан** дейишаверади. **Набираси бўлсам, нега янги этигимни кийдиргани қўйишмайди, чамандагул дўптим бор, энам ўшаниям кийдиргани бермайди, эски қилиб қўясан, эски қилиб қўясан** дегани-деган. (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

3. – **Мени алдашди!**

– **Ким? Нимага?**

– **Алдашди! Алдашди!** – **Бошқа гап айтолмасдан нуқул шу сўзларни ер тепиниб йиғлар эдим.**

– **Алдашди! Алдашди!** (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Кўринадики, берилган нутқ кўринишларида ажратиб кўрсатилган синтактик бирликлар такрор қўлланиб, эътироз, таъкид, ғазаб, ҳайратланиш каби турли коннотатив маъноларни ҳосил қилган.

Болалар нутқида кузатилувчи инверсия ҳодисаси ҳам баъзан коннотатив маънони ифодалашга хизмат қилади. Инверсия ҳодисасининг юзага келиши нутқ эгасининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ бўлиб, бунда гап бўлаклари тартибини ўзгартириш, тартиби ўзгарган бўлакка мантиқий урғу юклаш орқали коннотатив маъно ҳосил қилинади. Бу жараёнда инверсияга учраган бўлак таъкидга эга бўлади ва нутқнинг таъсир кучи ортади. Масалан:

1. – **Бува! Ким билан гаплашдиз?**

– **Ким билан бўларди, ойинг билан гаплашдим.**

– **Ойим билан? Нима дидила ойим?** (Р.Муҳаммаджонов. “Чол ва набира”)

2. **Негадир унинг бу иши ёқинқирамади бизларга.** (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

Мисоллардан кўринадики, эга-кесим инверсияси кузатилган биринчи мисолда инверсия сўроқ актининг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Кейинги ҳолатда эса инверсияга нутқ эгасининг воқеликка нисбатан баҳо муносабатига адресатни жалб этиш

вазифаси юкланган. Болалар нутқида кузатиладиган бу каби ҳолатлар коммуникатив ниятнинг тўлиқ рўёбга чиқиши учун ҳам хизмат қилади.

Болалар нутқида таъкидни кучайтириш орқали коннотатив маъно ифодалашга хизмат қилувчи ҳодисалардан яна бири парцелляциядир. Гапнинг муҳим бўлагини ажратиб, уни гап ташқарисига чиқариш орқали таъкидни ҳосил қилиш болалар нутқида ҳам кузатилади. Масалан, “*Элак тап-тап этади. Тагидан супрага ун ёғилади. Худди қордай*” (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”) мисолида парцеллят вазифасини бажарган ўхшатишли қурилма ўзидан олдинги гапнинг таркибий қисми сифатида алоҳида таъкидга эга бўлиб, коннотацияга йўл очган.

**Болалар нутқида имо-ишора, мимик ифодалар орқали коннотатив маънонинг ифодаланиши.** Болалар ҳам катталар каби мулоқот жараёнида турли имо-ишоралар, мимик ифодалардан унумли фойдаланишади. Бундай новербал воситалар болалар нутқини ихчамлаштириш, уни мазмунан тўлдириш, таъсирчан қилиш каби вазифаларни бажаради.

Имо-ишораларнинг қўлланишига бўлган эҳтиёж ҳақида фикр юритар экан, А.Нурмонов ҳам тантанали имо-ишораларнинг нутқни кузатиб бориши унинг таъсирчанлигини таъминлаши, баъзи имо-ишораларнинг нутқнинг экспрессив-стилистик оттенкасини кучайтириш учун хизмат қилишини қайд этади.<sup>163</sup>

Нутқ жараёнида имо-ишора, мимик ифодаларнинг вербал бирликлар билан ёнма-ён қўлланиши нутқнинг таъсир кучини ошириш билан бирга, тингловчи томонидан унинг тез ва аниқ тушунилишига имкон яратади. Психологларнинг қайд этишича, визуал (имо-ишора) реакция нутқий реакцияга нисбатан ўртача 170 м.сек. тез амалга ошади.<sup>164</sup> Мана шу жиҳатига кўра ҳам новербал воситалар мулоқотнинг муҳим атрибути саналади.

<sup>163</sup> Нурмонов А. Ўзбек паралингвистик воситалари // Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 229.

<sup>164</sup> Вальшнер Я., Миккин Х. Невербальная коммуникация в диадах // Труды по психологии. – Тарту, 1974. – С. 121.

Ўзбек тилидаги новербал воситаларнинг нутқдаги вазифалари, миллий хусусият касб этиши масаласини махсус тадқиқ этган М.Саидхоновнинг таъкидлашича, паралингвистик воситаларнинг лисоний ифодаси бадий асар матнидаги баъзи ишоралар мазмунини тушунишга ҳам ёрдам беради.<sup>165</sup> Мулоқот жараёнида кишилик жамияти учун ёрдамчи алоқа куроли вазифасини ўтайдиган имо-ишоралар, мимик ифодалар тил бирлигига қўшимча маъно юклаш ёки унинг маъносини кучайтириш каби коннотатив вазифалар бажаради.

Болалар томонидан новербал воситаларнинг қўлланиши хусусидаги Г.Искандарованинг хулосаларига кўра, бола 5-6 ойликдан 2,5-3 ёшгача бўлган даврида ўз фикрини кўпинча имо-ишора, хатти-харакатлар орқали баён қилади. Бола мулоқот чоғида сўз маъносини идрок этса-да, уни нутқида ифодалашга қийналади. Бунда нутқий ифодадан кўра кинематик воситадан фойдаланиш бола учун қулай ҳисобланади. Шу билан бирга, у коммуникатив вазиятда новербал воситанинг таъсир кучи нутқий ифодага нисбатан самарадорлигини тобора сезиб боради.<sup>166</sup> Англашиладики, новербал воситалар энг ёшлик чоғидан бошлаб болалар нутқида ўзига хос алоқа воситаси вазифасини бажаради.

Новербал воситаларнинг аксарияти мактабгача ёшдаги болаларда деярли бир хил. Бу турдаги алоқа воситалари бола билан мулоқотга киришувчи шахслар перцептив фаолиятида юзага келадиган коммуникатив-прагматик тўсиқларни бартараф этишга ёрдам бериши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Г.Искандарова болалар коммуникатив фаолиятида кўп ишлатиладиган кинематик ифодалар сифатида қуйидагиларни қайд этади:

1. “Хафа бўлдим” – лабини чўччайтириб юзини терс буриб олади.
2. “Қўлимни юв” – иккала қўлини тўғрига чўзиб, бармоқларини юмиб-очади ва сув оқадиган жўмрак томонга интилади.

---

<sup>165</sup>Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б. 5.

<sup>166</sup>Искандарова Г. Болаларга хос кинематика / Филология янги юз йилликда: фаннинг тугун ва ечимлари / ТошДШИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2003. – Б. 181.

3. “Раҳмат” – икки қўлини кўксига қўйиб, боши ва гавдасини сал букиб, “их” деган товуш чиқаради.

4. “Хайр” – қўлини кўтариб, бармоқларини юмиб-очади, баъзан кафтини силкитиб хайрлашади.

5. “Ҳа” – тасдиқ ишораси: бошини юқорига ва пастга бир маромда уч-тўрт марта силкитиб қўяди.

6. “Йўқ” – инкор ишораси: бошини ўнгга ва чапга қараб ҳаракатлантиради.

7. “Менга қарама” – қўли билан юзингизни тескари тарафга буради. Агар орангиздаги масофа узоқ бўлса, қўл ҳаракатлари билан ҳавода юзингизни итаради ва тескари томонга қаратади”.<sup>167</sup>

Албатта, бу каби новербал воситаларнинг қўлланиши болалар коммуникатив фаолиятида тез-тез учраб туради. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, новербал бирликлар алоқа воситаси сифатида фикр ифодалашга хизмат қилса-да, ҳар доим ҳам нутқий коннотацияни юзага келтиравермайди. Масалан:

*Шундоққина ёнимизга келганида:*

– *Ҳа, йўл бўлсин, кечлатиб... – деди Аъзам.*

– *Шаҳарга, – у шундай деди-ю, қовоқ-тумшуқ қилиб ўтди-кетди.*

*Биз бир-биримизга қараб елкамизни қисдик.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

Ушбу матнда акс этган *елка қисиш* ҳаракати нутқ эгаларининг фикр-мулоҳазасини ифода этишга хизмат қилган. Бу ҳаракат орқали жумладан “*Унга нима бўлган? Нега шаҳарга кетаётибди?*” каби саволларни англаш мумкин бўлади. Елка қисиш ҳаракати мана шу вазифани адо этган холос. Унинг коннотацияни ҳосил қилиши сезилмайди. Бу ҳолат куйидаги мисолда ҳам кузатилади:

– *Бу амакингни танийсанми? Елкамни қисдим.* (Н.Фозилов. “Болалигим – пошшолигим”)

Англашиладики, нутқ жараёнида қўлланган новербал воситаларнинг ахборот ифодалаш хамда бу жараёнда коннотацияни ҳам ҳосил қилишини фарқлаш лозим.

<sup>167</sup> Исқандарова Г. Кўрсатилган мақола, – Б. 182.



Болалар томонидан нутқ вазиятида новербал воситалар ёрдамида ҳосил қилинадиган коннотацияни қуйидаги мисоллар қиёсий таҳлили орқали асослашга ҳаракат қиламиз:

1. *Рисолат она мени кўриб негадир жилмайди:*

– *Уйга кетмадингми? Индамай бош чайқадим.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

2. *Акрам Қора денгизга боролмай қолишини сезади-да:*

– *Йўқ, – деб бош чайқайди.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Биринчи мисолда қўлланган *бош чайқамоқ* ишора феъли нутқ эгасининг берилган саволга бош ҳаракати орқали ифода этган жавобини (“*Уйга кетмайман*”) англатади. Сўзловчи фикрини баён этишда қўллаган бу новербал восита коннотатив маънони ифодалашга хизмат қилмаган. Аммо кейинги мисолда қўлланган *бош чайқамоқ* бирлиги “*Йўқ*” гапи орқали англашилган ахборотни семантик жиҳатдан такрорлаган. Фикрнинг ҳам вербал бирлик, ҳам новербал восита орқали ифода этилиши инкор актининг таъсир кучини оширишга хизмат қилган.

Болалар нутқда тасдиқ характеридаги ахборотни таъкидлаш мақсадида *бош ирғамоқ, бош силкитмоқ* ишораларидан фойдаланишади. Масалан:

*Кеч кирганда тоғдан қора қашқа от минган Суюн ота қайтди. Отдан тушиб ўгли билан кўришар экан:*

– *Э хайрият, ҳар йил Қора денгизга кетадиган ўғлимиз бу йил бизнинг тоққа келибди! – деб ҳазиллашди. Кейин Акрамни бағрига босди: – Қалай, какликдан хурсандмисан?*

*Акрам бош ирғаб, уялинқираб: – Ҳа, – деди.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Қуйидаги мисолда эса қўл ҳаракати орқали нутқий коннотация ҳосил бўлган:

– *Қани эчки?*

– *Ана! – Қўлим билан ўн қадамча нарида, бир тўда одам орасида турган эчкини кўрсатдим.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Ушбу матнда кўрсатиш олмоши ёрдамида нутқ объектига ишора қилиш ҳамда кўл ҳаракати орқали уни кўрсатиш нутқий коннотацияни юзага келтирган.

Болалар нутқнинг таъсирчанлигига эришишда мимик ифодалардан ҳам унумли фойдаланишади. Мимик ифодалар болаларнинг руҳий ҳолатлари ҳақида ҳам маълумот бера олади. Бундай ҳолатда ҳам мимик ифода матннинг таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради. Масалан:

*Ўрнимдан туриб:*

– *Чиқиб кетинглар энди, – деб кигизни гупиллатиб тепдим, – бувимни согинганман, билдингизми?*

– *Муҳтарам холам:*

– *Сен жуда одобли бола эдинг-ку, – деди лабини буриб.*

– *Ўзингиз одобли боласиз, – деб менам лабимни буриб қўйдим.*

(Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Кўринадикки, бола томонидан холасига нисбатан билдирилган эътироз бевосита “Ўзингиз одобли боласиз” жумласида акс этган. Аммо боланинг лаб буриши бу эътирозни янада кучли намоёиш этишга хизмат қилган.

Болалар томонидан амалга оширилган бу каби мимик ифодаларнинг бадий асарлардаги моҳирона тасвири матннинг таъсир кучини яна оширишга ёрдам беради. Масалан:

*Акрам орқасига қайтди. Ойиси уни уйга олиб кирди. Машиначаларини олиб, жавоннинг тепасига қўйди.*

– *Ҳатимга кирмаганинг учун энди сенга машиналарни бермайман, – деди.*

*Акрам йиғлагундай бўлиб, бирпас лабини буриб, қовогини солиб турди.* (П.Қодиров. “Акрамнинг саргузаштлари”)

Матнда қўлланган лаб ҳаракатини ифода этувчи *лабини буриб* бирлиги боланинг эътирози ҳақида ахборот ташийди, шу билан бирга, унинг руҳий ҳолатини ҳам акс эттиришга хизмат қилган. Кинематиканинг бундай кўриниши боланинг прагматик фаолиятида ҳам катталардаги каби хафалик аломатини ифодалашга хизмат

қилган. Бироқ болалардан фарқли равишда катталарнинг коммуникатив фаолиятида хафалик ҳолати асосан вербал воситалар орқали ифодаланади.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида қўлланган айрим новербал воситаларнинг такрор қўлланиши ифоданинг таъсир кучини янада оширади. Масалан:

*Бобом овозини чиқармасдан, кўз ёшларини артиб-артиб йиғласа, энам худди тоғорада хамир қораётгандек, кигизни муштлаб-муштлаб, гижимлаб йиғлайди.* (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Албатта, болалар нутқида қўлланган бу каби новербал воситалар катталар нутқида ҳам хос. Аммо болалар нутқида уларнинг ўзига хос новербал воситалар ҳам кузатилади. Болалар кўпинча оёқни ерга қаттиқ уриш, ер тепиш, оёқни типирлатиш кабилар орқали эътирозларини таъсирчан ифодалашга ҳаракат қилишади. Масалан:

*Суна томондан онамнинг овози келди:*

– *Нима бўпти?*

– *Нима қилдингиз? – дедим алам билан. – Соққамни нима қилиб қўйдингиз?!*

*Ойим секин тепамга келди.*

– *Мана, – дедим пўчоқни кўрсатиб. – Соққамни чақиб қўйибсизку!*

*Ойим негадир кулди:*

– *Қаёқдан биламан. Қўй, болам, аканг бошқасини топиб берар.*

*Ойимнинг кулиши баттар алам қилди.*

– *Керакмас, керакмас! – дедим оёғимни типирлатиб.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Мактабгача ёшдаги болалар катталар ёки тенгдошлари хатти-ҳаракатидан норози бўлишганда, норозилиklarини ер тепиниш орқали ҳам ифода этадилар. Бундай ҳолатда ҳам боланинг норозилик кайфияти ўта таъсирчан тус олади. Масалан:

*Энди яна бувим билан тўйиб-тўйиб гаплашаман десам, ҳадеб қўшнилари миз чиқаверади, вой, ўртоқ, эсонмисиз, деб елкасига қўлини*

мана бундай ташлаб, ҳеч бири менга эътибор бермайди... Бувимни менга беришмас экан-да, мен уни соғинганман. Ўрнимдан туриб:

– Чиқиб кетинглар энди, – деб **кигизни гупиллатиб теңдим**, – бувимни соғинганман, билдингизми? (Х.Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”)

Бола тилидан ер тепиниш ҳаракатига нисбатан **кигизни гупиллатиб теңдим** қўлланишининг бадий матнга киритилиши ифоданинг таъсир кучини янада оширишга хизмат қилган, шу билан бирга, ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини ҳам кўрсата олган.

Хуллас, бир қарашда ниҳоятда содда туюладиган болалар нутқи прагматик жиҳатдан мураккаб тузилишга эгалиги билан характерлидир. Бу хусусият болалар нутқида коннотациянинг ифодаланишида ҳам кузатилади.

Ўзбек болалари нутқининг коннотатив хусусиятлари тил тизимининг барча сатҳларига оид воситаларда, шунингдек, новербал бирликлар орқали реаллашади. Бу воситалар нутқий таъсирчанликни ошириш, таъкидни ҳосил қилиш, шунингдек, субъектив баҳо муносабатини акс эттиришга хизмат қилади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Прагмалингвистиканинг марказий масалаларидан бири нутқий акт назариясидир. Болалар турли нутқий актлардан фойдаланган ҳолда нутқий фаолиятни амалга оширадilar. Болалар нутқида локутив акт баъзан нутқий меъёрлар талаби остида, баъзида унга амал қилинмаган ҳолда тузилади. Локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофиқ бўлиши болалар нутқида юз берадиган турли товуш ўзгаришлари билан боғлиқ.

2. Болалар нутқ жараёнида ахборотни ошқора баён этувчи пропозиционал актлардан унумли фойдаланишади. Мактаб ёшидаги болалар нутқида мактабгача ёшдаги болалардан фарқли тарзда яширин ахборот ташувчи пропозиционал актлар ҳам қўлланади.

3. Болалар иллокутив актнинг тасдиқ, сўроқ, илтимос, буйруқ, кечирим, истак, талаб каби турларини ҳосил қилишади. Катталардан фарқли тарзда болалар нутқида маслаҳат, киноявий тасдиқ, огоҳлантириш, ваъда актлари кам учрайди. Рози-ризолик акти болаларга деярли хос эмас.

4. Перлокутив актни ҳосил қилиш болалар нутқий фаолиятининг муҳим жиҳатидир. Улар кўпинча хабар, буйруқ, сўроқ актлари орқали нутқий таъсир кўрсатишни мўлжаллайдилар.

5. Болалар коммуникатив фаолиятида юзага келадиган прагматик тўсиқни икки жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1) болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиши; 2) болалар томонидан ўзгалар нутқининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилиниши.

6. Болалар нутқида пресуппозицияга ишора қилувчи лексик, морфологик, синтактик бирликлар қўлланади. Лексик бирликлар семантик табиати ҳамда иккиламчи вазифаси асосида пресуппозицияга ишора қилади.

7. Болалар нутқида семантик табиати орқали пресуппозицияга ишора қилувчи феъллар кенг қўлланади. Айрим феъллар пресуппозиция орқали ҳаракатга қадар амал қилган ҳолатга ишора қилади. Баъзи феъллар нутқда қўлланганда ҳаракат асосида юзага

келган натижавий ҳолатни акс эттирувчи пресуппозицияга ишора қилади.

8. Болалар нутқида қўлланган от, сифат, сон, равиш туркумига оид айрим морфологик бирликлар, ёрдамчи сўзлар орқали ҳам турли пресуппозицияларнинг ифодаланиши кузатилади. Ёрдамчи сўзлар факультатив вазифаларида пресуппозицияни ифодалашга хизмат қилади.

9. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида “*Ни қаранг*” моделидаги синтактик қурилмалар орқали ҳам пресуппозиция ифодаланади. Бундай синтактик қурилмалар орқали болалар катталарни бирор бир кимса томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатдан хабардор қилиш мақсадини кўзлайдилар.

10. Болалар коннотацияни ҳосил қилишда тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик воситаларидан унумли фойдаланишади. Болалар нутқида кузатиладиган куйидаги фонетик ҳодисалар коннотация ифодаси учун хизмат қилади: 1) унли товушнинг чўзиб талаффуз қилиниши; 2) ундош товушнинг иккилантирилиши; 3) сўзнинг бўғинларга ажратиб талаффуз қилиниши; 4) сўз бўғинининг такрори ва фонетик жиҳатдан ўзгартирилиши; 5) сўздаги товушларнинг фонетик жиҳатдан бузиб талаффуз этилиши.

11. Болалар нутқида экспрессив-эмоционал бўёққа эга бўлмаган айрим сўзлар ҳам баъзида коннотатив маънони ифодалайди. Сўзни бундай мақсадда қўллашда боланинг олами қай тарзда тасаввур этиши ва уни тилга кўчириши муҳим ўрин тутди. Болалар нутқида оид айрим антонимик жуфтликлар, ўзига хос метафорик қўлланишлар, ўхшатишга асосланган номлар, окказионал лексик бирликлар коннотатив маънони ифодалаш билан бирга, нутқнинг социал хосланишидан ҳам дарак беради. Мактаб ёшидаги болалар нутқида қўлланган лақаблар, диалектизм ва вульгаризмлар ҳам, гарчи адабий тил меъёрларидан чекиниш бўлса-да, нутқнинг таъсир кучини оширишга, сўзловчининг баҳо муносабатини акс эттиришга хизмат қилади.

12. Катталардан фарқли тарзда болаларда *-ча* аффикси эркалш, суйиш каби коннотатив маъноларни ҳосил қилади. *-ча* аффикси эгалик аффикси билан бирга қўлланганда бу каби коннотатив маънолар янада ёрқинлашади. Мактаб ёшидаги болалар нутқида *-гина* (*-кина, -қина*) аффикси кичиклик маъносини бўрттириб кўрсатиш орқали ҳам коннотацияга йўл очади.

13. Болалар нутқий таъсирчанликка эришишда- *чи, -да, -ку, -у(-ю), -ки* юкламаларидан, ундов сўзлардан ниҳоятда кенг фойдаланишади. Бу жиҳат болаларнинг ҳиссиётларини яшира олмасликлари, уни ошқора ифода этишга мойилликлари билан боғлиқ.

14. Мактабгача ёшдаги болалар нутқидаги ўзига хос сўз бирикмалари, ноодатий мурожаат бирликлари, синтактик окказионализмлар, ўхшатишли қурилмалар, синтактик такрор ва инверсия ифоданинг таъсирчанлигини оширади, образлиликни юзага келтириб, тингловчини ўзига жалб қилади.

15. Болалар нутқида қўлланган имо-ишоралар, мимик ифодалар нутқни ихчамлаштириш, мазмунан тўлдириш, таъсирчан қилиш каби вазифаларни бажаради.

16. Баҳо категорияси нутқ эгасининг нутқ объекти ҳақидаги шахсий муносабатининг ифодаси, субъектив қарашларининг мажмуидир. Катталардан фарқли тарзда болалар воқеликка муносабатини тўғридан-тўғри ифодалашга ҳаракат қиладилар. Баҳони ифодалаш жараёнида болалар адресатга таъсир кўрсатиш вазифасини ҳам адо этишади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А. Маъно кучайтиришнинг фонетик усули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – № 2. – Б. 55-58.
2. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – 90 б.
3. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 88 б.
4. Алефиренко Н. Ф. Спорные проблемы семантики. – Волгоград: Перемена, 1999. – 274 с.
5. Апресян Ю.Д. Коннотация как часть прагматики слова // Изб. тр. Т.2. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М., 1995. – С. 156-174.
6. Арбузова Е.А. Прагматические особенности коннотации в организации текста (на материале английского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 152 с.
7. Арнольд И.В. Функции коннотативных значений слов в поэтическом тексте // Структура и семантика предложения и текста в германских языках. – Л., 1987. – С. 3-9.
8. Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. 1973. Т.32. Вып. – №1. – С. 84-89.
9. Арутюнова Н.Д. Истина: фон и коннотации // Логический анализ языка. – М., 1991. – С. 21-30.
10. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – 606 с.
11. Ахмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.
12. Бавдинев Р.Р. Культурная коннотация и паремические единицы. // Вестник КазНУ. Филологическая серия. – №8. 2005. – С. 177-180.
13. Баранов А.Н., Крейдлин Г.Е. Иллокутивное вынуждение в структуре диалога // Вопросы языкознания. 1992. – №2. – С. 84-99.



14. Bellert I . O pewnym warunku spryjności textu.  
[//https://books.google.co.uz](https://books.google.co.uz)
15. Белоглазова Е.В. Дискурсная гетерогенность литературы для детей. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2010. – 30 с.
16. Бельчиков Ю.А. О культурном коннотативном компоненте лексики // Язык: система и функционирование. – М.: Наука, 1988. – С. 30-35.
17. Блумфильд Л., Язык. – М., 1964. – С. 156-164.
18. Боймирзаева С. Баҳо фаолияти ва унинг матнда ифодаланиши // Xorijiy filologiya. – Samarqand. 2008. – №2. – Б. 12-15.
19. Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 49 б.
20. Бурханов З. Кўмакчили курилмалар пресуппозицияси // Педагогик таълим. – Тошкент, 2004. – № 3. – Б. 61-62.
21. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар прагматикаси. – Тошкент, 2006. – 72 б.
22. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиklar прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 130 б.
23. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиklar прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.
24. Бутаева О.Г Соотношение прагматического и семантического компонентов в структуре значения слов [//http://study-english.info/article123.php](http://study-english.info/article123.php)
25. Валгина Н. С. Теория текста // Учебное пособие. – М.: Логос, 2003. – 173 с.
26. Вахтель Н. Прагмалингвистика в таблицах и схемах // Учебное пособие. – Воронеж, 2006. – 31 с.
27. Вальшнер Я., Миккин Х. Невербальная коммуникация в диадах // Труды по психологии. – Тарту, 1974. – С. 121-123.

28. Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – М., 1985. Вып. XVI. – С. 233-250.
29. Bierwisch, K. E. Heidolph (eds.) Progress in linguistics. The Hague, 1970. – P. 143-173.
30. Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – М.: Наука, 1985. – 228 с.
31. Вострякова Н.А. Коннотативная семантика и прагматика номинативных единиц русского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 1998. – 271 с.
32. Гак В. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – М., 1981. – 208 с.
33. Гелгард Р.Р. Помехи в понимании речевых сообщений // Русский язык в школе. 1968. – №3. – С 3-9.
34. Говердовский В.М. История понятия коннотации. – М., 1979. – 83 с.
35. Говердовский В.И. Феномен коннотации на денотативном уровне // Языковая практика и теория языка. – М.: Изд-во МГУ, 1974. Вып. 1. – С. 132-137.
36. Говердовский В.И. Диалектика коннотации и денотации. Взаимодействие эмоционального и рационального в лексике // Вопросы языкознания. 1985. – № 2. – С. 71-79.
37. Гонгало Е.Ф. Теория речевых актов Дж.Остина и Дж.Серля // Материалы V Международной научной конференции «Культура, наука, образование в современном мире». – Гродно, 2011. – С. 45-49.
38. Горелов И.Н. Основы психолингвистики / И. Н. Горелов, К. Ф. Седов. – Москва: Лабиринт, 1997. – 224 с.
39. Гулямов Г.А. О некоторых особенностях аффиксов с уменьшительно-ласкательным значением в узбекском языке // Научные труды. – Ташкент, 1964. Вып. № 268. – С. 15-22.
40. Демьянков В. Прагматические основы интерпретации высказывания // Известие АН СССР. Серия лит. и яз., 1981. Т.40. – №4. – С. 368-377.

41. Детская прагматика или социально-психологический аспект развития речи. // <http://matenok.ru/pragmatika.php>

42. Доброва Г.Р. Онтогенез персонального дейксиса: личные местоимения и термины родства. // <http://www.dslib.net/jazykoznanie/ontogenez-personalnogo-dejksisa.html>

43. Долгоруков В.В. Эпистемические пресуппозиции и классификация ассертивов // Эпистемология и философия науки. – М., 2017. Т. 51. – № 1. – С. 92-105.

44. Ducrot O. La description linguistique des йnoncйs franзais et la notion de прйsupposition. // [https:// www.persee.fr/dok/hom0439-Lcs](https://www.persee.fr/dok/hom0439-Lcs) lois de discours-uts

45. Ёкубов Н. Кичкина доктор. – Тошкент, 2015.

46. Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2013. – 403 б.

47. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. // [http://www.myfilology.ru/media/user\\_uploads/Tutorials/Zherebilo\\_T\\_V\\_slovar\\_lingvisticheskikh\\_terminov.pdf](http://www.myfilology.ru/media/user_uploads/Tutorials/Zherebilo_T_V_slovar_lingvisticheskikh_terminov.pdf)

48. Жумаев Ф. Феълларни прагматик йўналишда тадқиқ этиш масалалари // Фан ва таълим, – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 87-89.

49. Жумабоев М. Кичкинтойлар фольклори. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. – 101 б.

50. Забавников В.Н. К проблеме структурирования речевого акта (речевого действия) // Вопросы языкознания. 1984. – №6. – С. 119-124.

51. Зуннунова С. Олов // Танланган асарлар. Уч томлик, 3-том. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1978. – Б. 245-310.

52. Искандарова Г. Болаларга хос кинематика / Филология янги юз йилликда: фаннинг тугун ва ечимлари / ТошДШИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2003. – Б. 181-182.

53. Искандарова Г. Бола нутқий фаолиятида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти / Ўзбек тилшунослиги масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, ЎЗМУ, 2003. – Б. 86-87.

54. Искандарова Г. Болалар нутқиға оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек филологиясига оид тадқиқотлар: Илмий-амалий анжуман материаллари – Тошкент: ЎзМУ, 2009. – Б. 19-23.

55. Искандарова Г. Болалар нутқида кинетик белгиларнинг коммуникатив функцияси // Тилшуносликнинг долзарб масалалари / Илмий мақолалар тўплами VII. – Тошкент: ЎзМУ, 2015. – Б. 281-284.

56. Искандарова Г. Болалар мулоқот хулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2015. – № 1/2. – Б. 200-203.

57. Искандарова Г. Речевое поведение в гендерном аспекте на примере детской речи // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2016. – № 4. – Б. 59-62.

58. Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекско-русского раннего двуязычия). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 1988. – 23 с.

59. Kiefer F. (ed.) // «Studies in syntax and semantics». // <https://www.springer.com>

60. Кифер Ф. О пресуппозициях // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. – М., 1978. – С. 337-369.

61. Kiparski P., Kiparski C. Fact. – In: M. Bierwisch, K. E. Heidolph (eds.) Progress in linguistics. The Hague, 1970. – P. 143-173.

62. Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. Л., 1978. – 160 с.

63. Комлев Н.Г. О культурном компоненте лексического значения слова // Вестник МГУ. Серия филол. наук. – М., 1966. – № 5. – С. 43-50.

64. Корнев А.Н. Прагматические аспекты речевых имитаций у детей четвертого года жизни. // <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004. – С. 122-126.

65. Королев В. Стадии освоения детьми средств выражения локативного и темпорального дейксиса. // <http://cyberleninka.ru/>

[article/n/stadii-osvoeniya-detmi-sredstv-vyrazheniya-lokativnogo-i-temporalnogo-deyksisa # ixzz2K6sLGDIP](#)

66. Краснощекова С.В. Местоименный дейксис в русской детской речи. // <https://iling.spb.ru/dissovet/theses/.../thesis.pdf>

67. Кравченко Н.К. Пресуппозиция, импликация, имплицатура, эксплицатура: к проблеме разграничения терминов // – 2012. – Вип. 15. Т.1. – С. 227-231.

68. Крейдлин Г.Е. Иллокутивное вынуждение в структуре диалога // Вопросы языкознания. 1992. – №2. – С. 84-99.

69. Куликова И. С. Введение в металингвистику (системный, лексикографический и коммуникативно-прагматический аспекты лингвистической терминологии) / И. С. Куликова, Д. В. Салмина. – СПб.: САГА, 2002. – С. 290.

70. Кўчимов А. Қайта туғилган бола (ёки Илҳомнинг “Хотира” дафтарида) // Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 496 б.

71. Lakoff G. Linguistics and natural logic // «Studies in generative semantics», 1970. – № 1. – P. 151-271.

72. Леонтьев А. А. Деятельность. Сознание. Личность. – Москва: Политиздат, 1977. – 304 с.

73. Лебедева Е.Ф. Коннотативные способы выражения предположения в тексте художественного произведения // Лингвистический анализ текста. – Иркутск, 1985. – С. 69-74.

74. Лингвистический энциклопедический словарь // <http://tapemark.narod.ru/les/412c.html>.

75. Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1996. – №5. – Б. 46-48.

76. Лутфуллаева Д. Ўзбек тили феълларининг прагматик хусусиятлари // Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 151-153.

77. Лутфуллаева Д., Жумаев Ф. Ўзбек тили феълларининг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. – № 2. – Б. 74-76.

78. Лутфуллаева Д., Солиева Ф. Ассоциатив луғатлар тил, маданият, тарихимиз кўзгуси // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2016. – Б. 427-431.

79. Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативлик-нинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 21 б.

80. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 29 б.

81. Мамадалиева М. Номловчи бирликларнинг ички маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – № 6. – Б. 40-42.

82. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 179 б.

83. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 25 б.

84. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208 с.

85. Матвеева Г., Петрова Е., Ленец А. Основы прагмалингвистики // <https://books.google.com/books/about/>

86. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – 152 б.

87. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 1986. – №6. – Б. 28-31.

88. Миртожиев М., Тохиров З. Сўз маъносининг бўёғи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – 23 б.
89. Миртожиев М. Товушлардаги маънолар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – 23 б.
90. Моисеенко Е.Ю. Дискурсно-прагматические особенности детской речи (на материале современного английского языка). // <http://avtoreferat.net/content/view/10628/31/>
91. Муродов М. Яхши амаки // Боғча бола. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 7-8.
92. Муродов М. Кимнинг ойиси зўр // Боғча бола. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 10-11.
93. Муродов М. Боши хумдай бола // Боғча бола. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 12-13.
94. Муҳаммаджонов Р. Тангалик болалар (кинофильм). – Тошкент: “Ватан” киностудияси, 1990.
95. Муҳаммаджонов Р. Чол ва Набира (кинофильм). – Тошкент: “Ўзбекфильм” киностудияси, 2009.
96. Муҳаммаджонов Р. Сехрли қалпоқча (кинофильм). – Тошкент: “Ўзбекфильм” киностудияси, 2013.
97. Муҳаммаджонов Р. Суюнчи (кинофильм). – Тошкент: “Ўзбекфильм” киностудияси, 1982.
98. Назаров К. Об экспрессивно-стилистические особенностях употребления притяжательных аффиксов // Научные труды. – Ташкент, 1963. Вып. № 211. – С. 236.
99. Наумова Л.А. Пресуппозиции в логике и лингвистике // Философия: в поисках онтологии: Сборник трудов Самарской гуманитарной академии. – Самара: Издательство СаГА, 1998. – № Вып. 5. – С. 236-255.
100. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1986. – №6. – Б. 42-45.
101. Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 296 б.

102. Нурмонов А. Ўзбек паралингвистик воситалари // Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 215- 234.
103. Osgood Ch., Susi G.J., Tannenbaum P.H. The Measurement of Meaning. <https://www.amazon.com>
104. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 22-129.
105. Падучева Е.В. О понятие презумпции в лингвистической семантике // Семиотика и информатика. – М., 1977.– Вып. 8. – С. 91-124.
106. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2017. – 262 б.
107. Первухина С.В. Виды пресуппозиций в адаптированном тексте // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2013. – № 6 (24). Ч. I. – С. 165-168.
108. Почепцов О. Основы прагматического описания предложения. – Киев: Вища школа, 1986. – 116 с.
109. Паймурзина Т. Г. Коммуникативные промахи и неудачи в детской речи: к проблеме изучения и предупреждения в системе среднего коммуникативного образования // Известия РГПУ им. А.И. Герцена 2009 №112 URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/kommunikativnye-promahi-i-neudachi-v-detskoj-rechi-k-probleme-izucheniya-i-preduprezhdeniya-v-sisteme-srednego-kommunikativnogo>(дата обращения: 08.02.2013)
110. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Тошкент. 2005. – 171 б.
111. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.
112. Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция / А.Ғулом ва ўзбек тилшунослиги: Илмий ишлар тўплами. – Тошкент. 2004. – Б. 57-60.



113. Раҳимов У. Тагмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 2005. – № 5. – Б. 29-33.
114. Садовская Ю.В. Коммуникативные помехи в детской речи. [//http://cyberleninka.ru/article/n/kommunikativnye-pomehi-v-detskoj-rechi#ixzz4fWsIT4Lp](http://cyberleninka.ru/article/n/kommunikativnye-pomehi-v-detskoj-rechi#ixzz4fWsIT4Lp)
115. Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 25 б.
116. Сайидираҳимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.
117. Сафаров О. Болаларнинг яширин тиллари //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 11-19.
118. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, – Тошкент, 2008. – 300 б.
119. Sayfullayeva R., va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2009. – B. 231.
120. Семиотика и информатика. Вып.8. – М., 1977. – С. 40-46.
121. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М., 1986. Вып. XVII. – С. 170-194.
122. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 159 б.
123. Содиқова М. Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам. – Тошкент: Ёш Гвардия, 1972. – 40 б.
124. Солихўжаева С. Эмоционаллиқни ифодаловчи воситалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 5. – Б. 44.
125. Стернин И.А. Проблемы анализа структуры значения слова. – Воронеж, 1979. – С. 123-129.
126. Сторожева Е. М. Коннотация и ее структура. [//http://www.lib.csu.ru/vch/091/111.pdf](http://www.lib.csu.ru/vch/091/111.pdf). – С.117.

127. Strawson P. F. Introduction to logical theory. – L., 1953. – P. 273-276.

128. Строгонова О.Л. Особенности репрезентации языковой личности подростка: лингво-прагматический аспект (на материале современных англоязычных учебно-методических комплексов и художественной литературы о подростках). <http://dissers.ru/1filologiya/osobennosti-reprezentacii-yazikovoy-lichnosti-podrostka-lingvo-pragmaticheskiy-aspekt-na-materiale-sovremennih-angloyazichnih-uchebno-metodicheskikh.php>

129. Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. // <http://homepages.tversu.ru/~ips/Pragmg.html>.

130. Сухих С.А. Прагмалингвистическое измерение коммуникативного процесса: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Краснодар, 1998. – 30 с.

131. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – 143 с.

132. Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 49 б.

133. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 120 б.

134. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 276.

135. Тўлабоева Р. Болалар характерини тасвирлашда кулгунинг ўрни. <http://www.sharqyulduzi.uz/shyu/2011/2011-5/rt.html>

136. Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 464 б.

137. Тўхтабоев Х. Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 336 б.

138. Тўхтабоев Х. Жаннати одамлар. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 268 б.

139. Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент: Гафур Гулом, 2005. – 252 б.
140. Улуфов А. Ҳар болада шахс улғаяди // Ҳуррият. – Тошкент, 1998. – № 24 (76). – Б. 1.
141. Умархўжаева О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 5. – Б. 52-53.
142. Fairclough N. Textual analysis for social research // [www.fd.unl.pt.amh\\_ma\\_4763](http://www.fd.unl.pt.amh_ma_4763)
143. Филиппов А.В. К проблеме лексической коннотации // Вопросы языкознания. – Москва, 1978. – № 1. – С. 57.
144. Fillmore Ch. Types of lexical information. In: F. Kiefer (ed.) // «Studies in syntax and semantics». [https:// researchgate.net](https://researchgate.net).
145. Фозилов Н. Болалигим – пошшолигим. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
146. Хандалар // Бир сафда. – Тошкент, 2015. – № 3. – Б. 55.
147. Хидикель С.С., Кашель Г.Г. Природа и характер языковых оценок // Лексические и грамматические компоненты в семантике языкового знака. – Воронеж, 1983. – С. 14-24.
148. Ходжаян. Т. Коннотативные особенности цветообозначений в современном немецком языке // <https://books.google.co.uz>
149. Худойберганаева Д.С. Ўзбек тилида матннинг антропоцентрик тадқиқи (матн яратилиши ва мазмуний идрои мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.
150. Цоллер В.Н. Экспрессивная лексика: семантика и прагматика // Филологические науки. – М., 1996. – №6. – С. 62-71.
151. Чернец А.О. Проблемы эмотивности и коннотации // Некоторые вопросы общего и частного языкознания. – Пятигорск, 2001. – С. 3-9.
152. Чернигова И.В. Нейтрализация коммуникативно-прагматических помех в тексте издательского предисловия к французским художественным произведениям XVI-XVII веков. // [http://cyberleninka.ru /article/n/](http://cyberleninka.ru/article/n/)

153. Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – С. 254–255.
154. Шоабдурахмонов Ш., ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.
155. Шофқоров А. Миртемир шеърятда такрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.
156. Щербакова О.В. Прагматические пресуппозиции как основание интерпретации газетно–публицистического дискурса (на материале интернет-версий британских газет): Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Ставрополь. 2009. – С. 9-10.
157. Яшенко М.А. Особенности функционирования оценочных прилагательных в речи ребенка. // <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004
158. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.
159. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 672 б.
160. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 688 б.
161. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 608 б.
162. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 592 б.
163. Қамбаров Ғ.С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.
164. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 157 б.
165. Қиличев Э., Қиличев Б. Коннотатив маъно ва унинг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – №6. – Б. 68-71.

166. Қодиров З. Синтактик бирликларнинг коннотатив аспекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – № 6. – Б. 40-41.

167. Қодиров П. Акрамнинг саргузаштлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 124 б.

168. Қурбонова М. Кичик ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лексик хусусиятлари / Иқтидорли талабалар республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами (1-3 март) II-қисм. – Тошкент, 2007. – Б. 109-111.

169. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.

170. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. (монография ўзбек тилида). – Тошкент: Фан ва технология, 2014. – 128 б.

171. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо аффиксларининг қўлланиши ҳақида // Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1979. – Б. 51-53.

172. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 164 б.

173. Ғозиев Э. Психология. (Ёш даврлари психологияси). – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 224 б.

174. Ғозиева Ш. Ўзбек тилида субъектив баҳо ифодаловчи форма ясовчи аффиксларнинг баъзи семантик хусусиятлари ҳақида // Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1975. – № 475. – Б. 96-100.

175. Ғулом Ғ. Шум бола / Танланган асарлар. Тўрт томлик. III том. – Тошкент, 1959. – Б. 111-165.

176. Ҳадятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – №2. – Б. 62.

177. Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 21 б.

178. Ҳайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номуво-фиклиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 25 б.

179. Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 168 б.
180. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. – 49 б.
181. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – 283 б.
182. Ҳақимов М. Тагмаъно ва тагбилим хусусида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. – № 1. – Б. 30-34.
183. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 176 б.
184. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.
185. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.
186. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1989. – 544 б.
187. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. // Сайланма. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 288 б.
188. Ҳошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 336 б.
189. Хўжаев Ё. Аломат боланинг саргузаштлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 176 б.

## МУНДАРИЖА

<b>Сўзбоши</b> .....	3
<b>I. Боб. Болаларга хос нутқий акт кўринишларининг прагматик тавсифи</b> .....	9
1.1. Нутқий акт ҳақидаги назарий қарашлар: таҳлил ва муносабат.....	9
1.2. Болалар коммуникатив мулоқотида нутқий акт турларининг воқеланиши.....	19
1.3. Болалар перцептив фаолиятида прагматик тўсиқнинг юзага келиши.....	42
<b>II. Боб. Болалар нутқининг пресуппозицион хусусиятлари</b> .....	55
2.1. Лингвистик пресуппозициянинг умумий тавсифи.....	55
2.2. Болалар нутқида лексик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши.....	68
2.3. Болалар нутқида морфологик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши.....	73
2.4. Болалар нутқида синтактик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши.....	87
<b>III. Боб. Болаларга хос нутқий коннотация ва баҳо муносабатининг ифодаланиши</b> .....	94
3.1. Коннотация ва баҳо муносабатининг прагматик моҳияти ва ўрганилиши.....	94
3.2. Болалар нутқида коннотатив маънонинг ифодаланиши.....	110
Умумий хулосалар.....	141
Фойдаланилган адабиётлар.....	144